

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА
БОШҚАРИШ»

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2015

Техника олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг умумкасбий ва маҳсус фанлари профессор-үқитувчилари учун тузилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» модули ишчи ўқув дастури озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиялари, истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялар билан танишириш, озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг сифатини ва ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш, замонавий технологияларнинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларини янгилаб боришга қаратилган. Мазкур ишчи ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2015 йилнинг 16-июлидаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури асосида тузилган.

Тузувчилар: - т.ф.н., доц. А.Ж.Чориев, Тошкент кимё-технология институти “Озиқ-овқатхавфсизлиги” кафедраси мудири;
- т.ф.д., проф. Қ.О.Додаев, Тошкент кимё-технология институти “Озиқ-овқатхавфсизлиги” кафедраси профессори

Тақризчилар: - б.ф.д., профессор З.Р. Ахмедова ЎзР ФА “Микробиология” институти, «Микроорганизмлар ферментлари» лабораторияси мудири;
- т.ф.н. А.Т. Рўзибоев ТКТИ “Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси” кафедраси доценти

Ишчи ўқув дастури ТКТИ хузуридаги педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тармоқ маркази илмий кенгашида тавсия қилинган (20 __ йилнинг “__” “__”, “__” - сонли баённома).

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	4
1-маъруза. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш	17
2-маъруза. Хавфсизликни бошқариш тизимини ишлаб чиқаришда пайдо бўлган муаммоларни таққослаш (идентификация) ва уларни ечиш усуллари	35
3-маъруза. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги	37
4-маъруза. Пестицидлар ва улардан заҳарланиш	41
5-маъруза. Хом ашё, яримтайёр ва тайёр маҳсулотларни текшириш услублари	55
6-маъруза. Оғир металл қолдиқлари ва улардан заҳарланиш	61
7-маъруза. Витаминлар ва уларни аниқлаш услублари	72
8-маъруза. Маҳсулотлар таркибидаги қуруқ моддаларни аниқлаш услублари	85
9-маъруза. Озиқ-овқат саноатидаги тараплар сифатини аниқлаш.....	90
10-маъруза. Мева-сабзавотларнинг кислоталилигини аниқлаш.....	94
ҚЎШИМЧА МАЪРУЗАЛАР	98
Углеводларни аниқлаш услублари	98
Ёғлар ва уларни аниқлаш услублари	102
Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги бегона моддаларни аниқлаш	109
Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат	112
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	125

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари:

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича) қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат хавфсизлиги» мутахассислиги ўқув режасида маҳсус фанлар блокига киритилган « Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» фани ўқув дастурининг **мақсади** – мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиялари, Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш замонавий корхоналари, замонавий истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялари, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида малака ошириш жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» фанининг **вазифаси**:

- озиқ-овқат маҳсулотларига ташқаридан хавф туғдирадиган омилларни таҳлил қилиши;
- хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг меъёрий хужжатлар билан таъминлашни билиши;
- хомашёларни етиштиришда ўсимликлар ҳимояси учун қўлланиладиган кимёвий моддаларнинг турларини билиши;
- микроорганизм турлари ва уларни фаолияти натижасида ҳосил бўладиган токсик моддаларнинг турларини таҳлил қила олиши;
- технологик режимларга риоя қиласлик натижасида юзага келадиган хавфлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини;
- тайёр маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини назорат қилиш тизимларини;
- хом ашё ва тайёр маҳсулотлар учун «Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» (ХТКНН, НАССР) тизими принципларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- хом ашё таркибидаги токсик моддаларни аниқлашни;
- микроорганизмлар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган бегона моддаларни аниқлашни;

- хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг меъёрий таъминотини амалга ошира олиши керак.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

«Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» фани бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясининг назарий асосларини;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ноанъанавий хом ашё, янги ассортимент маҳсулоти, замонавий ускуна ва технологияларни;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнлари давомида хом ашёнинг миқдорий ўзгаришига рухсат этилган меъёрларни;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясидаги маҳсулот кўрсаткичларини ўлчаш ва стандарт талабидагига таққослашни;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларида маҳсулот сифатининг назорати ва бошқарувини;
 - озиқ-овқат хом ашёлари таркибидаги токсик моддалар турларини;
 - озиқ-овқат хом ашёлари кимёси ва товаршунослигини;
 - озиқ-овқат хом ашёлари таркибидаги токсик кимёвий моддаларни ва патоген микроорганизмларни аниқлаш усулларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилишда физик-кимёвий усуллар, меъёрий хужжатлар ва қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар билан ишлаш;
- озиқ-овқат хом ашёлари таркибидаги токсик моддаларни келиб чиқиши сабабларини ва уларни бартараф этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- озиқ-овқат саноати чиқит ва иккиласмчи маҳсулотларидан рационал фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган оралиқ ва иккиласмчи маҳсулотлар сифатини аниқлаш, уларни қайта ишлаш ва самарали фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг сифатини яхшилаш учун амалий таклифлар бериш;

- хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг меъёрий таъминотини амалга ошириш;
- озиқ-овқат хом ашёларига дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш технологияларидан самарали фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарига минитехнологиялар жорий этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва нуқсонларини бартараф этиш чора тадбирларини қўллаш;
- озиқ-овқат саноати чиқитларини қайта ишлаш ва улардан рационал фойдаланиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясига инновацион ғояларни жорий этиш;
- озиқ-овқат саноати корхоналари чиқиндиларидан рационал фойдаланишда замонавий инновацион технологияларни қўллаш;
- озиқ-овқат саноатидаги замонавий жиҳозлардан фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарida комплекс масалаларни ечиш;
- намунавий методикалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериб, таҳлил қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизаци-ялаштириш ва мувофиқлаштиришда мавжуд ахборот манбаларидан фойдаланиш;
- маълумотлар базасини яратиш, асосийларини танлаш ва уларни назорат қилиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

«Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат технологияси» мутахассислиги бўйича киритилган «Озиқ-овқат саноатидаги инновацион тех-нологиялар», «Озиқ-овқат саноати чиқиндилари ва иккиласми маҳсулотлари-дан рационал фойдаланиш» ва «Озиқ-овқат саноатидаги минитехнологик конструкциялар» фанлари билан узлуксиз боғлик бўлиб, ушбу фанларни ўзлаштиришда назарий асос бўлиб хизмат қиласди. « Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» фанини тўлиқ ўзлаштиришда ва амалий вазифаларни бажаришда «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари», «Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш» ҳамда «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» фанлари ёрдам беради.

Фаннинг Олий таълимдаги ўрни

«Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилишнинг замонавий усуллари» фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича маҳсус фанлардан дарс берувчи

профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу фан Олий таълим муассасаларида тингловчи ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маъruzалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мултимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундиҳиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишига, илмий изланишига жалб қилиш.

Тингловчиларга ушбу фанни ўзлаштиришда мавжуд адабиётлардан, электрон дарслик, ва манбалардан лаборатория ишлари бўйича услубий қўлланмалар ва макетлардан ҳамда тест саволлари тўпламидан фойдаланиш тавсия этилади.

Назарий ва лаборатория дарсларида ақлий ҳужум, кичик гурӯхчалар ўртасидаги мусобоқа, топишмоқлар, тестли саволлар каби тингловчиларни қизиқтирувчи ва ўз устида ишлашга йўлловчи педагогик технологиялардан фойдаланилади.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилишнинг замонавий усуллари» курсини лойиҳалаштиришда қуидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиши мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўкув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ва лаборатория ишлари.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, муроқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гурух.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникатсия усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блитс-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўкув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўкув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўкув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади. «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва бошқариш» фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича тингловчилар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. “Интернет” тармоғидаги мутаҳассисликка оид сайтлардан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№		Ҳаммаси	Соатлар			Мустакил таълим
			Маъруза	Амалий	Кўчма машғулот	
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш	2	2			
2	Хавфсизликни Бошқариш Тизимини ишлаб чиқишида пайдо бўлган муаммоларни таққослаш (идентификатсия) ва уларни ечиш усувлари	2	2			
3	Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги	2	2			
4	Пеститсидлар ва улардан заҳарланиш	2	2			
5	Хомашё, яримтайёр ва тайёр маҳсулотларни текшириш услублари	2	2			2
6	Оғир металлар қолдиқлари ва улардан заҳарланиш	2		2		
7	Витаминалар ва уларни аниқлаш услублари	2		2		
8	Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги куруқ моддаларни аниқлаш	2		2		
9	Озиқ-овқат саноатидаги таралар сифатини аниқлаш.	2		2		
10	Мева-сабзавот маҳсулотлари кислоталилигини аниқлаш	2		2		
	Жаъми	22	10	10		2

Ўқув материалларининг мазмуни Маъруза машғулотлари

Кириш

Рейтинг тизими ҳақида. Кириш. Хавфсизлик қўрсаткичларига жавоб берувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида маълумот хавфсизлик талаблари ва шу қўрсатгичларни назорат қилиш заминлари. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурӯхларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; К1; К2; К3.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик талаблари ва уни назорати асослари

«Хавфсизлик талаблари ва уни назоратида қўлланиладиган физик-кимёвий ускуналар» Саноатга умумжаҳон ИСО 9001-2000 стандартлари талабларини, ИСО 22000 стандарти бўйича умумжаҳон хавфсизликни бошқариш тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЎзДСТ ИСО/ИЕС 17025- 2007 стандартларини қўллаш.

Озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш, бошқариш тизимини асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганиш асоси. Тайёр маҳсулот шу талабларга жавоб беришини назорат қилиш.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3; Қ4; Қ5; Қ6.

Тайёр маҳсулот ва унинг сифат кўрсаткичлари

Тайёр маҳсулот ИСО 9001- 2000 ва ИСО 22000 ҳамда Ўзбекистон ЎзДСт ИСО/ИЕС 17025- 2007 стандартлари талаблари асосида яратиш. Ҳар бир тайёр маҳсулот ўзининг стандартларида белгиланган хавфсизлик кўрсаткич талабларига жавоб бериши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Хавфлар таҳлили ва ХАССП режаси

Хавфлар таҳлили хавфсизлик мезонларни аниқлаш ва уларни назорати натижаларини таҳлил қилиш йўли. ХАССП тизимини принтсиplари асосида хавфлар таҳлили ва назорати.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Хужжатларга талаблар. Давлат қонунчилиги асослари

Бошқариш тизимининг ҳар бир ҳужжатини аниқлаш. Амалиётда ушбу ҳужжатларни маҳсулотни сертификатлашга тайёрлаш жараёни. Хавфсизликни бошқариш тизимини ишлаб чиқишида пайдо бўлган муаммоларни таққослаш (идентификатсия) ва уларни ечиш усувлари.

Давлат қонунчилиги асослари. Сифат менежменти тизими.

Хужжатлар бутун дунёда тан олинган ИСО 9001-2000 стандартлари талаблари. ИСО 22000 стандарти бўйича умумжаҳон Хавфсизликни Бошқариш Тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЎзДСт ИСО/ИЕС 17025- 2007 талаблари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Хужжатларга талаблар. Давлат қонунчилиги асослари

Бошқариш тизимининг ҳар бир ҳужжатини аниқлаш. Амалиётда ушбу ҳужжатларни маҳсулотни сертификатлашга тайёрлаш жараёни. Хавфсизликни бошқариш тизимини ишлаб чиқишида пайдо бўлган муаммоларни таққослаш (идентификатсия) ва уларни ечиш усувлари.

Давлат қонунчилиги асослари. Сифат менежменти тизими.

Хужжатлар бутун дунёда тан олинган ИСО 9001-2000 стандартлари талаблари. ИСО 22000 стандарти бўйича умумжаҳон Хавфсизликни

Бошқариш Тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўз ДСТ ИСО/ИЕС 17025- 2007 талаблари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурӯхларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Корхона раҳбариятини жавобгарликлари

Хавфсизликни Бошқариш Тизимини ишлаб чиқиши босқичлари ва уни амалга қўллашни этапларини аниқлаш. «Жараён» усули билан Хавфсизликни Бошқариш Тизими бўйича фаолият олиб боришни корхоналарга киритиш йўллари, қўллаш ва бажарилишини назорат қилиш.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича юритиладиган сиёsatни танлаш, бажариш учун режа ишлаб чиқиши. Ахборотлар билан ички ва ташқи алмашувни ташкил этиш. Корхоналарда бўладиган фавқулотда холатларда раҳбариятнинг қарорлари ва уларни таҳлили.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурӯхларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Ресурсларни бошқариш

Ресурсларни бошқариш, ресурслар билан таъминлаш. Инфраструктура, ишлаб чиқариш муҳити. Олдиндан бажариладиган тадбирлар дастури.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурӯхларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Хавфсиз талабларига жавоб берувчи маҳсулотларни режалаштириш ва ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқишида ҳар бир корхона ИСО 9001- 2000 ва ИСО 22000 ҳамда Ўзбекистон Ўз ДСТ ИСО/ИЕС 17025- 2007 стандартлари талабларига берилишини таъминлаш. Ҳар бир маҳсулотга тааллуқли бўлган стандартларга жавоб берувчи маҳсулотлар.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. *Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурӯхларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Технологик схемалар

Корхоналарнинг тсехлари, бўлимлари ва бўлинмалари. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараённинг технологик схемалари ва технологик регламентлари билан таъминланганлиги ва уларни бажариш учун тадбирлар.

Корхонада қайд этиш журналларининг юритилиши. Ҳом ашё ва тайёр маҳсулотнинг таркибини текширишнинг физикавий ва ҳажмий усуллари. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги моддаларни аниқлаш.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Амалий машғулотлар мазмуни

1. Ташкилотдаги Хавфсизликни Бошқариш Тизимини ҳар бир хужжати.
2. Хавфсизликни Бошқариш Тизимини хужжатларини маҳсулотни сертификатлашга тайёрлаш.
3. Хомашё, яримтайёр ва тайёр маҳсулотларни текширишнинг хажмий услублари.
4. Хомашё, яримтайёр ва тайёр маҳсулотларни текширишнинг физик услублари.
5. Маҳсулотлар таркибидаги ош тузини аниқлаш.
6. Озиқ-овқат саноатига мўлжалланган таралар сифатини аниқлаш.
7. Озиқ-овқат маҳсулотлари кислоталилидини аниқлаш.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Амалий машғулотлар учун жами 14 балл ажратилган.

Кўлланиладиган таълим технологиялари: диологик ёндошув, муаммоли таълим. Бинго, блитс, мунозара, ўз-ўзини назорат, погона, кичик гурухларда ишилаш. Маъруза намойиш этиши, Кластер, Фикрлаш харитаси.

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ3.

Мустақил иш мазмуни

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчиларнинг маъруза ва лаборатория машғулотига тайёрланиб келиши ва ўтилган материалларни мустақил ўзлаштиришлари учун кафедра ўқитувчилари томонидан маъруза матнлари ишлаб чиқилган, ҳар бир талабага ушбу материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тингловчиларнинг фанни мустақил тарзда қандай ўзлаштирганлиги жорий, оралиқ ва якуний баҳолашларда ўз аксини топади. Шу сабабли рейтинг тизимида мустақил ишларга алоҳида балл ажратилган бўлиб, улар ЖБ, ОБ лар таркибиға киритилган.

Мустақил иш учун фан бўйича 18 балл ажратилган бўлиб, у 40 соатни ташкил этади.

Ушбу соатлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

- маъруза конспектини ўқиб тайёрланиш ва ундан ташқари мустақил иш бўйича берилган топшириқ учун.
- лаборатория машғулотлари ва ундан ташқари берилган лаборатория ишларини бажаришда ва ундан коллоквиумга тайёргарлик кўриш ва топшириш ҳамда ҳисоботни тайёрлаб топшириш.

- амалий машғулот бўйича уй вазифаларни ва берилган мустақил иш мавзуси бўйича топшириқларни бажариш.

Фаннинг маъруза ва лаборатория машғулотлари талабанинг мунтазам равишда мустақил ишлашини талаб қиласди, ҳамда фан учун мустақил иш соатлари 40 соатни ташкил қиласган. Мустақил иш турлари рефератлар ва конспект тайёрлаш кўринишида бўлиши кўзда тутилади.

Лаборатория ишларига талабалар мустақил ҳолда асосий дарслик, маъруза материаллари ва лаборатория ишлари учун белгиланган кўлланмалардан фойдаланиб, тайёргарлик кўришлари лозим.

Қолдирилган дарсларни топшириш учун талаба дарс материалини тайёрлаб келиши ва ўқитувчининг оғзаки сухбатидан ўтиши зарур. Қолдирилган ОБ ва ЯБ лар белгиланган тартиб бўйича топширилади.

Тингловчи мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик, ўқув қўлланмалар ва электрон ўқув услубий мажмуалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш ва реферат ҳамда конспектлар тайёрлаш;
- янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- тингловчиларнинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- интерактив ва муаммоли ўқитиши жараёнида фаол қатнашиш;
- масофавий (дистансион) таълим;
- рейтинг баҳолашга тайёрланиш;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Замонавий ахборотларни қўллашда тезкор фаолиятлар тизимини шакллантириш.
2. Носозликларни бошқариш, талабларни бажарилиши бўйича ишончномалар ишлаб чиқиши.
3. Хавфсизлик мезонларини назорат нуқталарини белгилаш (ХАССП);
4. Йўналишлар бўйича хавфларни таҳлил қилиш.
5. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришда техник-кимёвий назорат.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хом ашёларга ишлов бериш жараёнлари.
2. Технологиянинг микробиологик ва биокимёвий асослари.
3. Озиқ-овқат маҳсулотларининг тавсифлари.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг назарий асослари.
5. Мойларни гидрогенлашда катализ назариялари.

6. Махсус ёғлар ишлаб чиқаришда переэтерификация, гидрогенизация, эмульсиялаш жараёнлари.

7. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва озуқавий қиймати.

8. Консерва, сут ва гүшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда табиий ва синтетик консервантлар.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. А.Ж. Чориев, Ф.Х.Асатуллаева. Мева ва сабзавотлар микробиологияси. Тошкент. Ўзбекистон НМИУ. 2009. -168 б.

2. Васиев М.Г., Додаев Қ.О. ва б.Озиқ-овқат технологияси асослари. Тошкент. 2012. 400б.

3. Чориев А.Ж. Додаев К.О. Консервалаш корхоналари жиҳозлари. Тошкент. Ўзбекистон НМИУ -2011. – 200 б.

4. Қ.О.Додаев, А.Ж.Чориев. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва консервалаш кимёси. Тошкент. Иқтисод-молия. 2010. – 166 б.

5. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А. Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг жиҳозлари. Тошкент. Шарқ. 2007. -192 б.

6. Исмоилов Т.А. Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари жиҳозлари. Тошкент. “Янги нашр”. 2012. -256 б.

7. Қ.О.Додаев. Озиқ-овқат маҳсулотларини консервалашдаги технологик ҳисоблар. Тошкент. Фан. 2003. – 144 б.

8. Қ.О.Додаев. И.Маматов. Озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаш корхоналарининг лойиҳалаш асослари ва технологик ҳисоблари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2006.- 208 б.

9. Қ.О.Додаев. Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси. Тошкент. Ношир. 2009. - 387 б.

10. Ў.Р.Кўчкоров. Чорвачилик маҳсулотларининг давлат стандартларига мослигини аниқлаш асослари. Тошкент. Чўлпон. 2003. -240 б.

11. Куриязова С.М. Овқатланиш гигиенаси.Тошкент, «Янги аср авлоди», 2012. – 380 б.

12. Т.Х. Икромов., Ў.Р. Кўчкоров. «Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси». Т: «Шарқ» 2001. -180 б.

13. Қ.Додаев, Ҳ.Нурмуҳамедов, А.Чориев. Қуритиш техникаси ва технологияси. Тошкент. Иқтисод-молия. 2010. – 160 б.

14. Ў.Р. Кўчкоров, Т.Х. Икромов. Гўшт ва сут маҳсулотлари технологияси. –Тошкент: “Чўлпон”. 2003. -240 б.

15. Чориев А.Ж., Қ.О.Додаев, Исмоилов Т.А., Д.Т.Корабоев. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ва сақлаш технологияси. Тошкент. “Давр”, 2012. -382 б.

16. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А.Г. Хомашёга дастлабки ва иссиқлик ишлови бериш технологияси. Тошкент. “Давр нашриёти”. 2012. -156 б.

17. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А.Г. Консерва ишлаб чиқаришда стерилизатсия ва пастеризатсия жараёнлари. Тошкент. “Давр нашриёти”. 2012. -150 б.

18. Ахрапов У.Б., Вакил М.М. «Таом тайёрлаш технологияси» Тошкент: «Шарқ нашриёти», 2004., 382 б.

19. Ахрапов У.Б., Ахрапов Ш.У. «Таом тайёрлаш технологияси» Тошкент: «Шарқ нашриёти», 2008., 367 б.

20. Фатхуллаев А., Мусаев Х. Гўшт биокимёси. Тошкент. Иқтисодмолия. 2010. – 151 б.

21. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Гулямова З.Ж., Маматов Ш.М. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ва спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқариш машина ва жиҳозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент: «Ношир» нашриёти. 2013. -368 б.

22. Ахрапов У.Б. Хорижий мамлакатлар пазандачилиги технологияси. Т.: Давр нашриёти. 2013, 258 б.

23. Ахрапов У.Б. Ўзбекистон миллий пазандачилиги технологияси. Т.: Давр нашриёти. 2013, 239 б.

24. Чориев А.Ж., Додаев Қ.О. Консерва ишлаб чиқаришда техник-кимёвий назорат. Т.: ТКТИ нашриёти. 2013, 123 б.

25. Исмоилов Т.А. Сут ва сут маҳсулотлари технология ва техникаси. Т.: ТКТИ нашриёти. 2013, 300 б.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

- № Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми
1. Васиев М, Додаев Қ, Исабаев И, Сапаева З, Гулямова З “Озиқ-овқат технологияси асослари” Тошкент – 2012 й Ворис нашриёти. - 400 б
 2. «Умумий озиқ-овқат технологияси» фанидан маъruzалар матни. Тошкент-2013. ТКТИ ООМТ кафедраси
 3. «Умумий озиқ-овқат технологияси» фанидан электрон ўқув услубий мажмуа. Тошкент-2013. ТКТИ ООМТ кафедраси
 4. Калунянц К.А., Яровенко В.А., Домарецкий В.А., Колчева Р.А. Технология солода, пива и безалкогольных напитков. –М.: «Колос», 1992. –443 с.
 5. Твепдохлеб Г.В. и др. Технология молока и молочных продуктов. –М.: Агропромиздат, 1991.
 6. Технология пищевых производств /Л.П.Ковальская, И.С.Шуб, Г.М. Мелькина и др. Под ред. Л.П.Ковальской. –М.: «Колос», 1997.–713 с.
 7. Т.Х.Икромов, Ў.Р.Қўчқоров. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси. –Т.: Шарқ, 2001. -285 б.

- 8 Б.Л.Флауменбаум и др. Основы конвертирования пищевых продуктов. –М.:
Легкая и пищевая промышленность, 1986. -490 с.
- 9 Икромов Т.Х., Құчқоров Ү.Р. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта
ишлаш технологияси. –Т.: «Шарқ», 2001.
- 10 Технология мяса и мясопродуктов. Под ред. И.А.Рогова. –М.: Агропромиздат,
1988.
- 11 Н.И.Назаров и др. Общая технология пищевых производств.-М.: Легкая и
пищевая промышленность, 1981. -360 с.

1-маъруза. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш Режа:

1. Маҳсулот сифатини аниқлаш услублари.
2. Маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш.
3. Консерваларга бактериологик баҳо бериш.
4. Консерваланган маҳсулотлар сифатига органолептик баҳо бериш ва уларнинг ранги, аромати, консистенциясини аниқлашнинг объектив услублари

Таянч сўз ва иборалар; *Аромат, сифат, pH, антоциан, кўпик моддалар, зираворлар, сув, шакар, сахароза, крахмал, биологик усул, кимёвий усул, эксперт, кислота, бактериологик баҳо, органолептик баҳо, консерва, муҳит реакцияси.*

Маҳсулот сифатини аниқлаш услублари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сифатини белгилашда унинг истеъмол қимматини белгилайдиган турли табиий хоссалари ҳисобга олинади. Масалан, меваларнинг сифатига баҳо берилганда унинг ташки қўриниши (ўлчамлари, ранги, шакли, таъми, тўқималарининг қўриниши каби бир қатор кўрсатгичлар), техник қиймати (ташишга ва қайта ишлашга мойиллиги, заарланишга чидамлилиги ва б.) ва истеъмол қиймати (озиқ-овқат, энергетик ва биологик) эътиборга олинади.

Истеъмол қиммати кишиларни озиқлантиришни илмий асосда ташкил этиш мақсадида ўрганилади. Маҳсулотларнинг озиқ-овқатлик қиммати унинг химиявий таркибидаги озиқ моддалар миқдори билан белгиланади. Энергетик қиммати эса уни ҳазм қилингандан кейинги ажралиб чиқарадиган иссиқлик энергияси билан аниқланади. Маҳсулотнинг биологик қимматини унинг химиявий таркибидаги оқсилнинг қиммати белгилайди.

Маҳсулот сифатининг шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Асосий омил географик омил бўлиб, бунга маҳсулот етиштириладиган табиий ҳудуднинг (тупроқ ва иқлим шароити) хусусиятлари киради. Технологик омиллар - дехқончилик маданияти ва маҳсулот етиштириш технологияси ҳам маълум даражада маҳсулотнинг сифатини шакллантиради. Биологик омиллар - янги нав ва гибридларни жорий қилиш ҳам маҳсулот сифатини шакллантиришда аҳамиятга эга. Шу билан бирга, маҳсулотнинг сифати тайёрлаш пункти, материал - техника базасининг тараққиёт даражаси ва уни қабул қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиясига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Сифатли етиштирилган маҳсулот уни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш мобайнида дастлабки хоссаларини йўқотиб сифатсиз маҳсулотга айланиши мумкин.

Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари маҳсулот етиштирилган шароитга, сақлаш ва бошқа ўтказиладиган қўшимча тадбирларга қараб турлича бўлади. Қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари сифат кўрсаткичларига қараб асосан 3 гурӯхга бўлинади:

1. Сифат кўрсаткичлари бўйича фойдаланиши лозим бўлган соҳа талабига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар.

2. Сифат кўрасаткичлари бўйича фойдаланиши лозим бўлган соҳа талабига тўлиқ жавоб бермайдиган, аммо бошқа соҳада фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар.

3. Фойдаланишга яроқсиз бўлган маҳсулотлар.

Айрим пайтда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари турли омиллар таъсирида ўзгарса (қизиш, чириш) хатто заҳарли бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини тўғри баҳолаш учун стандартлаш системаси қабул қилинган.

Овқат маҳсулотларининг сифатини миқдорий жиҳатдан аниқлашда иккита кўрсаткич билан белгиланади:

- аниқловчи кўрсатгич;
- интеграл кўрсатгич.

Аниқловчи кўрсатгич деганда маҳсулотнинг сифатини белгилаб берувчи ҳамма кўрсатгичлар назарда тутилади. Бу кўрсатгичларда одатда маҳсулот сифати балл асосида аниқланганда фойдаланилади.

Маҳсулот сифатининг интеграл кўрсатгичи бирмунча мавхумроқ бўлиб, уни аниқлаш учун маҳсулотдан фойдаланиш натижасида ёки истеъмол қилиш натижасида олинган фойда йиғиндисини уни яратишга, эксплуатация қилишга ёки фойдаланишга сарф бўладиган умумий ҳаражатларга бўлган нисбати олинади. Мавхум дейишимизнинг сабаби шундаки, озиқ-овқат маҳсулотлари учун интеграл кўрсатгични аниқлаш онсон нарса эмас. Чунки ҳар вақт ҳам истеъмол қилинган овқатнинг аҳамиятини миқдорий равишда кўрсатиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам баъзан маҳсулотнинг интеграл кўрсатгичини аниқлаш учун, унинг сифатини бошқа маҳсулотларга нисбатан фарқ қилишини кўрсатадиган мавқелик коэффициенти белгиланади.

Баъзан товарларнинг сифатини солиштирма аниқлашда маҳсулотнинг «базис кўрсатгичи» ва унинг «нисбий кўрсатгичи» деган тушунчалар орқали шу маҳсулотнинг сифатига солиштирма баҳо берилади.

Маҳсулотнинг базис сифат кўрсатгичи деганда, шу маҳсулотга оид бўлган ҳамма кўрсатгичлар тушунилади ва солиштиришда шу кўрсатгичлар асос бўлиб ҳизмат қиласди.

Маҳсулотнинг нисбий сифат кўрсатгичи деганда баҳоланаётган маҳсулотни сифатини базис кўрсатгичга нисбатан бўлган сифати тушунилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини аниқлашда техник назорат катта аҳамиятга эга. Бу назорат орқали маҳсулотни техник талабларга қай даражада жавоб бериши аниқланилади.

Яроқли деб топилган маҳсулот меъёрий техник хужжатлардаги талабларни ҳаммасига тўлиқ жавоб бериши керак. Маҳсулотни жорий қилинган талабларга жавоб бермаган ҳар-бир кўрсатгичи шу маҳсулотнинг дефекти ҳисобланади ва агар маҳсулотда биттагина дефект топилса ҳам бундай маҳсулот «дефект маҳсулот» дейилади.

Стандарт кўрсатгичларга асосланган ҳолда дефектлар бир неча

кўринишларда шаклланади:

аниқ, яширинганд, ўтааниқ, сезиларли, камаҳамиятли, бартараф қилинадиган, бартараф қилинмайдиган.

Аниқ дефект - аниқлаш учун меъёрий хужжатларида уни аниқлаш қоидалари, услублари ва воситалари келтирилади. Аниқ дефект, одатда кўзга кўринарли бўлиб, тахминий аниқланади.

Яширин дефект - аниқлаш учун меъёрий хужжатларида уни аниқлаш қоидалари, услублари ва воситалари келтирилмаган. Улар маҳсулотни сифатини бузганликлари билан намоён бўладилар.

Ўта аниқ дефект - бундай сифат ўзгариш юзага келганда маҳсулотни ишлатиб бўлмайди ва заарли ҳисобланади (консервалардаги бомбаж).

Сезиларли дефект - бундай дефект маҳсулотни мақсадга мувофиқ қўллашга ёки уни сақлашга таъсир кўрсатади, лекин у ўта аниқ дефектдаги каби маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирмайди (маҳсулотни механик шикастланиши, деформацияланиши ва х.).

Кам аҳамиятли дефект - маҳсулотнинг қўлланилишига ва сақланилишига таъсир кўрсатмайди. Масалан: мева ва сабзавотлар юзасидаги сезиларсиз қирилишлар, катталиги, шакли ва рангини меъёрий кўрсатгичдан фарқланиши ва хоказо.

Бартараф қилинадиган дефект - бартараф қилиш техник жихатдан онсон ва иқтисодий жиҳатдан самарадорли бўлган сифат кўрсатгичлар киради. Масалан: металл банкаларнинг устки қисмини енгил занглаши.

Бартараф қилинмайдиган дефект - юзага келган ўзгаришларни бартараф қилиб бўлмайди ёки истеъмолга яроқсиз бўлади. Масалан: шиша банкаларни синиши ва ҳоказолар.

Маҳсулот сифати, одатда, ўртача проба ёки ўртача намуна танлаб олиш йўли билан аниқланади. Ўртача пробани тўғри танлаб олиш жуда муҳим, чунки мана шу пробага қараб бутун бир партия маҳсулотнинг сифатига баҳо берилади. Қанча проба танлаб олиниши кераклиги, шунингдек, пробани танлаб олиш усули ҳар қайси маҳсулот учун алоҳида стандартда белгиланади.

Органолептик баҳолаш усули

Гўштли консерва маҳсулотининг сифатини дегустацион комиссияси таркиби: гўшт инспекцияси ходими, сифат лабораторияси бошлиғи ва корхона директоридан ташкил топган бўлиб, уларнинг иштирокида маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичларига қараб баҳо берилади. Маҳсулот совуқ ва қиздирилган ҳолда дегустациядан ўтказилади. Бунда банка ичидаги маҳсулот дегустация қилинади. Органолептик баҳолаш стандарт қоидаларида кўрсатилган талабларга асосланиб олиб борилади.

Маҳсулот учун қўйилган стандарт талаблар қуидагиларни ўз ичига олади: маҳсулотнинг ташки кўриниши, унинг мазаси, ҳиди, ранги ва консистенцияси шунингдек шўрвасининг тиниқлиги. Консерваларнинг органолептик кўрсаткичлари уларнинг хом ашё сифати ва стерилизация режимларига боғлиқ.

Органолептик текшириш кишининг сезги органлари воситасида олиб

борилади. Бу метод билан маҳсулотларнинг таъми, ҳиди, ранги, шакли, ўлчами, ташқи кўриниши, консистенцияси аниқланади.

Таъм ҳар бир маҳсулотга хос. Бир маҳсулотнинг ўзида таъми ўткир, ўртача, кучсиз ва бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотининг таъми қанчалик ўткир бўлса, у киши организмида шунчалик яхши ҳазм бўлади, истеъмол қилувчига шунчалик ёқимли бўлади. Таъм ҳар хил бўлади. Чунончи ширин, аччик, нордон ва шўр таъмнинг асосий турларидир. Асосий таъм туйғуси билан бирга, туруш, буруштирадиган, ўткир, салқинлатадиган, тахир, ачитадиган таъм турлари пайдо бўлади.

Таъм биладиган асосий орган тил бўлиб, танглай ва ҳалқумнинг юқори девори ҳам таъм сезади. Киши маҳсулотнинг таъмини фақат сув (сўлак)да эригандан кейингина билади.

Таъмни билишда маҳсулотнинг ҳарорати муҳим ўрин тутади. Ҳаддан зиёд юқори ёки паст ҳарорат таъмни пасайтиради. Шу сабабли овқатнинг ҳарорати 24° С атрофида бўлгандা, яъни маҳсулотнинг таъми ҳийла яхши сезилган вақтда намунага баҳо берилади.

Ҳид озиқ-овқат маҳсулотларида бўладиган ва аста-секин атроф-муҳитга тарқалувчи ҳидли моддалардан келиб чиқади. Маҳсулот узоқ вақт туриб қолса ёки ёмон шароитда сақланса, унинг ҳиди аста-секин камайиб боради ёки ҳатто тамомила йўқолиб кетади.

Ҳид жуда хилма-хил бўлади: хушбўй (долчин, қалампирмунчоқ, жавзибобо, лавр япроғи, укроп ва бошқалар); мева ҳиди (мевалар, вино, сирка –этил эфири); гул ёки ифор ҳиди (ванилин, чой, пичан кабилар); смола ёки малҳам (камфара ёки скипидар); чирик, ўта бадбўй ҳид (олтингугурт, аммиак, скотал кабилар); куйган ҳид (қовурилган кофе, куйган нон, тамаки дуди). Маҳсулотнинг айрим турларига хос ҳидлар ҳам бўлади.

Киши ҳидни ҳавода жуда кам миқдорда тарқалган ҳолда ҳам сезади, масалан 1 л ҳавода граммнинг миллиондан бир улуши миқдорида эфир ёки миллиардан бир улуши миқдорида олтингугурт бўлса ҳам сезади ва ҳоказо.

Маҳсулотлар ранги уларда ранг берувчи (бўёқ) модда (пигмент)га боғлик. Масалан, хлорофилл – мева, сабзавот, барг ва ўсимликларнинг бошқа қисмларига яшил ранг, каротин – сариқ ранг (сабзи, ўрик) беради. Рангнинг хилма-хил туслари ҳам мавжуд.

Мева ва сабзавотлардаги бўёқ (ранг) бир навни иккинчисидан фарқ қилиш кўрсаткичларидан биридир, чунки ҳар бир помологик ёки хўжаликботаник навнинг фақат ўзига хос, маҳсус бўёғи бўлиб, у маҳсулотнинг этилганлик даражасини ҳам белгилайди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ранги сақлаш давомида ўзгаради, хиралашади, ўзининг тиниқлигини йўқотади ёки аксинча, янада яққоллашади. Маҳсулот рангининг ўзгаришига бевосита қуёш нури тушиши, юқори ҳароратда сақланиши ва бошқа сабаблар таъсир этади.

Маҳсулотнинг шакли типик ва нотипик бўлади. Тўғри, одатда, симметрик шакли типик ҳисобланади. Мева ва сабзавотларнинг нотипик шакли хунукроқ (кўримсиз) бўлиб, яхши жойланмайди, чунки уларни бир текис қилиб териб бўлмайди, натижада тез бузилади.

Юмалоқ, овалсимон, чўзиқроқ, цилиндрсимон, конуссимон, бочкасимон, қўнфироқсимон, ялпок шакллари кенг тарқалган.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари айниқса, мева, сабзавот ва донли экинларнинг ўлчами (йирик-майдалиги) катта аҳамиятга эга. Шу кўрсаткичга қараб улар йирик, ўртача ва майда турларга бўлинади. Одатда, оғирлиги нисбатан ортиқ бўлгани (бодринг, патиссон, қўзиқорин кабилар бундан мустасно) яхши сифатли ҳисобланади.

Ташқи кўринииши маҳсулот сифатини баҳолашда катта роль ўйнайди, у маҳсулотнинг сифатлилик даражасини тавсифлайди. Рангининг хиралашиши, ялтироқлигини йўқотиши, жилосизланиши маҳсулот сифатининг пасайганлигидан далолат беради.

Маҳсулотнинг ташқи ҳолати муҳим бўлиб, у силлиқ, текис-нотекис, дўнгсимон, қийшиқ, ғадир-будур ва ҳоказо бўлади. Табиий ташқи ҳолатини йўқотган маҳсулотнинг сифати албатта пасаяди.

Маҳсулот *консистенцияси* жиҳатидан қаттиқ, ярим қаттиқ, ярим суюқ, суюқ, суркалувчи, желесимон, қайишқоқ ва ҳоказо бўлади.

Маҳсулотнинг консистенцияси билан бирга, унинг ички структурасига ҳам эътибор берилади.

Маҳсулот шишасимон, унсимон, донадор, сочилувчан, майда тортилган унсимон ва бошқа структурали бўлади.

Маҳсулотнинг консистенцияси ва ички структурасида ҳаво, ёруғлик, ҳарорат, қуёш нури ва бошқа омиллар таъсирида қўпинча катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар одатда, маҳсулот сифатини пасайтиради.

Ҳар қандай маҳсулотнинг ўртача намуна учун олинганларининг ҳам сифатини баҳолашда унинг ташқи кўриниши назарга олинади. Агар маҳсулот идишда бўлса, идишнинг стандарт талабларига мувоғиқ келиш-келмаслиги аниқланади: идиш тайёрланган материал, идишнинг ташқи ва ички томонлари қандай ишланганлиги, санитария ҳолати, шакли, маркаланиши ва бошқа кўрсаткичлар синчиклаб кўриб чиқилади.

Баъзи товарларнинг сорти балли баҳо усули билан белгиланади. Балли баҳонинг моҳияти шундаки, маҳсулотнинг ҳар қайси сифат кўрсаткичига унинг муҳимлигига қараб маълум бир миқдор балл берилади. Баллар жамламаси 100 балл баҳода юз баллни ва 10 балли баҳода ўн баллни ташкил этиши керак. Балларнинг энг кўп миқдори муҳим сифат кўрсаткичларига - таъм, ҳид ва консистенцияга ажратилади. Нуқсон топилса, балл пасайтирилади, агар маҳсулотни баҳолаш давомида бир органолептик кўрсаткичда бир неча нуқсон топилса, маҳсулотнинг баҳосини жуда ҳам тушириб юборадиган нуқсон бўйича балл пасайтирилади. Олинган баллар жамламасига қараб маҳсулотнинг сорти (нави) белгиланади.

Кўпгина товарларнинг сифатини аниқлашда органолептик усул асосий ўрин тутади. Масалан, чойнинг сифатини аниқлашда дамланган чойнинг ранги, таъми ва хушбўйлиги асосий кўрсаткичлар ҳисобланади, винонинг сифатини аниқлашда энг муҳим белгилардан бири винонинг хушбўйлигидир. Мева ва сабзавотлар сифатини баҳолашнинг стандарт методлари уларнинг йирик-майдалиги, шакли, ранги (бўёғи), заарланиш характеристи ва даражаси

кабилардан иборат.

Органолептик методнинг устунлиги унинг тез ва қулайлигига, бир қанча белгилари асбобсиз аниқлашга имкон бершидадир. Бироқ бу услуг ҳамма вақт ҳам ҳақиқий ахволни аниқ очиб бермайди, чунки сифатини текшираётган кишининг тажрибасига, таъм, ҳид, ранг ва бошқаларнинг жуда нозик хусусиятларини сеза билишига боғлиқ, шу сабабли маҳсулот ёки хом ашёнинг сифатини аниқ белгилаш учун бу иш лаборатория йўли билан қилинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати уларни давлатга ёки истеъмолчига топширишда назорат қилинади. Бу жараён маҳсулот қабал қилиш пунктларида амалдаги стандарт ва синаш усувлари ёрдамида амалга оширилади. Маҳсулотларни қабул қилишда қабул қилинган маҳсулотларнинг сифатини текширишда инспекцион назорат ўрнатилади. Бунда тайёрлаш пункти томонидан маҳсулотлар қабул қилиниши стандартдан тўғри фойдаланиш, синаш усувларининг стандартга тўғри келиши маҳсулотларнинг сақланиши, сортларга ажратилиши, жойлаштирилиши, белгиланиши текширилиши керак.

Маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш

Маҳсулотнинг сифатини назорат қилишда қўлланиладиган ўлчаш воситаларига қараб назорат турлари қўйидагиларга бўлинади: ўлчаш, органолептик қайд, ҳисоблаш, социологик ва эксперт.

Ўлчаш усули. Маҳсулот сифатини ўлчаб назорат қилиш маълум бир ўлчаш асбоб усқуналари ёрдамида амалга оширилади. Ўлчаш усувлари қўлланиладиган усульнинг асосига қараб кимёвий, физик, биологик, механик, микроскопик, физик-кимёвий, технологик ва физиологик бўлиши мумкин.

Маҳсулот сифатини *к и м ё в и й* усуlda аниқлашда унинг кимёвий таркибининг асосий моддалари аниқланади. Масалан, оқсил, углевод, ёғ, крахмалл, витаминалар ва бошқаларнинг миқдори аниқланиши мумкин.

Маҳсулотларнинг сифатини кимёвий усуlda аниқлаш объектив усул бўлиб, маҳсулот сифатини бирмунча аниқ белгилайди. Маҳсулотнинг кимёвий таркибини аниқлашда органик, анорганик, аналитик ва коллоид химияда қўлланилаётган аниқлаш усувларидан фойдаланилади.

Маҳсулотларнинг сифатини *ф и з и к у с у л д а* аниқлаш маҳсулотнинг физик хоссаларига асосланган. Маҳсулотнинг физик хоссаларига унинг эластиклиги, тўкувчанлиги, намлиги, иссиқлик хоссалари ва бошқалар киради. Маҳсулотларнинг физик хоссаларини аниқлашда диэлектрик, рефрактометрик, поляриметрик ва реологик усувлардан фойдаланилади. Диэлектрик усуlda маҳсулотнинг намлиги аниқланади. Рефрактометрик усуlda маҳсулотнинг сифати, унинг асосий кимёвий моддаларини аниқлашда фойдаланилади. Поляриметрик усул моддаларнинг оптик хоссасини, реологик усул маҳсулотларнинг структура ва механик хоссаларини аниқлашга асосланган.

Масалан, маҳсулотнинг ўлчамлари, шакли, катта - кичиклиги, ҳажми, эластиклиги, бир-хиллиги, ҳажм оғирлиги ва бошқа кўрсаткичлар.

Маҳсулотларнинг сифатини аниқлашда қўлланиладиган хромотография, кондуктометрик эритманинг ток ўтказувчанлиги,

потенциометрик (потенциометр ёрдамида эритмадаги водород ионларини аниқлаш), калориметрик, спектроскопик, люминесцент усуллар физик-кимёвий усулга киради.

Биология усулда уруғларнинг учувчанлиги, улардаги заҳарли моддалар, микроорганизмлар, касаллик ҳамда зааркунандалар билан заарланиши аниқланади.

Физиология усулда озиқ моддаларнинг озуқавийлик қиммати, калорияси ва биологик қиммати аниқланади.

Пахта, зифир ва каноп толасининг пишиклиги, улардаги айрим заарли микроорганизм ва маҳсулотнинг заарланиш даражаси *микроскопик* усулда аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг технологик хоссалари ва қиммати технологик усулда аниқланади. Маҳсулотнинг технологик хоссалари унинг сифати билан тўғридан-тўғри боғланган.

Ҳисоблаш усули. Маҳсулотнинг сифати бу усулда назарий ва эмпирик кўрсатикичларни маҳсулот сифати кўрсаткичлари билан боғланиши орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш усулидан маҳсулотни лойиҳалаштиришда фойдаланилади. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғланиш ҳам шу усулда аниқланади.

Қайд қилиш усули. Маҳсулотни мунтазам равишда кузатиш, ҳодисаларни, буюмларни ва ҳаракатларни ҳисобга олиш қайд қилиш усулининг асоси ҳисобланади. Масалан, маҳсулотнинг қайтарилишида улардаги нуқсонларнинг сони ва ҳажми ҳисобга олинади. Маҳсулот сифатини баҳолашда мана шундай ахборотларга эътибор берилади.

Социологик усул – истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига берган баҳоларини йиғиши ва билдирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида унинг сифатига баҳо бериш усулидир. Бунда истеъмолчиларга анкеталар тарқатилади, фикрлари сўраб олинади, маҳсус конференция, йиғилишлар, дегустация, кўргазмалар ўтказилади.

Эксперт усули. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари мутахассис экспертларнинг қарорига асосан аниқланади. Кўпинча маҳсулотнинг сифатини объектив усулларда аниқлаш қийин бўлган тақдирда эксперт усулдан фойдаланилади. Бу усул кўпинча маҳсулотнинг сифати органолептик усулда аниқланган вақтда керак бўлади.

Маҳсулот сифатини эксперт усулда аниқлашда мутахассислардан иборат эксперт комиссияси тузилади ва ушбу комиссиянинг умумий қарори билан маҳсулот сифатига баҳо берилади. Маҳсулот сифатини аниқлашда маҳсулот партиясидан ўртacha намуна олинади.

Ўртacha намуна маҳсулот партиясининг ҳамма массасини характерлай олиши лозим.

Маҳсулот партиясининг маълум жойларидан дастлабки намуналар олингач, улардан ўртacha намуна ҳосил қилинади. Намуна олиш қоидалари тегишли стандартларда кўрсатилади.

Консерваларга бактериологик баҳо бериш

Консерваларга бактериологик баҳо бериш учун, мавжуд бўлган

технологик кўрсаткичларга асосан, юз фоиз термик стерилизация қилинган ва бомбажга учраган банкалар ажратиб олинади. Ҳар куни ишлаб чиқарилган консервалар бактериологик назоратдан ўтказилади. Бунда ихтиёрий бир банка танлаб олинади ва у анализдан ўтказилади. Агарда стерилизация жараёни ва хом ашё ишлов беришда шубҳа уйғотса, ҳар бир беш юзинчи банкадан анализ учун бир банка ажратиб олинади.

Консерваларда бацилл ботулинус ва бошқа патоген бактериялар аниқланса, шу сменада ишлаб чиқарилган барча консервалар тўхтатилиб, ажратиб қўйилади. Сўнгра бу консервалардан фойдаланиш давлат санитар назорати ходимларининг хулосасига топширилади. Шунингдек консерваларда ичак таёқчалари ва протея группасига хос бўлган микроорганизмлар мавжудлиги анализдан ўтказилади.

Органолептик баҳолаш юз баллик системада амалга оширилади.

Кўрсаткичлар	Баллар миқдори
Таъми	20
Хиди	20
Ташқи кўриниши	20
Ранги	20
Консистенцияси	20
Жаъми 100	

Консерваланган маҳсулотлар сифатига органолептик баҳо бериш ва уларнинг ранги, аромати, консистенциясини аниқлашнинг объектив услублари

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири органолептик усулdir. Бу усулда одамнинг сезги органлари маҳсулот сифати бўйича тўғридан - тўғри керакли маълумотга эга бўлади. Органолептик усулнинг кўрсаткичи мутахассиснинг тажриба ва методик ёндашиш усулига боғлиқ бўлади.

«Органолептик» сўзи грекчадан олинган бўлиб, икки қисмдан иборат. «Органон» орган, «Ламвапо» баҳоламоқ, сезмоқ демакдир.

Органолептик усулда маҳсулот сифати ҳақида ҳамма маълумотлар сезги органлари орқали тўпланади. Маҳсулот мазаси, ранги, хиди ва ҳоказолар. Маҳсулот сифатига баҳо беришда ҳозирга қадар, Органолептик усул ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Консерваланган маҳсулотларнинг сифатини органолептик кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг идишга жойлашган оғирлиги, ҳажми, чўқмалари ва мева шарбатларидағи мағиз қисми ҳам белгилайди. Маҳсулотнинг идишдаги оғирлиги деганда, истеъмолчига жўнатиладиган идишдаги оғирлик тушунилади. Идишдаги маҳсулот оғирлиги этикеткадаги кўрсатилган маҳсулотларнинг номинимал сон қийматига тўғри келиши керак. Лекин айрим ҳолларда номинимал қийматдан 2,3 ёки 5% фарқ қилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда маҳсулотни тўлиқ, идишдан ажратиб олиш қийин, маҳсулот оғирлиги бўйича ўзгаради ва бу ҳолда маҳсулот оғирлигини идишдаги оғирлик билан ювилган таранг оғирлиги ўртасидаги фарқ деб тушуниш керак бўлади. Таранг жойланган суюқ маҳсулотнинг ҳажми

мл ҳисобида ўлчаниб, унда ўлчов цилинтридан фойдаланилади.

Идишга жойланган маҳсулотнинг оғирлигини ва ҳажмини аниқлаш

Ҳар бир партиядаги идишга жойланган маҳсулотнинг оғирлиги, ҳажми тўлдириш даражаси, шу партиядаги банкалардаи бир нечтаси намуна сифатида олиб назорат қилинади. Агар олинган намуналардаги маҳсулот оғирлиги номинал этикетдаги қиймат ёки кўрсатилган оғирлик ҳажми билан тўғри келмаса, шу партиядаги маҳсулот истеъмолга яроқли деб жўнатилади. Акс ҳолда эса, маҳсулот намуналарининг ўртacha арифметик қиймати қуйидаги формула $X = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i$ билан топилиб, (\bar{D}) номинал қийматдан четга чиқиши

$$\bar{D} = \frac{N - \bar{X}}{N}$$
 формула ёрдамида ҳисобланади.

\bar{H} - маҳсулотнинг номинал қиймати ёки этикетдаги оғирлиги; \bar{X} - маҳсулот намуналаридаи оғирликнинг ўртacha арифметик қиймати.

Агар $\bar{D} \leq 1$ бўлса, у ҳолда тайёр маҳсулот партияси яроқли бўлиб, истеъмолчига жўнатилиши мумкин.

Агар $\bar{D} > 1$ бўлса, шу партиядаги маҳсулотлар истеъмолчига жўнатилмайди, у яроқсиз ҳисобланади. Ҳар бир партиядаги маҳсулот сифатига баҳо беришда d_1 ; d_2 ; d_3 ва d_4 ларнинг қийматларидан фойдаланиш стандартда кўрсатилган бўлиши керак. Агар стандартда маҳсус кўрсатма бўлмаса, маҳсулот оғирлигини ёки ҳажмини назорат қилишда d_2 нинг қийматидан фойдаланилади. Банкаларнинг тўлдирилганлик даражасини аниқлашда d_3 нинг қийматидан фойдаланилади.

1-жадвал

д нинг меъёрдаги назорат қиймати

Партия ҳажми, сон билан	Намуна ҳажми, сон билан	d_1	d_2	d_3	d_4
26-500	3	2,81	4,13	6,08	8,98
501-800	3	2,72	4,00	5,09	8,70
801-1300	5	2,60	3,83	5,64	8,32
1301-3200	6	2,51	3,70	5,44	8,04
3201-8000	9	2,14	3,55	5,23	7,72
8001 -	12	2,36	3,48	5,12	7,56
22000 дан катта	15	2,34	3,44	5,07	7,48

Консерваланган маҳсулот таркибидаги мағиз қисмини аниқлаш

Мева сувлари ёки шарбатларидаги мағиз қисмини аниқлаш, маълум микдордаги шарбатни центрифугалаб, чўккан мағиз қисмининг оғирлигини аниқлашга асосланган. Текширувни бажариш учун тортилган центрифуга пробиркасига 10 г текширилаётган шарбат ва дистилланган сув 1:1 нисбатдаги аралашмаси солинади. Пробиркадаги шарбат стаканга жойлашади ва стакандаги сувнинг харорати 60°C га пасайгунча кутилади. Қиздириш

шарбатнинг таркибидаги мағзининг ажралишига ёрдам беради, кейин пробирка олиниб, 1500 айл/мин айланиш частотасида центрифугада 20 мин давомида центрифугаланади. Центрифуга секинлик билан тўхтатилиши лозим, пробирка чайқатилмасдан ажралган сув тўкилади ва пробирка тубидаги қаттиқ қолдиқ 0,01 г аниқликда тортилади. Мағзининг оғирлиги (X_m) қуидаги формула билан топилади:

$$X_m = \frac{2 \cdot 100 \cdot M_1}{M}$$

M_1 - пробиркадаги чўқманинг оғирлиги, г; M - шарбатли сувнинг пробиркадаги оғирлиги, г.

Мева шарбатларидағи мағиз қисми Давлат стандарти бўйича 30-35%-ни ташкил қилиши керак.

Консерваланган мева-сабзавот шарбатларидағи чўқма миқдорини аниқлаш

Мева сувларининг мағизсиз ташқи кўриниши унинг таркибидаги чўқмага боғлиқ. Мева сув чўқмаси билан чайқатилганда ўзининг тиниклигини йўқотади ва ёқимсиз кўринишга эга бўлиб қолади, Айрим ҳолларда мева сувларида ёки шарбатларида чўқма пайдо бўлиши технологик шароитнинг нотўғри йўлга қўйилганлигидан дарак беради. Чўқма миқдорини аниқлаш стандарт усул асосида центрифугалаб, маҳсулотнинг ёпишқоқлигини пасайтириш, пектин моддаларини гидролизлаш мақсадида ва озгина қиздириш ёрдамида амалга оширилади.

Текширишни бошлаш учун центрифуга пробиркалари яхшилаб ювиб қуритилади ва 0,0001 аниқликда тортилади. Мева шарбатидан ёки экстрактидан ўртача намуна олиниб, яхшилаб аралаштирилган ҳолда 150 см³ табиий шарбатдан ёки 40 см³ концентрланган шарбатдан ўлчаб олинади. Концентрланган шарбатни суюлтиришда истеъмолчи учун ёзилган ёзувдан фойдаланилади. Тайёрланган шарбат олдиндан техник-кимёвий тарозида тортилган пробиркага солинади. Агарда юқоридаги техник-кимёвий тарози бўлмаса, пробирка оғирлиги маълум стаканга солиниб, паллали тарозида тортилиши мумкин.

Центрифуганинг хавфсиз ишлаши учун центрифуга пробиркаларининг массаси бир хил бўлиши керак ҳамда центрифуга уялари симметрик ҳолда жойлашган бўлиши лозим. Шарбат олинган пробирка 85-90°C-ли сув ҳамомида 3 минут сақланади ва кейин центрифугага жойланиб, 800 айл\мин да 20 минут давомида айлантирилади. Центрифуга секинлик билан тўхтатилгандан кейин пробирка олиниб, пробиркадаги суюқлик тўкилади ва пробирка деворидаги қолдиқ сувлар кетиши учун фильтр қоғоз устига тўнкарилади. Пробирканинг чўқма билан биргаликдаги оғирлиги 0,0001 г аниқликда тортилади. Чўқма оғирлиги миқдори X_0 (%) ҳисобида қуидаги формула ёрдамида топилади.

$$X_o = \frac{100 \cdot (m_1 - m_2)}{m_2}$$

m_1 - пробирканинг шарбат билан биргаликдаги оғирлиги, г; m_0 - бўш

пробирканинг оғирлиги, г; m_2 - шарбатнинг оғирлиги, г.

Маҳсулотдаги ароматик моддаларни ўрганиш услублари

Озиқ-овқат маҳсулотларининг хушбўй ҳидга эга бўлиши, улар таркибидаги енгил учувчан бирикмалар – спиртлар, альдегидлар, эфирлар, ароматик мойлар ва ҳоказолар борлиги билан боғлиқ.

Озиқ-овқат маҳсулотларидағи асосий хушбўйликни эфир мойлари таъминлайди. Асосан цитрус (лимон, апельсин, мандарин) ўсимликлари, зираворлар, саримсоқпиёз, пиёз, шивит, петрушка, эстрагонлар ва бошқаларда эфир мойлари кўпдир. Эфир мойларининг юқори бўлмаган миқдори ҳазм қилиш моддаларини ажралишини тезлаштиради ва овқат тез ҳазм бўлишида ёрдам беради.


Маҳсулотлардаги ароматик моддаларни аниқлашда (айрим пайтларда бу тушунча аромат сони деб юритилади) 0,01 г аниқликда намуна тортиб олинади. Намунанинг оғирлиги 10 дан 50 г гача ароматик моддалар миқдорига қараб ўзгариб туриши мумкин. Тортиб олинган маҳсулот ҳайдаш колбасига солиниб, 100 cm^3 сифимда дистилланган сув қўйилади. Ҳайдаш колбаси 200-300 cm^3 ҳажми бўлиши мумкин. Йиғтихоми 50 cm^3 ўлчов цилиндр ҳам ишлатиши мумкин. Совутгичга уланган аллонжнинг уни йиғтихоми цилиндр тагигача етиши керак, пробка ёки кейин ҳаво чиқарувчи капилляр билан жиҳозланган бўлиши керак. Эфир мойларининг учувчанлиги эътиборга олган ҳолда, дистиллят йиғилаётган идиш совуқ сувли ёки муз солинган идишга солиб қўйилади.

Суюқликни ҳайдашгача колбага концентранган X_2CO_4 – сульфат кислотадан 500 cm^3 , 50 г кристалл $K_2Cr_2O_7$ ва 450 cm^3 дистилланган сувдан иборат хромли аралашма қўшилади. Ҳайдаш секинлик билан қайнатиш орқали ва йиғтихоми колбада 50 cm^3 дистиллят йиғилган ҳолатгача давом эттирилади. Хромли аралашма билан эфир мойларининг таъсирунчаликни калий бихроматдан ажралаётган кислород хисобига амалга ошади:



Сув ҳаммомида аралашма 1 соат давомида қайнатилганда эфир мойлари тўлиқ оксидланади. Йиғтихоми цилиндрдаги суюқлик 100 cm^3 ли стаканга олинади, цилиндр озгина дистилланган сув билан ювиб олинади ва дистиллятга қўшилади. Стакан соат ойнаси билан ёпиб қўйилади. Стакандаги дистиллят 1 соат ўтгандан кейин совутилиб, сифими 500-800 cm^3 таглик колбага қўйилади. Соат ойнаси ва стакан яна 50 cm^3 дистилланган сув билан ювиб қўшилади. Кейин 25 cm^3 ли эритма қўшилиб, колба тиқин билан 3 минут қоронғи жойда сақланади.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияси натижасида эркин йод ажралади ва ажралган йод эритмаси билан крахмал иштироқида титрланади.



Крахмал билан йоднинг таъсирунчаликни ҳосил бўлган кўк ранг Cr^{3+} ионлари таъсирида кўк рангига айланади.

Хромли аралашма билан параллел контрол титрлаш ҳам бажарилади, бунда дистиллят устига 50 cm^3 дистилланган сув солинади. «Ароматик сони»

X_a ($\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_3$ см^3 0,2мол/дм 3)нинг 100 г текширилаётган маҳсулотдаги концентрацияси қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X_a = \frac{100 \cdot (V_1 - V_2) \cdot K}{m}$$

B_1, B_2 - $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_3$ эритмасининг ишчи ва контрол эритмаларини титрлашга сарфланган ҳажми, см^3 ;

K - $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_3$ эритмасининг коэффициенти;

M - маҳсулотнинг оғирлик миқдори, г.

Ёрдамчи моддаларнинг сифатини аниқлаш

Ош тузи, сирка кислотаси, қанд ва зираворлар мева сабзавотларни консервалашда ишлатилиб, консерваларнинг сақланишида муҳим роль ўйнайди. Консервалашда ишлатилган ош тузи Давлат стандарти талабига жавоб бериши зарур. Масалан:

- А) туз кристалларининг катталиги 0,5 мм дан ошмаслиги зарур.
- Б) туз оппоқ рангга эга бўлиб, ҳиди бўлмаслиги зарур.
- В) тузнинг 5% ли эритмаси шўр мазага эга бўлиши ва бошқа аччиқ маза сезилмаслиги керак.
- Г) туз таркибида 96,5 % натрий хлорид бўлиши керак.
- Д) тузда ҳар хил механик органик ва ноорганик қўшимчалар бўлмаслиги зарур.
- Е) намлик экстра ассорти ош тузида 0,5 дан 6% гача бўлиши керак.

Консервалаш учун ишлатиладиган туз таркибида гипс, кальций хлорид ёки магний хлорид бўлмаслиги керак, чунки бу моддалар сувнинг қаттиқлигини ошириб консерваланган маҳсулот сифатини пасайтиради. Худди шунингдек, сирка кислотага ҳам маълум талаблар қўйилади. Ишлатилишдан олдин солиштирма оғирлиги, умумий кислоталиги минерал кислоталар йўқлиги, оғир металл, қаҳрабо кислотаси ва альдегидлар бор йўқлиги текширишлиши лозим. Консервалашда ишлатиладиган ҳар қандай модда сифат жиҳатидан бир қатор талабларга жавоб бериши зарур. Улардак: намлик, ранги, мазаси, тозалиги ва ҳоказолар.

Ош тузининг намлигини аниқлаш

Унчалик катта бўлмаган таги текис колбага воронка қўйилиб, қуритиш шкафида қуритилади ва совугандан кейин аналитик тарозида тортилади. Кейин колбага 10 г ош тузининг ўртacha намунасидан олинади ва воронка билан тарозида тортилади. Қуритиш қуритиш шкафида 140-150°C ҳароратда олиб борилади. Қуритиш доимий оғирликка эришгунча давом этади. Биринчи қуритиш бир соат давом этади, кейингилари ҳар 30 минутдан кейин оғирликлари ўртасидаги фарқ 0,001 г дан ошмаган ҳолда олиб борилади.

Намликнинг миқдорлари фоиз ҳисобида қўйидага формула орқали топилади:

$$X = \frac{(a - \sigma) \cdot 100}{c}$$

a - қуритишгача бўлган колба воронкаларининг ош тузи билан биргаликдаги оғирлиги, σ ; c - колба, воронканинг тортиш билан қуришидан

кейинги оғирлиги, γ ; c - тузнинг қуритишгача бўлган оғирлиги, γ ҳисобида.

Сирка кислотасининг сифатини аниқлаш

Солиштирма оғирлигини аниқлаш.

Сирка кислотасининг солиштирма оғирлиги пикнометр ёки гидростатик тарози ёрдамида аниқланади.

Умумий кислоталарини аниқлаш.

Сирка эссенциясининг концентрациясини аниқлаш учун яхши ёпиладиган бюксга 5 г тортиб олиниб, ўлчов колбасида 500 мл гача суюлтирилади. Кейин алоҳида 25 мл дан олиб 0,1 н ишқор эритмаси билан фенолфталеин индикатори иштирокида титрланади.

Сирка кислотасининг фоиз ҳисобидаги миқдори қўйидаги формула билан топилади:

$$X = \frac{a \cdot 0,006 \cdot 500 \cdot 100}{25 \cdot \nu}$$

a - 25 мл сирка кислота эритмасини нейтраллаш учун кетган 0,1н ишқор эритмасининг миқдори, мл; ν - сирка кислота оғирлиги, γ .

Сирка кислотасининг концентрациясини аниқлаш пипетка ёрдамида 10 мл сирка олиб, 100мл ўлчов колбасида суюлтириб, эритилган эритманинг 25 мл ни юқоридагидек титрлаш мумкин. Топилган сирка кислотасининг ҳажми фоиз миқдорини оғирликка айлантириш учун фоиз сонини сирканинг солиштирма оғирлигига бўлинади.

Сирка кислотасини аниқлаш.

Экстракт миқдорини аниқлаш учун 25 мл анализ қилинаётган сирка кислота, тортилган чинни косачага солинади ва сув ҳаммомида буғлантирилади, қуритиш шкафида 80-100°C да доимий оғирликка эришгунча қуритилади ҳамда тортилади.

Сирка эссенциясининг тозалигини текшириш.

Бунинг учун 5 мл сирка эссенцияси сув билан 2 марта суюлтирилади, 1 мл марганцовка қўшилади, марганцовка ранги 10 минутдан кейин йўқолиши керак.

Сиркада минерал кислоталар борлигини аниқлаш.

Бунинг учун 20 мл текширилаётган сирка эссенциясига 4-5 томчи метилфенолят индикаторининг сувли эритмасидан қўшилади. Кейинги тоза сирка кислота эритмаси билан ранглар таққосланади. Агар унчалик кўп бўлмаган минерал кислоталар бўлса, метилфенолят ҳаво ранг, кўп миқдорда бўлса, яшил ранг беради.

Қаҳрабо кислотасини аниқлаш.

Сирка кислотада қаҳрабо кислота борлигини аниқлаш учун 20 мл сирка аммиак билан нейтралланади ва кальций хлорид эритмаси қўшилади. Агар оқ чўкма пайдо бўлса, қаҳрабо кислотанинг кальцийли тузи чўкмага тушади.

Альдегидларни аниқлаш.

Альдегидларни аниқлаш учун 20 мл сирка сульфит ангидрид гази билан рангизлантирилган фуксин қўшилади. Қизил сиёҳ рангининг ҳосил бўлиши альдегид борлигидан дарак беради.

Оғир металларни аниқлаш.

Сирка кислотада оғир металлар борлигини аниқлаш учун 20 мл сирка кислотага шунча миқдорда водород сульфидли сув қўйилади. Сульфит тузлар ҳосил бўлиши натижасида чўкма ҳосил бўлади.

Қанд ва зираворларнинг сифатини баҳолаш

Қанд ва зираворларнинг мазаси, таъми, ташки кўриниши, ҳиди ва бошқалар органолептик йўл билан аниқланади. Қанд мевали, сабзавотли мурраболар, повидло ва шарбатлар тайёрлашда ишлатилади. Концентратланган эритмаси яхши антисептик ҳисобланади.

Қанднинг тозалигини текшириш учун 25 г шакар 100 мл иссик дистилланган сувда эритилади. Совутилган қанд эритмаси ГОСТ -22-40 ёки ГОСТ 21-40 талабига жавоб бериши зарур. Қанднинг сувда эриш муддатини аниқлаш мақсадида баландлиги 165 мм га, эни 100 мм га teng бўлган стаканга мисдан ясалган тўр осилади, бу тўр стакан тубидан 12 мм масофада жойлашиши керак.

Стаканга 20 г гача иситилган сув стакан остики қисмига 20 мл қолгунча тўлдирилади. Кейин кубик ҳолдаги қанд остита секундомер билан эриш вақти ўлчаниб борилади. Шундай ҳол 5 марта қайтарилади. Ҳар сафар сув солинади ва қанд жойланиб ўлчанади. Олинган натижанинг ўртacha арифметик қиймати топилади.

Қанднинг намлигини аниқлаш.

10 г шакарни ёки қандни майдалаб, қуритиш йўли билан қанднинг намлиги аниқланади. Тортиб олинган шакар ёки қанд, оғзи қопқоқли бўлган буюксда аввал 50-60°C да, кейин 105-110°C да қуритилади. Қанддаги намлик % ҳисобида қўйидаги формула билан топилади:

$$X = \frac{(a - \varepsilon) \cdot 100}{a}$$

a - анализ учун олинган шакар оғирлиги, г; *ε* - доимий оғирликкача қуритилган шакарнинг оғирлиги, г.

Инверсияланган шакарни аниқлаш

Сифат реакцияси ёрдамида инвертланган шакарнинг борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун пробиркага 15 мл Фелинг суюклиги олиниб, 10 мл қандли эритмадан қўшилади, чайқатилиб, 3 минут қайнатилади. Агар мис оксидининг қизил чўкмаси пайдо бўлса, инвертланган қанд борлигидан дарак беради.

Сахарозанинг миқдорини аниқлаш

Сахарозанинг миқдорини аниқлаш учун қанд гидролизланади, кейин перманганатли усулда аниқланади. Агар лабораторияда поляриметр бор бўлса, аниқлаш оптик усулда бажарилади, аниқлашда кам вақт сарф бўлади.

Поляриметрда аниқлаш учун майдалangan қанд воронка орқали 100 мл ўлчов колбасига ўтказилади. Майдалаб, тортилган қанд намунасига 7/8 қисмгача сув солинади ва эритма аралаштирилади. Кейин колба 20 минут 20°C ҳароратли сувда сақланиб, колба белгисигача дистилланган сув билан тўлдирилади ва сақланиб, колба фильтранади. Фильтрлашда эритма концентрацияси ўзгармаслигига эътибор берилиши керак. Фильтрат

поляриметрда аниқланади. Сахарометр ҳам сахарозанинг изланаётган қанд моддасининг фоиз микдорини кўрсатади, олинган натижа формула асосида қуруқ моддага ҳисоб қилинади.

$$X = \frac{P \cdot 100}{100 \cdot \varphi}$$

P - сахаромернинг кўрсаткичлари; φ - қанддаги намликтининг фоиз ҳисобидаги микдори.

Шакарнинг рангини аниқлаш

Шакарга ҳар хил органик моддалар сарғиш ранг беради. Шакардаги сариқликни аниқлаш учун маҳсус ишлатиладиган калориметрдан фойдаланилади. Шакарнинг ранги - 650 г шакар ва 100 мл сариқ рангли шишелар билан солиширилади. Агар шакарнинг ранги 100 мл сариқ рангли шиша рангига мос бўлса, меъёридаги ранг ҳисобланади. Ранглик 100 рақами билан белгиланади. Меъёрдаги шакарнинг ранглиги қўйидаги нисбатда бўлади:

$$I^0 = \frac{100}{100}$$

Шакар эритмаларининг ранглилиги қўйидаги формула билан топилади:

$$X = \frac{P \cdot 100}{M}$$

P - шишадаги меъёр ($1/4, 1/2, 1/3$); M - асбоб шкаласидаги кўрсаткич.

Зираворлар

Зираворлар озиқ-овқатларга маза, аромат, ҳид берувчи восита сифатида ишлатилиб, улар таркибида учувчан эфир мойлари ёки аччиқ моддаларни сақлайди. Ҳамма зираворлар меваларнинг уруғи, пўстлоғи, илдизи, барги ва бошқа қисмлардан иборат.

Зираворлар сифатини аниқлаш

20-50 г оғирликдаги ўртача олинган намуна шиша банкага жойланиб, оғзи қопқоқ билан ёпилади. Уларнинг сифатини органолептик, микроскопик ва кимёвий усусларда аниқлаш мумкин. Органолептик кузатиш орқали маҳсулотнинг мазаси, ҳиди ва тозалигини аниқлаш мумкин. Бундай кузатишни бажариш учун зиравор оқ, ялтироқ қоғоз устига юпқа қатламда ёйилади ва кузатилади. Майдаланган зираворлардаги ифлослик ёки қўшимчаларни қўриш учун лупадан фойдаланилади. Микроскопик кузатишда текширилаётган маҳсулотдаги қўшимчалар микроскоп билан қўрилади.

Кимёвий аниқлашда зираворлар таркибидаги клетчаткалар, крахмал, минерал моддалар, эфир мойларининг микдори аниқланади. Эфир мойлари ва қолдиқ, кул микдори зираворларнинг энг муҳим кўрсаткичларидир.

Техник шароитда у жуда қатъий меъёрланади.

Сув ва кўпик моддалар микдорининг ўзгаришини ўрганиш

Маҳсулотлардаги сув ва қуруқ моддалар микдори бирламчи қайта ишлашда ва иссиқлик таъсирида ўзгаради.

Донли маҳсулотлар хўлланганда ёки ювилганда, сувни ютиб ўзининг

оғирлигини оширади. Ҳайвон маҳсулотларида (гүшт, балиқ) совутиш жараёнида маълум миқдор намликин йўқотади, йўқотилган намлик миқдори қатор омилларга боғлиқ бўлади. Жумладан, бўлаклар катталигига ҳам боғлиқдир. Иссиклик таъсирида қайта ишлашда юқори молекуляр моддалар коллоид ҳолатининг ўзгариши натижасида озуқа маҳсулотлари намликин йўқотиши ёки ютиши мумкин. Макарон маҳсулотлари эса иссиқлик таъсирида ҳажми ва оғирлиги ошади. Ўсимлик маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш, ювиш ёки дудлаш жараёнида (картошка, илдизмевалар) эрийдиган қуруқ моддаларнинг йўқотилиши кузатилади. Донли ўсимликлар бундай шароитда асосан углеводлар, минерал ва азотли моддаларни йўқотади. Тозаланган картошка бўлаклар сувга солингланда, минераллар азотли бирикмаларни крахмалга қараганда кўпроқ йўқотади. Эрийдиган қуруқ моддалар йўқотилиши картошка сувда сақланганда, унинг бўлаклари катта-кичиклигига боғлиқ. Ўсимлик маҳсулотлари қиздириш ва намлик таъсирида эрийдиган моддаларни йўқотиши, маҳсулотнинг кимёвий таркиби билан аниқанади.

Ҳайвон маҳсулотлари (гүшт, балиқ) иссиқлик таъсирида эрийдиган моддаларни ва ёғни йўқотади.

Картошка сувда ишланганда майдаланганлик даражасининг эрийдиган қуруқ моддалар йўқотишига таъсири

Хом сабзавотлар сувда сақланганда фақат механик таъсиранган хужайрада эриган моддалар сувга ўтиши мумкин. Бутун хужайранинг сиртқи қобиғи протоплазма, мембрана бўлиб, эрувчан моддаларнинг сувга ўтишига йўл қўймайди.

Уч дона картошкани тозалаб, ҳар бирини симметрик иккига бўлинади. Учта яримталик картошкалар тортилиб, ҳажми 250 мл-ли стаканга солинади, ўлчов цилиндрига 200 мл дистилланган сув солиниб, картошка устига қўйилади. Сув картошка бўлакларини қоплаши лозим.

Кетган сув миқдори ёзиб қўйилади. Учта картошканинг бошқа бўлагини 10x10 мл қилиб кесилиб, стаканга солиниб, шунча миқдорда дистилланган сув солинади. Стаканлар соат ойналари билан ёпилиб, иккала намуна ҳам 30 минут сақлаб қўйилади. Охирида суюқликлар яхшилаб чайқатилиб, 5 минут сақлаб қўйилади. Кейин ҳар бир суюқлик қофоз фильтр билан қуруқ конуссимон 100 мл ли колбага фильтрланади. Ҳар бир суюқликдаги қуруқ моддалар миқдори рефрактометр билан аниқланади. Картошкадан ажралган сувда эрувчан моддалар миқдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$X = \frac{a \cdot V}{b}$$

V- олинган дистилланган сув ҳажми, мл; *v* - картошка оғирлиги, г; *a*- қуруқ модда миқдори. Ҳароратга тузатиш киритилган.

Антоцианлар рангининг ўзгаришига муҳит реакциясининг таъсирини ўрганиш

Кўпгина мева ва резавор меваларнинг ранги уларда сувда эрийдиган

пигмент антоцианлар борлиги билан белгиланади. Бу гурух моддаларига ҳар хил ранглар (қызил, сиёх, күк, сарғиш) тааллуклы. Антоцианларнинг ранги мухит реакциясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Меваларнинг ҳужайралари шарбатининг pH қиймати нейтрал ёки кучсиз ишқорий томонга ўзгариши ноҳуш ҳисобланади.

Бу ишни бажариш учун шарбатлари антоцианлар билан бўялган мевалар ёки резавор мевалар: гирос, қора смородина ва қаролидан фойдаланиш мумкин. Иккита стаканга 5 мл дан шарбат қуйилади.

Стаканларнинг биттасига секинлик билан томчилатиб 0,1 н ўювчи натрий эритмасидан табиий ранг ўзгарганча қўшилади. Шарбатнинг биринчи ва иккинчи стакандаги ранги белгиланади. Кейин табиий ва ранги ўзгарган шарбатнинг pH қиймати аниқланади. Рангли суюқликлар мухитининг pH қийматини ўлчаш учун ЛП-5 pH метри тавсия этилади. Стакандаги суюқлик ҳажмини дистилланган сув билан суюлтириш орқали ошириш мумкин (ҳажмининг 10 баробаргача ошиши мухит pH қийматига таъсир қилмайди). Антоцианлар ранги тўғрисида pH нинг қандай қийматида ўзгариш рўй берганини аниқланиб, хulosha қилинади.

Назорат саволлари:

1. Ош тузи қандай сифатларга эга бўлиши зарур?
2. Ош тузи таркибида намликини аниқлаш формуласи қандай?
3. Сирка кислотасининг ҳажмий миқдорини оғирликка қандай айлантириш мумкин.
4. Қанднинг намлиги қандай формула ёрдамида аниқлаш мумкин?
5. Зираоворлар сифатини қандай йўллар билан аниқлаш мумкин?
7. Маҳсулот сифатини баҳолашда оргаполептик усуллар қандай аҳамиятга эга.
8. Органолептик усулда маҳсулот сифатини баҳолашда қайси сезги органлари иштирок этади?
9. Дегустация қилиш қоидалари ва шароитлари ҳақида нималарни биласиз?
10. Маҳсулотнинг ранги деганда қандай хulosaga эгасиз?
11. Консерваланган мева шарбатларидаги мағиз қисм, чўкинди қисмини аниқлаш ҳақида тушунча беринг?
12. Консерва маҳсулотлари узоқ вақт сақланганда ёки термик жиҳатдан ишланганда қандай ўзгаришлар рўй беради?
13. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ароматиклиги улар таркибидаги қандай моддалар борлигига боғлиқ?
14. Нима учун пўсти арчилган картошка қораяди?
15. Антоцианлар рангини ўзгариши қандай омилларга боғлиқ?
16. Шарбатларнинг мухит реакциясини қандай аниқлаш мумкин?
17. Органолептик баҳолаш?
18. Консерваларга бактериологик баҳо бериш?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
2. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
3. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.
4. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.
5. Соловьева Е.И. Лабораторный контроль консервного, овощесушильного и пищеконцентратного производства. -М.: Пищевая промышленность, 1974. -278 с.

2-маъруза. Хавфсизликни бошқариш тизимини ишлаб чиқаришда пайдо бўлган муаммоларни таққослаш (идентификация) ва уларни ечиш усуллари

Режа:

1. Идентификация тушунчаси.
2. Идентификациянинг мақсад ва вазифалари

Таянч сўз ва иборалар: Кимёвий омил, биологик омил, микроорганизм, орагнолептик хусусиятлари, озуқа маҳсулоти, маҳсулот, стандарт талаблар, ксенобиотик, меъёр, синфлар.

Идентификация тушунчаси

Давлат стандарти маҳсулотларини таққослаш тизимини тахминан математик моделлаштириш ва оптималлаштириш асосида олиб бориш мумкин.

Идентификация – бу таққослашдир.

Мисол: Колбаса турлари бўйича:

1. Органолептик.
2. Физик-кимёвий.

Давлат стандарти бўйича олинган ва Давлат стандарти талабига жавоб бермайди.

Маҳсулотни идентификациялаш - бу аниқ бир маҳсулот намунаси ва унинг баёнига мослигини аниқлаш тушунилади.

Маҳсулот баёни эса мос хужжатларда белгиланган, маҳсулотларни тавсифловчи талаблар, кўрсаткичлар, параметрлар ва белгилар тўплами ҳисобланади.

Идентификациялаш натижалари аниқ маҳсулот намунаси ва унинг баёнига мос ёки мос келмаслигини ифодаловчи хулоса тушунилади.

Идентификациянинг мақсад ва вазифалари

Маҳсулотни идентификациялашни мақсади қўйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқарувчидан истеъмолчини ҳимоя қилиш.
2. Атроф-муҳитга истеъмолчининг соғлиғига маҳсулотнинг хавфсизлиги кафолатланади.

Маҳсулотни идентификациялаш қўйидаги органлар орқали амалга оширилади:

1. Сертификатлаш органлари.
2. Ижро ҳужжатлари органлари .

3. Давлатнинг белгиланган қонунлари ва унинг меъёрий ҳамда хуқуқий далолатномалари белгиланган ҳолатда ташкилот ва бошқа органлар.

Аниқ маҳсулот намунаси ва унинг баёнига мослигини тасдиқлаш учун маҳсулот талаблари, кўрсаткичлари, параметрлари ва белгилари бўйича идентификациялашни амалга ошириш етарли ҳисобланади.

Идентификациялаш вазифасига боғлиқ ҳолда маҳсулотни хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги усуллардан биридан фойдаланишимиз мумкин:

1. Хизмат бўйича.
2. Инструментал восита бўйича.

3. Органолептик.
4. Визуал (күриш).
5. Апробация (қўллаш).
6. Синов тажриба.

Аниқ бир маҳсулотни идентификациялаш натижалари хulosса бериш кўринишида ёки бир хил турдаги маҳсулотни сертификатлаш тартиб қоидаларида келтирилган тартиб бўйича расмийлаштирилади. Хulosани тайёрлаш вақтида намунани синовдан ўтказиш органолептик ва визуал орқали текшириш инструментал воситаларни қўллаш, хужжатларни экспертизалаш натижаларидан фойдаланиш мумкин. Хulosага идентификациялаш олиб олиб борувчи органинг расмий вакили ёки эксперт томонидан имзо қўйилади ва ташкилот муҳри босилади.

Таянч сўз ва иборалар:

Идентификация, таққослаш, эксперт, органолептик баҳолаш, муҳр, визуал, апробация, Давлат органи, маҳсулот, стандарт талаблар, ишлаб чиқарувчи.

Назорат саволлари:

1. Идентификация нима?
2. Идентификациянинг мақсад ва вазифалари.
3. Идентификациялаш усуллари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.

2. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.

3. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

З-маъруза. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги Режа:

1. Омилларнинг турлари: Биологик хавф омиллари.
2. Кимёвий хавф омиллари.
3. 3.Озиқ-овқат маҳсулотларидағи ксенобиотикларни меъёрлаштиришнинг умумий қоидалари.

Омилларнинг турлари: Биологик хавф омиллари.

Овқат сифатий характеристикасининг иккинчи ажралмас таркибий қисми – унинг хавфсизлиги бўлиб, одатдаги қўллаш шароитларида озуқа маҳсулотлари соғлик учун хавф туғдирмаслигига ишонч ҳосил қилишни асослашдан иборат бўлади.

Барча потенциал хавфли алиментар омилларни шартли равишда иккита катта гурухга бўлинади: биологик ва кимёвий.

Биологик хавф омиллари

Биологик хавф омилларига қуйидагилар киради: прионлар, вируслар, бактериялар, содда организмлар, гижжалар ва заҳарли модда (токсин)лар.

Прионлар – оқсилли табиатга эга бўлган потенциал хавфли омиллар бўлиб, уларнинг баъзи гўшт маҳсулотлари билан бирга тушиши инсонда Якоб-Крейтцфельдт касаллигига ўхшаш хасталикларни пайдо қиласди. Хасталанган инсонлар сони ошиши прионларнинг озуқа – ҳайвонлар – инсон занжири бўйлаб ўтиши кучайиши билан боғлик бўлади. Ушбу вазият XX асрнинг сўнгги йигирма йилларида суюк уни ва бошқа иккиламчи чорвадорлик чиқиндиларини ишлаб чиқариш кенг қўлланилаётганлиги билан боғлик бўлиб, бу инсонларнинг ҳайвонлардаги булутсимон энцефалопатия билан касалланишлари сони ўсишига ва прионларнинг инсон организмига тушиши кўпайишига олиб келди. Инсонларнинг прионларни юқтиришга мойиллиги уларнинг генотипига боғлиқдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ичida организмга алиментар тушиш йўлига эга бўлган кўплаб вируслардан бири – оқсил вирусидир. Унинг контагиозлиги баланд эмас – ҳатто ўртacha иссиқлиқ ишлови берилиши ҳам вируснинг фаоллигини тўхтатиши (инактивация)га олиб келади. Оқсил “карантинли инфекция” деб аталувчи инфекциялар тоифасига мансуб бўлиб, санитария-ветеринария хизмати назорати остида туради.

Озиқ-овқат маҳсулотларида касаллик уйғотувчи – патоген микроорганизмлар ва паразитар касалликлар қўзғотувчилари, инфекцион ёки паразитар касалликларни қўзғотувчилари ёки инсон саломатлиги учун бошқа хавф пайдо қилувчи токсинларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг микробиологик кўрсаткичларига кўра, гигиеник меъёрлар қуйидаги микроорганизмларни камраб олади:

- патоген – сальмонеллалар, Листерия моноситогенес, Ерсиния туридаги бактериялар;

- шартли-патоген – Е. соли, С. Ауреус, Протеус туридаги бактериялар, Б. Сереус ва сульфидредуцияловчи клостиридиялар, Вибрио паразаемолйтисус;
- санитария-намунали – мезофиль анаэроб ва факультатив-анаэроб микроорганизмлар микдори (МАФАММ), ичак таёқчалари гурухи бактериялари – ИТГБ (колиформлар), энтеробастериасеае оиласи, энтерококклар;
- ачиткуилар – ачитқилар ва моғор замбуруглари, нордон-сут микроорганизмлари;
- томизғи микрофлораси ва пробиотик (нордон-сут, нордон-пропион) микроорганизмлар, ачитқилар, бифидобактериялар, мөйөрланувчи микдорли биотехнологик (шу жумладан, ирсий ўзгартирилган) микрофлора ва пархезбоп (пробиотик) маҳсулотлардаги ацидо菲尔 бактериялар ва бошқалар.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг микробиологик хавфсизлиги кўрсаткичларини мөйөрлаш микроорганизмларнинг кўпчилик гурухлари учун алтернатив қоидаларга асосан амалга оширилади, яъни маҳсулотнинг ичак таёқчалари гурухи бактериялари, шартли-патоген микроорганизмларнинг кўпчилиги, шунингдек, патоген микроорганизмлар учун йўл қўйилмайдиган массаси мөйөрланади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларида паразитар касалликлар: тасмасимон чувалчангнинг ҳайвонлар этида яшовчи ғумбаги ёки қурти – финна (цистицерк)лар, трихинелла ва эхинококкларнинг личинкалари, циста (баъзи содда организмларни ўраб оладиган қаттиқ қобиқ), саркоциста ва токсолазмаларнинг қўзғотувчилари бўлишига йўл қўйилмайди. Балиқда, қисқиҷбақасимонлар, моллюскалар, ерда ва қуруқликда яшовчилар, судралувчилар ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотларида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган паразитлар, жумладан, трематода (опистархислар, нанофиетуслар ва бошқа)лар, цестода (дифиллоботриум) ва нематода (масалан, диоктофим) ва шу кабиларнинг тирик личинкалари бўлишига йўл қўйилмайди.

Янги ва янги музлатилган ошқўкилар, сабзавотлар, мевалар, тармеваларда гижжаларнинг тухумлари ва патоген содда организмларнинг цисталари бўлишига йўл қўйилмайди.

Озиқ-овқат маҳсулотларида биологик токсинлардан овқат заҳарланишини келтириб чиқарувчи стафилокок токсини ва ботулотоксин назорат қилинади – улар овқатда бўлмаслиги лозим. Ўсимлик озуқасидаги микотоксинлар (микроскопик даражада майда замбуруглар келтириб чиқарувчи)лар: афлатоксин B1 (ёнғоқ ва мойли уруғларда), дезоксиниваленол, зеараленон, Т-2 токсини (бошоқли маҳсулотлар), патулин (сабзавот ва мевалар) микдори чекланади. Сут ва сут маҳсулотларидаги афлатоксин M1 назорат қилинади.

Лосослар, сельдлар, скумбриялар, тунецлар оиласига киравчи балиқларда гистамин микдори назорат қилинади.

Сўнгги йилларда овқатланишда денгиз маҳсулотлари (шу жумладан, ноанъанавийлари) нисбатан кенгрок қўлланилаётганлиги учун ҳам балиқлар,

моллюскалар ва сув ўтларининг табиий токсинлари катта аҳамият касб этмоқда.

Кимёвий хавф омиллари

Кимёвий хавф омилларига кирувчи моддалар шартли равища иккита катта гурухга бўлинади (жадвал):

1) экологик шартланган бирималар, уларнинг биосфера муҳитидаги ва озиқ-овқатлардаги концентрацияси антропоген фаолият натижасида ошмоқда;

2) озиқ-овқат ва озуқа ишлаб чиқариш жараёнида мақсадга йўналтирилган равища киритилувчилар. Шунингдек, полимер материалларнинг деструкция маҳсулотлари ҳам кимёвий хавф пайдо қиласди.

Жадвал.

Ксенобиотикларни синфлаштириш

Кимёвий ксенобиотик	Текширилувчи озиқ-овқат
Экологик шартланган	
Захарли элементлар (оғир металлар ва мишъяқ)	Озиқ-овқатларнинг барча турлари
Радионуклиидлар (цезий-137, стронций-90)	Юқоридаги каби
Полихлорланган бифенииллар	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари
Бенз(а)пирен	Донлар, дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотлари
-нитрозаминлар	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари ва пиво қайнатилувчи солод
Мақсадга йўналтирилган тарзда киритилувчилар	
Пестициidlар	Озиқ-овқатларнинг барча турлари
Нитратлар	Мева-сабзавот маҳсулотлари
Ўсиш стимуляторлари (гормонлар ва антибиотиклар)	Ҳайвон маҳсулотлари

Озуқа хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларида меъёрлаштириладиган барча ёт моддалар ҳам ксенобиотиклик даражасига қараб бўлинади. Мутлақ (абсолют) ксенобиотикларга кирувчи моддалар: пестициidlар, полихлорли бифенииллар, полициклик углеводородлар биосферада нисбатан яқинда пайдо бўлган (илло, инсон томонидан синтезланган де ново), шу сабабли инсон эволюцияси учун нотанишdir. Шу сабабли ҳам уларнинг организмга тушувчи ҳар қандай миқдори мослаштирувчи-ҳимояловчи жавоб реакцияларини келтириб чиқаради, яъни мутлақ (сифатий) ксенобиотик потенциалликка эга бўлади. Бундан ташқари, инсон организмидаги биотрансформация жараёнида ушбу ксенобиотикларнинг 80 % и янада заҳарлироқ бирималарга айланади (метаболик фаоллашиш жараёни).

Бошқа овқат контаминалары, масалан заһарлы элементлар, радионуклиидлар, нитратлар нисбий (миқдорий) ксенобиотиклардың эга бўлади, чунки маълум бир эволюцион ўрнатилган фонга эга бўлиб, бу организмда мослаштирувчи ўзгаришларга олиб келмайди. Ушбу ёт бирикмаларнинг ортиқча фонда тушиши ҳимояловчи механизмларнинг стрессли тартибда ишлашини пайдо қиласди ва маълум бир мослашувни талаб этади. Мослашув резистентлиги ёт бирикмаларнинг тушишига жавобан меъёрланувчи кўрсаткичлардан камроқ миқдорда ривожланади. Гигиеник меъёрлардан ошиб кетилганда мослашув бузилиши (дезадаптация)ни ифодаловчи ҳолат юзага келади, унинг оқибатида эса патологик ҳолатлар ривожланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларидағи ксенобиотикларни меъёрлаштириш-нинг умумий қоидалари

Гигиенада ксенобиотикларни меъёрлаштириш-нинг базис чеклови ёт моддани меъёрловчи суткалик йўл қўйилувчи доза (СЙД) – максимал доза (1 кг тана массасига ҳисобланган) бўлиб, унинг инсон организмига бутун ҳаёти давомида ҳар куни тушиб туриши заарсизdir, яъни ҳаёт фаолиятига, ҳозирги саломатлиги ва бўлғуси авлодларининг соғлиғига заарли таъсир қилмайди. СЙДни инсон тана массасига кўпайтириб (ўртacha 60 кг), бирикманинг сутка давомида овқат рациони таркибида (бошқа тушиш йўлларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) суткалик йўл қўйилувчи тушиши (СЙТ) аниқланади. СЙД, СЙТни ва суткалик рациондаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртacha тўпламини билган ҳолда ксенобиотикнинг ўзи мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотидаги максимал йўл қўйилувчи даражаси (МЙД) ёки охирги йўл қўйилувчи концентрациялари (ОЙК) аниқланади. Озиқ-овқат маҳсулотидаги меъёрланувчи бирикма (элемент)нинг концентрациялари (МЙД, ОЙК) мавжуд бўлиб, қуйидаги талбларга жавоб бериши лозим:

- 1) ушбу озуқа маҳсулотининг исталганча узоқ вақт давомида иложи борича кўпроқ (97,5 % дан кўпроқ) аҳоли томонидан истеъмол қилинишининг суткалик миқдори инсон (популяция) учун хавфсиз бўлади;
- 2) озиқ-овқат маҳсулотининг органолептик хусусиятларини ёмонлаштиrmайди;
- 3) маҳсулотнинг озуқавий қийматига, унинг сақланишига ва технологик хусусиятларига салбий таъсир қилмайди;
- 4) озуқа маҳсулотидаги меъёрланётган бирикма (элемент)нинг ҳақиқий концентрациясидан ошмайди.

Назорат саволлари:

- a. Кимёвий омилларга мисоллар келтиринг.
- b. Ксенобиотик тушунчаси.
- c. Ксенобиотикларни меъёрлаштириш талблари нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гельфманд С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.

2. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.

3. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

4-маъруза. Пестицидлар ва улардан заҳарланиш Режа:

1. Агрокимёвий моддалар.
2. Пестицидлар ва уларнинг синфланиши.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари.
4. Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар билан хавфсиз муомалада бўлиш устидан давлат назорати ва кузатуви тартиби.

Таянч сўз ва иборалар: Кимёвий омил, пестицид, микроорганизм, маҳсулот, стандарт талаблар, ксенобиотик, меъёр, синфлар, агрокимёвий моддалар, қайта ишилаш, давлат органи ва назорати, реализация.

Агрокимёвий моддалар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг саноат ишлаб чиқарилиши интенсивлаштирилиши ва зарарли омиллардан ҳимоялаш ҳисобига ялпи чиқарилишининг ошишини таъминловчи пестицидлар ва агрокимёвий моддалар синтетик ва табиий моддалар гуруҳига киради. Пестицидлар – бу кимёвий ёки биологик препаратлардир. Зааркунандалар ва ўсимликлар касалликлари, бегона ўтлар, сақланувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг зааркунандалари, майший зааркунандалар ва ҳайвонларнинг ташқи паразитлари билан қурашишда, шунингдек, ўсимликларнинг ўсишини бошқариш, ҳосилни йиғиштиришдан олдин баргларни тушиб юборувчи (дефолиантлар), маҳсулотларни ҳосилни йиғиштиришдан олдин қуритишда фойдаланилувчи (десикантлар)дир.

Агрокимёвий моддалар, бу – табиий ёки кимёвий бирикмалар бўлиб, ўсимликларни озиқлантириш, тупроқ ҳосилдорлигини ва ҳайвонларни қўшимча овқатлантиришни бошқариш учун мўлжаллангандир. Агрокимёвий моддалар қўйидаги турларга бўлинади:

- минерал ўғитлар [азотли, калийли, фосфорли, комплексли (НРК) микроэлементларни қўшган ҳолда, органоминерал (оддий ва микроэлементлар қўшилганлари)];
- органик ўғитлар;
- микробиологик ўғитлар;
- торфли ўғитлар;
- гумин кислотаси асосидаги ўғитлар;
- тупроқ грунтлари;
- тупроқ милиорантлари (оҳакли, гипсли);
- ем қўшимчалари (ем консерванлари);

- биотехника воситалари.

Пестицидлар ва уларнинг синфланиши.

Пестицидлар. Пестицидлар – кўп сонли кимёвий бирикмаларнинг ийғма номидир. Ҳозирги пайтда маданий ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофазалашнинг кимёвий усули унинг технологик оддийлиги, таннархи арzonлиги ива самарадорлиги туфайли энг оммавий ҳисобланади. Бироқ пестицидлардан фойдаланиш ҳозиргача экологик таъсири ва тиббий таҳди迪 билан салмоқли хавфга эгадир. Экологик хавф нафақат ишлов берилаётган ҳудуднинг муқаррар ифлосланибина қолмай, балки пестицидларнинг биосферага глобал тарқалиши билан ҳам боғлиқдир. Атроф-муҳитдаги барча обьектлар (тупроқ, сув, атмосфера)да пестицидларнинг мавжуд бўлиши ва уларнинг қолдиқ миқдорлари овқатда ҳам бўлиши аҳолининг салмоқли қисми, шу жумладан, болалар, ҳомиладор аёллар ва беморлар ҳам улар билан алоқада бўлишини белгилайди.

Пестицидлар сифатида кимёвий тузилиши, шунингдек, таъсир қилиш характерига кўра турлича бўлган бирикмаларнинг катта миқдоридан фойдаланилади. Ҳозирги пайтда пестицидларнинг турлича: ишлаб чиқариш, кимёвий, гигиеник синфлаштирилишидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш синфлаштирилишининг асосида пестицидларнинг тайинланиши, улардан фойдаланишнинг йўналиши ва мақсади ётади:

- инсектицидлар ва акарицидлар – зааркунанда-ҳашаротларни йўқотиш учун;
- моллюскоцидлар – шилликқуртларни йўқотиш учун;
- нематицидлар – нематода (чувалчанг)ларни йўқотиш учун;
- родентицидлар – кемирувчиларни йўқотиш учун;
- репеллентлар – кемирувчи (каلامуш)ларни қўрқитиш учун;
- фуницидлар – моғор ва замбуруғларни йўқотиш учун;
- гербицидлар – бегона ўтларни йўқотиш учун;
- дефолиантлар ва десикантлар – маданий ўсимликлар ҳосилини йиғишдан олдин уларнинг баргларини тушириш учун;
- сиртқи-фаол моддалар – гербицидларга қўшиш учун;
- адъювантлар – гербицидларга қўшиш учун;
- феромонлар – ҳашаротлар билан тутиш усулида курашиш учун;
- ўсимликлар ўсиш регуляторлари – ўсимликларнинг ўсиш тезлиги ўзгариши учун;
- энтомофаглар – ҳашаротлар сонини меъёрлаш учун.

Кимёвий тузилиш асосида хлорорганик, фосфорорганик, симобли, мишъякли, карбин кислотаси ҳосиласи бўлган, фенол ҳосиласи бўлган, пешоб тузи ва гуанидин ҳосиласи бўлган, гетероцикллик бирикмалар ва бошқалар ажратилади.

Пестицидларнинг гигиеник синфлаштирилиши қуйидагиларни назарда тутади: 1) уларнинг заҳарлилигини $ЛД_{50}$ – ўртача ўлдирувчи доза, яъни мадданинг тажриба остидаги ҳайвонларнинг 50 % ини ўлдирувчи миқдордаги маддани ҳисобга олган даражаси бўйича; 2) кумуляция – кумуляция

коэффициенти – кўп марта киритилганда тажриба остидаги ҳайвонларнинг 50 % ини ўлдирувчи модда дозасининг бир марта киритилганда тажриба остидаги ҳайвонларнинг 50 % ини ўлдирувчи дозага нисбатан жамлама дозасига нисбати; 3) атроф-муҳит объектларида чидамлилик – нотоксик таркибий қисмларга ажралиш вақти; 4); ҳомилага таъсир қилувчи ва аллергенликка эга бўлган узоқ асоратларнинг мавжудлиги (жадвал). Гигиеник синфлаштириш параметрлари бўйича баҳолашга мос равишда фойдаланишга руҳсат этилган пестицидларнинг кўпчилиги хавфлилиknинг 2 ва 3 гурӯҳидаги бирикмаларга киради.

Жадвал

Пестицидларни гигиеник синфлаштириш

Гурӯҳ	Иссик қонли организм учун заҳарлилиги бўйича, ЛД ₅₀	Организмда кумуляцияланиши бўйича, кумуляция коэффициенти	Атроф-муҳит объектларида чидамлилиги бўйича, ой	Узоқ асоратлари мавжудлиги ва ҳомилага таъсири бўйича
И	50 мг/кг. дан кам – кучли таъсир килувчилар	1 дан кам ўта юқори кумуляция	24 дан юқори – жуда чидамли моддалар	Санаб ўтиловчи белгиларнинг бир ёки бир нечтасига эга: канцерогенлик; мутагенлик; тератогенлик; эмбриотоксик таъсир; гонадотроплик; аллергенлик
ИИ	50 ... 200 мг/кг – юқори токсик	1 ... 3 – сезиларли кумуляция	6 ... 24 - бардошли	
ИИИ	200 ... 1000 мг/кг – ўртacha токсик	3,1 ... 5 – ўртacha кумуляция	1 ... 6 – ўртacha бардошли	Қуйида санаб ўтиловчи белгиларнинг биронтасига ҳам эга бўлмаган: канцерогенлик; мутагенлик; тератогенлик; эмбриотоксик таъсир; гонадотроплик; аллергенлик
ИВ	1000 мг/кг.дан кўп – кам токсик	5,1 – кам ифодаланган кумуляция	1 гача – кам бардошли моддалар	

Гигиеник синфлаштириш пестицидларни меъёrlаштириш ва уларнинг кўлланилишини чеклаш асосида ётади. Агар қайта таклиф этилувчи бирикмаларни экспертиза қилиш пайтида, препарат биронта кўрсаткичлари

бўйича гигиеник синфлаштиришнинг И гуруҳига мансублиги аниқланса, ундан амалда фойдаланишга руҳсат берилмайди. Узоқ асоратлар ҳам шу тариқа баҳоланади: маълум канцероген ва мутагенлар билан бир гуруҳга кирувчи кимёвий бирикмалар келгусида кўриб чиқилмайди. Пестициднинг исботланган мутаген, канцероген, гонадотроп, эмбриотоксик, тератоген ёки аллергенлик ҳоссаларга эгалиги аниқланса, у фойдаланишга руҳсат берилганлик рўйхатидан чиқарилади ва ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

Гигиена нұқтаи назаридан олганда, инсон учун нисбатан хавфсиз пестицидлар кам заҳарли, кумуляцияси кам ифодаланган чидамсиз бирикмалардир. Идеал ҳолатда улар (ёки уларнинг фаоллик метаболитлари) атрофи-муҳитда ва озиқ-овқатларда сақланиб қолмаслиги, шу билан бирга инсонга ёт юклама кўрсатмаслиги ва экотизим мувозанатини бузмасликлари лозим. Гербицидлар гурухида шунақанги моддалар – глифосат, глифосинат яратилган. Улар ўсимликлар учун ўта муҳим бўлган алмашинув йўлларини бузади – ароматик аминокислоталар синтезини чеклаб қўйишади. Шу билан бирга кам заҳарлиликка ва иссиққонлилар учун кам кумуляцияга эга бўлиб, атроф-муҳитда тез емирилади. Пестицидларнинг ушбу гуруҳга бўлган айнан чидамлилиги бир қатор маданий ўсимликларнинг ирсий ўзгартирилиши (модификацияланиши) учун омил бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини шикастламаган ҳолда бегона ўтларнинг йўқотилишини таъминлайди.

Пестицидларнинг қўпчилиги эса нисбатан хавфсиз гуруҳга мансуб бўлмай, ё юқори заҳарлилик (фосфор-органик, симобли, мишъякли)ка эга бўлади ёки юқори кумуляцияси ва чидамлилиги билан ажralиб туради (хлор-органик, карбаматлар), ёхуд узоқ асоратларни келтириб чиқаради (хлор-органик, карбаматлар). Пестицидлар организмга тушганида дозасига мувофиқ равишда ўткир, ўткирлиги пастроқ ва сурункали интоксикациялар ривожланиши мумкин. Бунда пестицидларнинг исталган миқдори, худди **де ново** синтезланган ва инсонга эволюцион жиҳатдан номаълум бўлган моддалар сингари, ксенобиотикликка эга ва организмда адаптацион ўзгаришларни юзага келтиради.

Турли кимёвий синфдаги пестицидлар кичик дозаларининг биологик (токсик) таъсири механизми асосида антиоксидант ҳимоялаш тизими томонидан бошқарилувчи эркин радикаллик жараёнларини фаоллаштириш реакциялари; хужайралар тузилиши ва функцияларининг дезорганизациясига элтувчи биомембраналарнинг стабиллиги ва тузилмавий-функционал кўрсаткичлари бузилиши ётади. Буларнинг бари охир-оқибатда организмнинг турли тизимлари ишида ўзгаришлар юз беришига, ҳимояловчи-мослаштирувчи механизмлар бузилишига ва иккиламчи иммун танқисликлари ривожланишига олиб келади.

Пестицидлар билан заҳарланиш босқичма-босқич юз беради ва қуйидагиларга эга бўлади:

- яширин давр (организмга тушиш вақтидан то интоксикациянинг дастлабки кўринишлари пайдо бўлгунига қадар) – ўткир заҳарланишларда бир неча соатдан то ўткирлиги пастроқ ҳолатда бир неча суткагача;

- дарак берувчи давр, унинг учун носпецифик, кўпгина кимёвий бирикмалар учун бир ҳилда бўлган манзаралар (кўнгил айниши, қайт қилиш, умумий мадорсизлик, бош оғриғи);

- кучли ифодаланган интоксиация даври, бунда кўпгина кимёвий моддалар учун умумий бўлган ўзгаришлар билан бирга заҳарнинг организмга таъсирининг специфик белгилари ҳам намоён бўлади.

Ўткирлиги пастроқ бўлган заҳарланишлар учун организмнинг пестицид таъсирига нисбатан ўткир ҳолатлардагидан кўра камроқ жўшқин реакция билдириши ва касаллик жараёнининг кўпроқ вақт давом этиши хос бўлади. Сурункали интоксиациялар пестицидларнинг организмга узоқ вақт бошланғич дозада тушиши ва уларнинг нишон-аъзоларда тўпланишида ривожланади.

Интоксиациянинг ривожланишида организмнинг ҳолати катта аҳамиятга эга бўлади. Болалар, ўсмирлар, касаллар ва нимжон одамлар пестицидларга нисбатан таъсиранчилиги билан ажralиб туришади.

Ҳомиладорлик вақтида ва болани эмизиб боқиши даврида пестицидлар билан алоқада бўлиш алоҳида хавфга эга бўлади. Кўпгина пестицидлар организмга тушганида, плацента тўсигидан ўтиб кетиши ва ҳомиланинг ривожланишига ҳалокатли таъсир қилиши, эмбриотоксик ва тератоген таъсирга эга бўлиши мумкин. Болани эмизиб боқиши даврида пестицидлар она сути орқали чақалоқ организмига ўтиши ва унда интоксиацияни юзага келтириши мумкин.

Фосфор-органик пестицидлар (ФОП). Кимёвий тузилишига кўра ушбу гурухнинг бирикмалари фосфорли, тио ва дитиофосфорли, шунингдек, фосфор кислоталарининг эфирлари бўлиши мумкин. Улардан инсектицидлар ёки акарицидлар сифатида фойдаланилади. ФОПларнинг кўпчилиги гигиеник синфлаштиришга мувофиқ равишда кумуляцияси ифодаланмаган ва чидамлилиги паст бўлган юқори заҳарли (бутун гурухнинг асосий етишмовчилиги) бирикмаларга киради. Улар озуқа занжири бўйлаб қарийб ўтмайди, озиқ-овқат маҳсулотларида тўпланмайди ва қайта ишлов (иссиқлик, майдалаш ва бошқа) берилганида тез парчаланади. Ўсимликларнинг ичига кириб олиши ҳисобига тизимли таъсир қиласиган ва унда узоқ сақланадиган ФОП гурухи (фосфамид, октаметил) ҳозирги пайтда амалда қўлланилмайди.

ФОПлардан кўпчилигининг токсик таъсир механизмида эстеразал (холинэстераза)лар киравчи ферментларнинг фосфорланиши туфайли ҳам уларнинг йўқотилиши етакчи роль ўйнайди. Бунинг оқибатида юз берувчи асаб тизимининг медиатори – ацетилхолиннинг тўпланиши асаб ҳужайралари ва ганглионар синапслар орқали асаб қўзғолишлари узатилиши бузилишига олиб келади. ФОП билан заҳарланишнинг асосий симптомлари мускаринсимон, никотинсимон, кураресимон ва ацетилхолиннинг марказий таъсири билан аниқланади. Мускаринсимон таъсир парасимпатомиметик йўналтирилганликка эга (брадикардия, миоз, силлиқ мушаклар спазми, қўз ёши, сўлак, бронх безларининг секрецияси кучайиши). Никотинсимон таъсир постгангионар толада импульслар узатилиши бузилишидан иборат (кўз қовоқлари, тил, юз, бўйин мушакларининг учиши, артериал гипертензия).

Куаресимон таъсир периферик фалажлар ривожланишидан иборат бўлади. Марказий таъсир ацетилхолиннинг бош мия пўстлоғига ва узунчоқ мияга токсик таъсири билан аниқланади (бош оғриғи, уйқу бузилиши, қўзғолувчанлик, руҳият ва онг бузилиши, тортишишлар).

ФОП таъсирининг нохолинергик механизмларига уларнинг баъзи оқсилларни фосфорлаши, протеолитик ферментларга таъсир қилиши, периферик қон манзарасини ўзгартириши, жигарга таъсири киради. ФОПнинг сезиларли холинергик реакцияни келтириб чиқаришга қодир бўлмаган кичик дозалари организмга қайта тушишида, одатда, нохолинергик механизмлар катта роль ўйнайди. ФОП тушишининг перорал йўлларида улар тезгина жигарга ўтиши, бу ерда уларнинг летал синтез тури бўйича метаболизланиб (метаболик фаоллашиш), анчагина заҳарлироқ бўлган маҳсулотларни ҳосил қилишини таъкидлаб ўтиш ўта муҳимдир. Инсоннинг ичига тушганида, ўлдирувчи доза метафос учун – 0,2 ... 2,0 г.ни, карбофос, хлорофос учун – 5 ... 10 г.ни ташкил этади.

Ўткир интоксикациянинг енгил шакллари бош оғриғи, бош айланиши, оёқ-қўллар мадорсизланиши, кўриш қобилияти пасайиши, безовталаниш, кўнгил айниши, қоринда тўлгоқсимон оғриқлар, диарея, сўлак ажралиши кучайиши сифатида намоён бўлади. Жабрдийдалар безовталанишади, уларнинг кўз қорачиғи торайган, ёруғликка нисбатан реакцияси заиф бўлади, ривожланаётган аккомодация спазми узоқни кўриш ёмонлашишига, қоронғиликка мослашиш (ёритилганлик ёмон бўлган пайтдаги кўриш) бузилишига олиб келади. Кўз соққасининг энг чеккаларида нистагм пайдо бўлади, юз салқийди, терлаш кучаяди.

Нафас олиш аъзолари томонидан аспирацион-обтурацион бузилишлар пайдо бўлади – нафас олиш бироз қийинлашади, нафас чиқариш чўзилади ва кучаяди, хуружсимон йўтал кузатилиши мумкин. Ўпкаларнинг ҳамма жойида қаттиқ нафас олиш, қуруқ хириллаш эшистилади.

Юрак-қон томирлар тизими томонидан брадикардия ва гипертензия (қон босими пасайиб кетиши билан алмасиши мумкин)га айланиб кетувчи тахикардия, юрак уриши товушининг бўғиқ тус олиши кузатилади, ЭКГ да X – К интервалининг узайиши, П ва Т тишчаларининг камайиши, СТ сегментининг аралашиб кетиши қайд этилади. Бу ўзгаришлар синусли тугуннинг бошланғич илк босилишидан дарак беради. Заҳарланишдан сўнг ўзгарган ЭКГ 7 ... 10 кун давомида етарлича муқим сақланиб қолади.

Марказий асаб тизимида бир қатор бузилишлар кузатилади. Масалан, ЭЭГ да фон фаоллигининг мия асосий фаоллигининг тузилиши бузилиши кўринишидаги ўртacha ўзгаришлар аниқланади. Номунтазам α-фаоллик (вақти-вақти билан унча баланд бўлмаган частотадаги – секундига 8 ... 13 та тебраниш, амплитудаси – 20 ... 100 мкВ бўлган чўққилар кўринишида қотиб қолган) номунтазам бўлган β-фаоллик (секундига 14 ... 20 та тебраниш, амплитудаси 5 ... 10 мкВ) ва суст тўлқинларнинг диффуз-пайдо бўлувчи элементлари билан алмасинади.

Лаборатория ташҳислашида қонда кислород концентрацияси пасайиши, ацидоз, гипокалиемия, гиперкоагуляция белгилари, қон зардобидаги

холинэстераза фаоллиги (ХЭФ) пасайиши [меъёри 160 ... 340 мкмоль/(мл · с)]. Холинергик турдаги интоксикациянинг илк белгилари ХЭФ нинг 30 % ва ундан кўпроқ пасайиши билан намоён бўлади. Керакли асбоб-ускуналар мавжуд бўлганида, қондаги, плазмадаги ёки пешобдаги ФОП миқдори газ-суюқлик хроматографияси усули билан аниқланиши мумкин. ФОПнинг қондаги концентрациясининг бошланғич даражаси, мкг/мл: карбофос – 0,01 ... 0,2; хлорофос – 0,02 ... 0,8; метафос – 0,05 ... 0,3. ФОП дан заҳарланиш ташҳиси анамнез маълумотларига (шу жумладан, овқатниги), заҳарланишнинг клиник манзараси ва лаборатория текширувларига асосланади.

Табақаловчи (дифференциал) ташҳис бошқа антихолинэстеразали моддалар, айниқса, дори препаратлари гурухи (прозерпин, галантомин, пилокарпин) билан заҳарланишда ўтказилади. Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, кўрсатиб ўтилган фармакология воситалари холинэстеразани ингибирлаш хусусиятига эга ва уларнинг таъсири атропин билан осонгина тўпландади, айни пайтда ФОП таъсирининг самараси узоқ вақт сақланади ва кўп марталаб холинолитиклар киритилганидан сўнггина атропин билан йўқотилиши мумкин. Шунидек, ўпкалар шишиши, қорин бўшлигининг ўткир жарроҳлик касалликлари, мия қон айланишининг ўткир бузилишларида ҳам табақаловчи (дифференциал) ташҳислаш зарур бўлади.

Сурункали интоксикациянинг клиник манзараси (ФОП алиментар тушишида эҳтимоли кўпроқ бўлади) қаттиқ бош оғриқлари, кўпроқ чакка қисмларида, бошдаги оғирлик, бош айланиши, иштаҳа йўқлиги, умумий мадорсизлик, кўнгил айниши билан намоён бўлади. Конда холинэстераза фаоллиги аҳамиятсиз босилган, анемия, метгемоглобинемия, нейтрофил лейкоцитоз қайд этилади. Юрак уришининг брадикардия, синусли аритмия кўринишидаги бузилишлари; ЭКГ да Р тишласининг вольтажи пасайиши, кўкрак бўлинмаларида Т тишаси баландлиги қайд этилади. Кўпинча артериал гипотония ривожланади. Беморларнинг бир қисмида ўт чиқарувчи йўллар функциясининг бузилишлари, ошқозон секретор функциясининг сурункали гастрит ва аллергик реакциялар аллергик дерматит, астматик бронхитлар кўринишида кечувчи бузилишлари қайд этилади.

Ҳозирги пайтда тиофос, меркантофос ва уларнинг ҳосилалари каби кучли таъсир қилувчи заҳарли пестицидларнинг қўлланилиши тақиқланган. Озуқа хом ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида фойдаланиувчи ФОП га чеклов қўйилади. Ҳосил йиғилганидан сўнг 1,5 ичидаги етказиб берилган озиқ-овқатлар, айниқса, қатъий назорат остига олинади.

Хлор-органик пестицидлар (ХОП). Пестицидлар сифатида фойдаланилдиган хлор-органик бирикмалар углеводородлар (ДДТ), циклопарафин (гексахлорциклогексаннинг изомерлари), терпенлар (полихлорпинен)нинг ҳосилаларига киради. Улар, асосан, инсектицидлар сифатида қўлланилади. Ушбу гурухнинг барча бирикмалари ёғдаги юқори эрувчанлиги ва сувдаги ёмон эрувчанлиги билан ажralиб туради. Гигиеник синфлаштиришга мувофиқ, ХОП ўртача заҳарли, ўта чидамли ва сезиларли кумулятив хоссага эга бирикмаларга киради. Улар қўлланилганидан сўнг, бир

неча ва ҳатто ўнлаб йиллардан сўнг ҳам тупроқдан топилади. Шу билан бирга, улар аста-секин тупроқ ичига кириб кетишга, озуқа занжири бўйлаб тўпланишга ва ҳайвонлар ва қушларнинг тўқималари (айниқса, ёғ тўқималари)да чўкиб қолишга, сут берувчи жониворларнинг сути билан ажralиб чиқишига ҳам қодир бўлади.

Организмга тушгач, ХОП кўпинча метаболик фаолланишга дучор қилинади, қисман ўзгармаган кўринишда троп тўқималарда йигилади ва бунда қарийб организмдан чиқиб кетмайди, узоқ вақтгача ёт юкламани таъминлаб тураверади. ХОПнинг биологик таъсири механизми нафас олиш занжири ферментларининг ишлаши бузилиши билан боғланган. ХОПдан ўткир ёки ўткирлиги пастроқ заҳарланишнинг клиник манзараси ривожланишида қуйидаги носпецифик кўринишлар намоён бўлади: диспепсия, абдоминал оғриқлар, мушаклар заифлашуви, рефлекслар сусайиши, атаксия. Сурункали заҳарланишларнинг асосий хавфи организм (марказий асад тизими, жигар, юрак-қон томирлар тизими) нинг полиграп шикастланиши ривожланиши, узоқ асоратлар ва организмнинг сенсибилизацияси билан боғлик.

Озуқа хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларида гексахлорциклогексаннинг α -, β -, γ -изомерлари $0,05 \dots 1,25$ мг/кг даражасида, шунингдек, қўлланилиши тақиқланганига қарамай, ДДТ ва унинг метаболитлари $0,02 \dots 2,0$ мг/кг даражада маеъёрланади (Ўзбекистон Республикаси нормативи). Бу ДДТнинг биосфера муҳитидаги юқори чидамлилиги билан боғлик: у ҳанузгача атроф муҳитда айланиб юрибди ва озуқа хом ашёсида салмоқли микдорда тўпланишга қодир.

Карбамин кислотаси ҳосилалари (карбаматлар). Пестицидларнинг бу гурӯхига инсектицидлар, гербицидлар, нематицидлар ва фуницидлар сифатида қўлланилувчи карбамин, тиокарбамин ва дитиокарбамин кислоталарининг ҳосилалари (севин, байгон, бетанал, карбин, авадекс, эптам, цинеб) мансубдир.

Гигиеник синфлаштиришга мувофиқ карбаматлар ўртача кумуляцияга эга кам ва ўртача заҳарли бўлган бирикмаларга мансубдир. Бунда атроф-муҳитдаги чидамлилиги ва узоқ асоратлари тубдан фарқланади ва муайян кимёвий бирикмага боғлиқдир. Карбаматларнинг биологик таъсири механизми шунақанги ФОПга яқин, аммо бошқа йўналишлар: оксидловчи жараёнларнинг босилиши, нуклеин кислоталари алмашинуви ва нейроэндокрин регуляцияси бузилишига ҳам эга бўлади. Озуқа хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларида бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилган карбаматлар меъёрланади.

Симоб-органик пестицидлар. Бирикмаларнинг ушбу гурӯхига фақатгина экиладиган уруғлик (дон)га ишлов берилишида фойдаланилдиган гранозан ва меркуран киради. Симоб-органик пестицидларнинг юқори заҳарлилиги, атроф-муҳит объектларида кумуляцияланиши ва ўта чидамлилиги туфайли ҳам улар билан ишлов берилган маҳсулотлар овқатланиш мақсадларида фойдаланилмайди.

Симоб-органик пестицидлар билан заҳарланишлар симобдан заҳарланишларга ўхшаш касаллик белгиларига эга бўлади. Худди шу тариқа,

организмга мишъякли, мисли, фенолли, цианли бирикмаларга эга бўлган пестицидлар тушганида ҳам, заҳарланишнинг етакчи белгилари кўрсатиб ўтилган элементлар ва бирикмаларниги ўхшаш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари. Пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш – бу тадбирлар мажмуаси бўлиб, улар асосида давлат ижрочи идоралари пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, қўллаш, реализация қилиш, ташиш, сақлаш, йўқотиш, реклама қилиш, Ўзбекистон Республикаси олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишига рухсат беради.

Янги пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни ишлаб чиқаришда, шунингдек, меҳнат шароитлари, одамлар соғлигини, атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва шу худуддаги назорат усуллари таклиф этиладики, улар пестицидлар ва агрокимёвий моддаларнинг инсонлар саломатлигига ва атрофдаги табиий муҳитга салбий таъсир қилиши хавфини тўлиқ истисно қиласи ёки энг кам даражагача камайтиради. Ишлаб чиқарувчи олинган пестицидлар ёки агрокимёвий моддалар билан муомала қилишнинг хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг атрофдаги табиий муҳитга таъсирини уларнинг токсикологик хусусиятларини баҳолаш бўйича текширувлардан ўтказиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг биринчи босқичи – пестицидларнинг токсикологик-гигиеник экспертизаси бўлиб, у препаратларнинг аҳоли ҳаёти ва саломатлиги учун хавфлилигини баҳолаш, гигиеник талаблар, чеклов (регламент)ларни ва улар билан хавфсиз муомалада бўлиш мезонларини ўрнатиши (ишлаб чиқариш) мақсадларида амалга оширилади. Пестицидларнинг токсикологик-гигиеник экспертизаси қўйидагиларни қамраб олади:

1) пестицидларнинг комплекс токсикологик-гигиеник баҳоланиши (амалдаги модда ва препарат шакли тўлиғича) ва унинг аҳоли саломатлигига эҳтимолий салбий таъсирини баҳолаш;

2) ишлаб чиқариш технологияси ва шароитлари (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган препаратлар учун) ва пестицидлар қўлланилиши (токсикологик-гигиеник экспертизага жалб қилинувчи барча пестицидлар учун)нинг гигиеник баҳоланиши, шу жумладан, ишлатилаётган жиҳозларнинг гигиеник баҳоланиши;

3) атроф-муҳит обьектларидаги пестицидларни гигиеник чеклаш, шунингдек, унинг ишлаб чиқариш шароитлари (маҳаллий препаратлар учун) ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишини гигиеник чекланиши;

4) пестицидларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва атроф-муҳит обьектларидаги қолдиқ миқдорлари даражасини таҳлилий назорат қилиш усулларининг баҳоланиши;

5) токсикологик-гигиеник экспертиза натижалари бўйича санитария-эпидемиология хulosасини тайёрлаш.

“Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар билан хавфсиз муомалада бўлиш ҳақида”ги ... № ..- сонли ва “Аҳолининг санитария-эпидемиология

фаровонлиги ҳақида”ги давлат қонунлариға асосан, Ўзбекистон Республикасида синовдан ўтказиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва сотишга мўлжалланган, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (шу жумладан, тажриба партиялари) – ишлаб чиқарилиши йўлга кўйилиши, норматив ёки техник хужжатларга, шу қаторда, пестицидлар таркибига ва/ёки уларни ишлаб чиқаришнинг технологик чекловлариға ўзгартирислар киритилганида;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётганда пестицидлар экспертизадан ўтказилиши керак.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гербициднинг қўлланилиши ва/ёки ишлаб чиқарилиши учун берилган руҳсатнинг амал қилиш муддати тугаганида ҳам экспертиза ўтказилиши шарт.

Пестицидларнинг комплекс токсикологик-гигиеник баҳоланиши ваколатли ташкилотлар томонидан ўтказилади ва препаратнинг заҳарлилиги (ўткир, ўткирлиги пастроқ ва сурункали) баҳоланишини, специфик ва узок самаралар (аллергенлик, тератогенлик, эмбриозаҳарлилик, репродуктив заҳарлилик, мутагенлик, канцерогенлик) пайдо бўлишини аниқлаш имкониятларини, хавфли аралашмалар ва метаболитлар борлигини, биокумуляция қобилиятини, миграцион хусусиятлари ва бошқаларни қамраб олади. Атроф-муҳит обьектларида ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида пестицидларнинг таъсир қилувчи моддалари, эҳтимолий хавфли аралашмалар ва метаболитлар борлигининг гигиеник меъёрланишлари мавжудлиги ва уларнинг таҳлилий назорат усуллари билан таъминланганларни ҳақидаги материаллар кўриб чиқиласди.

Пестицидларнинг аҳоли соғлиғига эҳтимолий салбий таъсирининг баҳоланиши ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳавфи баҳоланиши ва препаратларнинг пестицидлар билан ишлайдиганлар, шунингдек, бутун аҳолига пестицидлар билан муомала қилиш (ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш)нинг барча босқичларида унинг бевосита таъсири ва уларнинг инсонлар яшаш муҳити таъсири натижасида қўлланилишига асосланади. Энг аввало, турли технологиялар ва ишлаб чиқариш шароитларида ва препаратлар қўлланилишида пестицидлар қолдик микдорларининг атроф-муҳит обьектлари (сув, ҳаво, озуқа хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари) даги ҳақиқий даражаси баҳоланади ва улар асосида илмий-тадқиқот муассасалари (ИТМ)да ушбу технологияларни такомиллаштириш ва инсонлар саломатлигига салбий таъсиrlарни бартараф қилиш бўйича тавсиялар тайёрланади.

Янги технологияларни киритган ҳолда пестицидларни ишлаб чиқариш ва қўллаш шароитларининг гигиеник баҳоланиши ўтказилишида Ўзбекистон Республикаси Давсанэпидхизмати муассасалари томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси субъектларида (тайёрловчи корхоналар жойлашган ёки пестицидлар қўлланилувчи ишлар ўтказилаётган жойда) гигиеник тадқиқотлар (ўлчовлар, тажрибалар)дан фойдаланилиши мумкин.

Ваколатли ИТМ пестициднинг токсикологик-гигиеник баҳоланиши бўйича маълумотларнинг барини таҳлил қиласи ва умумлаштиради ва эксперт хulosасини расмийлаштиради, унда рўйхатдан ўтказишнинг имкониятлари ва шароитлари, препаратнинг ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши ҳақидаги хulosалар ва мувофиқ тавсиялар баён қилинади. Хulosа белгиланган намунадаги санитария-эпидемиология хulosасини тайёрлаш ва расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш вазирлигига тақдим этилади. Токсикологик-гигиеник маълумотлар тўплами токсикологик-гигиеник экспертиза бўйича хulosанинг асослилиги ва қонунийлигини тасдиқловчи хужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш вазирлигига туради.

Расмий тасдиқланган гигиеник меъёrlар йўқ бўлган тақдирда пестицидларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги ва/ёки атроф-мухит обьектлари (шунақанги чеклаш зарур бўлганда)даги қолдик миқдори мавжудлигининг расмий тасдиқланган гигиеник меъёrlари ва уларни назорат қилиш усуллари бўлмаган тақдирда, санитария-эпидемиология хulosаси Истеъмолчилар ҳукуқини ҳимоя қилиш давлат хизмати томонидан, фақатгина меъёrlашлар ва уларни назорат қилиш усулларини асослаш бўйича материаллар Давлат санитария-эпидемиология меъёrlашлари бўйича комиссияси томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар билан хавфсиз муомалада бўлиш устидан давлат назорати ва кузатуви тартиби. Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар билан хавфсиз муомалада бўлиш устидан давлат назорати ва кузатуви маҳсус ваколатга эга ижрочи давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

Токсикологик-гигиеник экспертиза ижобий хulosаси ижобий бўлган ҳолатда пестицид ёки агрохимикат Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланилишига руҳсат берилган “Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар давлат каталоги”га киритилади. Ушбу каталогнинг рўйхатга олиш тажрибалари ташкил этилиши ва пестицидлар ва агрокимёвий моддаларнинг давлат рўйхатига олинишини амалга ошириш учун маҳсус ваколатга эга бўлган давлат идораси олиб боради. Келгусида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилиши жараёнида пестицидлар ва агрокимёвий моддаларнинг қўлланилиши учун ўрнатилган чеклашларга риоя этилишидаги барча жавобгарлик ишлаб чиқарувчига юклатилади. У технологик даврнинг барча босқичларида мос шароитларни яратиб, экотизимга тушадиган юкламани максимал даражада камайтириши ва озуқа хом ашёсининг хавфсизлигини таъминлаши лозим.

Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар хавфсиз ва самарали қўлланилишининг энг баланд (критик) назорат нуқталари қуйидагилардир:

1) **ташиши ва сақлаши.** Пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни фақат маҳсус жиҳозланган транспорт воситаларида ташишга руҳсат берилади. Пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни фақатгина уларни сақлаш учун

ихтисослаштирилган омборларда сақлашга рухсат берилади. Пестицидларни идишсиз сақлаш тақиқланади;

2) *қўллаш*. Пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни қўллаш тартиби пестицидлар ва агрокимёвий моддалар соҳасидаги ижрочи давлат идоралари томонидан, фитосанитария, санитариявий ва экологик вазиятни, ўсимликларнинг агрокимёвий моддаларга бўлган эҳтиёжини, тупроқнинг унумдорлик ҳолатини, шунингдек, ҳайвонларнинг рационини хисобга олган ҳолда белгиланади. Пестицидлар ва агрокимёвий моддаларни қўллашнинг хавфсизлиги белгиланган чекловларга амал қилиниши ва пестицидлар ва агрокимёвий моддаларнинг инсонлар соғлиғи ва теваракдаги табиий муҳитга салбий таъсир қилишини истисно этувчи қонун-қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ҳисобига амалга оширилади. Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар фақатгина ишчилар билан бевосита алоқада бўлиш имкониятини камайтирувчи ва препаратнинг аниқ дозаланишини таъминловчи маҳсус техника ва жиҳозлардан фойдаланган ҳолдагина қўлланилади. Белгиланган чекловга риоя этилиши назорат қилиниши Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Давлат хизмати (агрокимёхизмати, ўсимликларни ҳимоялаш станцияси) амалга оширади;

3) *пестицидлар ва агрокимёвий моддалар таркибий қисмларининг колдиқ миқдорини назорат қилиши*. Мунтазам ва охиригни назорат режали тартибда ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқариш назорати доирасида амалга оширилади. Уни ўтказиш услуби ва натижаларини расмийлаштириш тартиби озуқа хом ашёсининг сифатини ва хавфсизлигини назорат қилувчи ветеринария-санитария назорати томонидан чекланади. Санитария-эпидемиология назорати айланмадаги озиқ-овқатларни, яъни улар ишлаб чиқарилганидан кейин то бевосита истеъмолчига сотилгунига қадар бўлган барча босқичлардаги хавфсизлигини назорат қиласи.

Пестицидлар билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотининг реализация қилиниш йўллари. Давлат рўйхатига олиш доирасида ўтказилаётган пестицидларнинг санитария-гигиена меъёрланишини амалга оширишда ушбу бирикмаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидаги МЙД белгиланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида 400 га яқин пестицидларнинг йўл қўйилувчи суткалик дозаси ва атроф-муҳит объектларидаги миқдори гигиеник меъёрлашларга эга.

Озиқ-овқатлардаги пестицидлар миқдорининг лаборатория таҳлили фақат тасдиқланган (стандарт) усулларни қўллаган ҳолда ваколатли муассасаларда амалга оширилади. Пестицидларнинг турли гурухларини қиёслаш учун турли-туман хроматография (органик бирикмалар учун) ва спектрофотометрия (гурух ташкил қилувчи элементларни аниқлаш учун) усуллари қўлланилади.

Ишлаб чиқарувчи даврий лаборатория назоратидан ташқари ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида озиқ-овқатнинг ҳар бир тайёр партиясини барча қўлланилувчи пестицидлар ва доимий назоратни талаб қилувчи пестицидлар гурухининг қолдиқ миқдорларига кўра сўнгги назоратдан ўтказилиши керак. Сўнгги назоратнинг натижалари ишлаб чиқарувчининг

сифат сертификатига киритилади. Импортга чиқарилувчи озиқ-овқатлар пестицидлар мавжудлигига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилишдан аввалроқ керакли маълумотлар киритилган ҳолда санитария-эпидемиология хулосасини олиш учун таҳлил қилиниши шарт.

Назорат қилинувчи пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари МЙД даражасида ёки камроқ бўлган озиқ-овқатлар чеклашсиз истеъмол қилиш учун яроқли деб тан олинади. Шунингдек, ушбу тайёр маҳсулотнинг истеъмолчисини ҳам назардан соқит қиласлик керак: болалар ва парҳез (даволаш ва профилактика мақсадида қўлланилувчи) овқатланиши учун нисбатан қаттиқроқ гигиена талаблари ва анчагина пастроқ МЙД кўйилади.

Миқдори чекланувчи (МЙД) маҳсулотдаги пестицидлар қолдиқ миқдори ошганида, ушбу партиядан фойдаланиш имкониятлари ҳақида муайян вазиятдаги гигиеник таҳлиллар натижасига таянган ҳолда санитария-эпидемиология хизмати қарор қабул қиласи. Пестицидлар билан ифлосланган партиянинг тақдирини ҳал қилувчи қарор қабул қилаётганда, биринчи навбатда, МЙДнинг ошиш даражаси, шунингдек, маҳсулотнинг келгусидаги сақланиши ва унинг қайта ишланиши имкониятлари эътиборга олинади.

Озиқ-овқатлар унга қайта ишлов беришнинг муайян шароитларида, агар шифокор тайёр маҳсулотнинг аҳоли учун хавфсизлигига асосли ишонч билдиrsa ва реализация қилинишидан олдин тайёр маҳсулотдаги пестицидлар қолдиқ миқдори назорати ўтказилган бўлсагина овқатланиш мақсадлари учун яроқли деб топилади. Пестицидларнинг турли кимёвий гуруҳлари учун озиқ-овқатдаги қолдиқ миқдорларни пасайтириш учун уни қайта ишлашнинг оптимал йўллари мавжуд.

ФОП билан ифлосланган маҳсулотларни қайта ишлаш. ФОПнинг қолдиқ миқдорларини пасайтиришнинг технологик усуслари ушбу гуруҳдаги пестицидларнинг ташқи омилларга, хусусан, иссиқлик юкламасига нисбатан чидамсиз эканлиги билан боғлиқ. Мевалар ва резаворлар олдиндан яхшилаб ювилади, иложи бўлса, пўсти тозаланади, чунки ФОПни аэроздоль кўринишида қўллагандан, унинг салмоқли қисми меваларнинг пўстида тўпланади. Шундан сўнг мевалар ва резаворларга юқори иссиқлик ишлови берилувчи мураббо, қиём, повидло, қуруқ мевалар, консервалар сифатида қайта ишлов берилади. Сабзавотларга нисбатан ҳам шунга ўхшаш йўл тутиб, уларни олдиндан ювиб ва арчиб олинади.

ФОП билан ифлосланган донни яхшилаб шамоллатиш ва саноат қайта ишлови берилгунига қадар бир неча ҳафта ушлаб туриш лозим, шундан сўнггина ундан ун ҳамда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ифлосланган донни саралаб “тозалаш” кенг қўлланилишда ўзини оқламайди. Стериллагандан сўнггина сутдан овқатланиш мақсадларида ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Гўштга юқори ҳароратли ишлов берилиши (масалан, консерва ёки колбаса ишлаб чиқарилишида) мумкин. ФОПнинг чидамлилиги пастлигини назарга олган ҳолда, сақлашга мўлжалланган маҳсулотлар учун реализация муддатини бир неча ҳафтадан то пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари МЙД га етгунича кечиктириш мумкин.

ХОПдан ифлосланган маҳсулотларни қайта ишлаш.
Маҳсулотлардаги ХОП микдорининг пасайиши уларнинг сақланиш ва иссиқлик юкламасига нисбатан ўта чидамлилиги оқибатида ўта мураккаб вазифага айланади.

Мева ва резавор мевалар қўшимча ювилгач ва тозалангач шарбат ва винога қайта ишланиши мумкин. Сабзавотлар стерилизация қилинувчи сабзавотли ёки аралаш консерваларга сараланиши мумкин. Кartoшкадан эса фақат уруғлик сифатида ёки крахмал ишлаб чиқаришдагина фойдаланилиши мақсадга мувофиқ. ХОПнинг кўпроқ қисми кепакларда ва муртакларда ушланиб қолишини ҳисобга олган олган ҳолда, ифлосланган дондан олий навли ун тайёрланиши мумкин.

Ифлосланган ҳайвон маҳсулотлари ХОПдан сепарация усули билан ҳалос қилинади: сут ёғсизлантирилади, гўшт кўринувчи ёғ тўқималаридан тозаланади, тухумлардан сариги ажратиб ташланади. Ёйиб қуритишда сути олинган сутдаги ХОП микдори салмоқли камаяди.

Карбаматдан ифлосланган маҳсулотларни қайта ишлаш.
Карбаматлар билан ифлосланган озиқ-овқатларга қайта ишлов беришнинг технологик қайта ишлов бериш қоидалари ФОП дан деконтаминациялаш учун қўлланиладиганига айнан ўхшашиб: иссиқлик ишлови бериш ва тақсимлашдан иборат. Бироқ, бунда карбаматларнинг кучли вертикал миграцияга қодирлиги (мевалар пўстидан этига ўтиб кетиши)ни ҳисобга олган ҳолда, ифлосланган озиқ-овқатларни реализация қилишни кечикириш мумкин эмас.

Озиқ-овқатларни қайта ишлашнинг таклиф этилувчи барча усуллари пестицидларнинг қолдиқ микдорларини МЙД гача ва ундан ҳам камроққача пасайтирилишини таъминлаши керакки, бу ҳар сафар лаборатория текширувлари ёрдамида тасдиқланиши шарт. Маҳсулотларга самарасиз ишлов берилишида ёки дастлабки ифлосланиш юқори даражада бўлганида (МЙД дан тўрт баравар ошганида) озиқ-овқатлар овқатланиш учун яроқсиз деб топилади ва техниковий қайта ишловга (ноовқат таркибий қисмларини олиб ташлаш билан) жалб қилинади ёки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Назорат саволлари:

1. Кимёвий моддаларга мисоллар келтиринг.
2. Агрокимёвий моддалар.
3. Пестицидлар ва уларнинг синфланиши.
4. Пестицидлар билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотининг реализация қилиниш йўлларини айтинг.
5. Пестицидлар ва агрокимёвий моддалар билан хавфсиз муомалада бўлиш устидан давлат назорати ва кузатуви тартибини изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства

ства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.

2. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.

3. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

4. Куриязова С.М. Овқатланиш гигиенаси. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2012. – 380 б.

5-маъруза. Хом ашё, яримтайёр ва тайёр маҳсулотларни текшириш услублари

Режа:

1. Таҳлилнинг ҳажмий услублари.
2. Таҳлилнинг физик услублари.

Таянч сўз ва иборалар: Рефрактометрия, кондуктометрия, потенциометрия, титрлаш, рН, кўрсаткич, қуруқ модда, калориметрия, эритма концентрацияси.

Таҳлилнинг ҳажмий услублари

Аниқланилаётган мода билан реакцияга киришиши учун талағ этиладиган реагент ҳажмини ўлчашга асосланган аниқлашнинг миқдорий услуги титрометрик ёки ҳажмий таҳлил деб номланади.

Таҳлилнинг ҳажмий услуги оксидланиш-қайтарилиш, комплексларни ҳосил бўлиши, ион алмашинуви, чўкмага тушиши, нейтралланиш ва ҳоказо реакцияларининг боришига асосланган. Улар қўйидаги шароитларни қониқтириш керак:

1. Реакцияда моддалар ўртасидаги стехиометрик нисбатларга қатъий риоя қилиниши;
2. Реакциянинг тез ва миқдорий бориши; эквивалент нуқтани аниқ ва қатъий белгилаш;
3. Таҳлил қилинаётган намунадаги бегона моддалар қўшилаётган реагент билан реакцияга киришмаслиги керак ва натижада титрлашга ҳалақит беради.

Тадқиқ қилинаётган эритмага аниқ керакли концентрацияга аста-секин эритма қўшиб, келтириш жараёни титрлаш дейилади. Бу жараённинг асосий босқичларидан бири, эквивалент нуқтаси деб номланувчи, титрлашнинг охирги нуқтасини ўрнатиш ҳисобланади. Эквивалент нуқтани инструментал услугда (кондуктометриқ, потенциометрик титрлаш) ёки визуал (индикатор, эритма рангининг ўзгариши бўйича) ҳолда аниқланади.

Титрлаш учун $10\text{-}100 \text{ см}^3$ таҳлил қилинаётган эритмага масса улуши 0,1-0,5%-га тенг индикатор эритмасидан 1-3 томчи қўшиш кифоя.

Титрометрик аниқлаш бевосита, билвосита ва қайтар титрлашда амалга оширилади.

Бевосита титрлаш – кенг тарқалган ва қулай усулдир. Бу усулда таҳлил

қилинаётган модда эритмасига маълум (аниқ) концентрациядаги ишчи эритма тўғридан-тўғри қушилади.

Билвосита титрлаш. Бу усулда бевосита титрлаш учун ўзига хос реакция бормаган тарзда ёки керакли индикатор ўрнини босувчи-ўринбосар кўлланилади. Бундай вазиятда таҳлил қилинаётган моддага эквивалент микдорда бошқа моддани қўшиш, сўнгра ишчи эритма билан титрлаш орқали борадиган реакциядан фойдаланилади.

Қайтар титрлаш. Бу титрлаш бевосита титрлаш имконияти бўлмаганда ёки таҳлил қилинаётган модда барқарор бўлган вазиятда қўлланилади. Бунда иккита ишчи эритма олиниб, улардан биринчиси ортиқча микдорда қўшилади, иккинчиси билан биринчиси титрланади.

Аниқланаётган модданинг масса улуши – X (%-да) ишчи эритманинг массавий концентрацияси орқали қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X = \frac{100 \cdot V \cdot c \cdot M}{1000 \cdot m},$$

Бунда V – титрлашдаги ишчи эритманинг ҳажми, см³; c – ишчи эритманинг моляр концентрацияси, моль/дм³; M – аниқланаётган модданинг молекуляр эквивалент массаси, г/моль; m – таҳлил қилинаётган модда намунасининг массаси, г.

Таҳлилнинг физик услублари

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалиётида физик услубларнинг қўлланиш тармоғи кенг ва массани, зичликни, қовушқоқликни, электр ўтказувчанлигини, водород ионлари концентрациясини, рефракция коэффициентини ўлчашни ўз ичига олади.

Аниқланаётган модда (анорганик ва органик бирикмалар кўринишида ажралган) массасини аниқ ўлчашга асосланган таҳлилнинг микдорий услуби гравиметрик таҳлил деб аталади.

Аниқлаш усули бўйича ажралиш, чўкмага тушиш ва ҳайдаш услубларига фарқланади.

Ажралиш услуби. Бунда аниқланаётган компонент микдоран, эркин ҳолатда ажралади ва аналитик тарозида тортиб олинади. Мисол сифатида озиқ-овқат маҳсулотларидағи золнинг массавий улушини аниқлашни келтириш мумкин.

Чўкмага тушиш услуби. Бу услубда аниқланаётган компонент маълум кимёвий таркибли, кам эрийдиган чўкма кўринишидаги кимёвий реактивлар ёрдамида ажралади. Чўкма ювилади, доимий массасигача қуритилади ва тортиб олинади. Бундай тарзда озиқ-овқат маҳсулотларидағи CO₄²⁻, Cl⁻ ва бошқа ионлари аниқланади.

Ҳайдаш услуби. Бу услубда аниқланаётган компонент таҳлил қилинаётган намунадан енгил учувчан бирикма кўринишида ҳайдалади. Бу усулда озиқ-овқат маҳсулотларидағи CO₂, HX₃ ва бошқа учувчан моддалар сони (микдори) аниқланади.

Гравиметрик таҳлил натижалари авваломбор, тарозиларнинг аниқлигига, уларни ўз вақтида ростлашга, ростлаш чегарасига боғлик.

Лаборатория шароитида аналитик тарозиларнинг АДВ-200, ВЛК-500г-М ва ВЛКТ-500г, ВЛР – 200 г, ВЛР – 1 кг моделлари ишлатилади.

Суюқликни зичлиги ареометр ёрдамида ўлчанади.

Амалиётда доимий (ўзгармас) массали ва ҳажмли ареометрлар кўлланилади. Агар доимий (ўзгармас) массали ареометр шкаласи зичлик бирлигига градуирланган бўлса денсиметр деб аталади. Суюқ муҳит зичлигини назорат қилишдаги денсиметрлар сахариметр, лактометр, спиртометр ва х.к. деб номланади.

Қовушқоқлик суюқликнинг физик хоссаси ҳисобланади. Қовушқоқликни ўлчаш капиллярлар бўйича ламинар оқим учун Пуазейл қонуни ёрдамида қовушқоқлик коэффициентини – η аниқлашни келтириб чиқаради:

$$V = \frac{\pi \cdot r^4 \cdot \Delta p}{8 \cdot l \cdot \eta},$$

Бунда V - вақт бирлигига капилляр орқали ўтувчи суюқлик ҳажми, cm^3 ; r – капилляр радиуси, см; Δp – капиллярлар охиридаги босимлар фарқи; l – капилляр узунлиги, см; V , r , Δp , l қийматларини билган ҳолда қовушқоқлик коэффициенти ёки динамик қовушқоқликни аниқлаш мумкин. Динамик қовушқоқликни суюқлик зичлигига нисбати кинематик қовушқоқлик деб аталади.

Қовушқоқликни аниқлаш учун ишлатиладиган асбоблар вискозиметрлар деб аталади. Консерва корхоналари лабораторияларида Оствальд вискозиметри ишлатилади (1 - расм).

1 - расм. Оствальд вискозиметри.



Потенциометрия усули

Маълумки, амалиётда кўп тарқалган назорат усулларидан бири потенциометрия усули бўлиб, бунда эритмада металл ионлари билан ҳосил қилган потенциали аниқланади. Потенциал шу эритмадаги ион концентрацияларига ва бу концентрациянинг ўзгаришига боғлиқ.


Потенциал кўрсаткичи элемент концентрациясининг, эритмага туширилганда, унинг ионларининг электр токини кам ёки кўп миқдорда сарф қилиши билан аниқланади. Потенциални аниқлаш потенциометрлар ёрдамида амалга оширилади.

Потенциометр - қаршилик, сирпаниш контакти, гальванометрдан иборат. Потенциални ўлчаш учун қўйидаги электродлардан фойдаланилади:

Водородли электрод. Потенциалнинг абсолют кўрсаткичини элемент концентрациясида аниқлаб бўлмагани сабабли, стандарт водород

электродлари ёрдамида электр токи ҳаракати орқали потенциални ўлчаш мумкин. Стандарт водородли электрод деб, 760 мм симоб устуни босими остида ва ионларнинг эритмадаги эркин ҳаракати 1 г ион/литр бўлишига айтилади.

Адсорбцияланган водород ионлари эритмадаги металл ионлари каби ўзини тутиши мумкин. Бундай водороднинг адсорбцияланишида индиферент металлар қўлланилади. Мисол қилиб, платинани айтиш мумкин. Сувга платина туширилганда, унинг устки қисмида водороднинг адсорбцияланиши кузатилади.



Бунда ҳар бир водород атоми алоҳида ион ҳосил қилиб, бир электрон ажратиб чиқаради. Нернст тенгламаси орқали электр ҳаракатга келтирувчи куч кўрсаткичи иккита водород электродлари учун қўйидагича:

$$E_{X_2} = \vartheta_{X_2} - \frac{RT}{F} \ln [X^+]$$

бунда P - газ доимийси; T - абсолют ҳарорат; Φ - Фарадей қиймати - 96500 Кулон $[X^+]$ - водород ионларининг концентрацияси; ϑ_{H_2} - водород электроднинг электр ҳаракат кучи (нольга тенг).

pH ни потенциометрик усул билан аниқлаш

Эркин водород ионларининг концентрацияси кислотанинг диссоциацияланиш даражаси билан аниқланади. Водород ионларининг концентрацияси эритманинг актив кислоталик мұхитини характерлаб беради.

pH кўрсаткичини аниқлашда бир электрод потенциалининг текширилаётган эритмадаги водород ионларининг концентрациясига таъсиридаги ўзгаришлар ўлчанади. Бу ҳолда концентрацион элемент 2 та электродлардан иборат бўлиб, уларнинг бири этalon вазифасини ўтаб беради.

Ўлчаш учун иккита водород электродидан фойдаланилади, уларнинг бири стандарт ҳолдаги электрод бўлиб, бунда элемент электр ҳаракат кучи

$$\vartheta_{X_2} = - \frac{RT}{F} \ln [X^+]$$

$$\text{Бунда } - \frac{RT}{F} \ln [X^+] = -0,0001984 T_p X \text{ ва } -\lg [X^+] = pX$$

Тенглама қўйидаги кўринишни ҳосил қиласди:

$$\vartheta_{H_2} = +0,0001984 T_p pH$$

18^0C ҳароратда $T=291^0$

$$\vartheta_{H_2} = 0,0577 pH$$

$$\text{Бундан } pH = \frac{E_{H_2}}{0,0577}$$

Потенциометрик титрлаш усули

Потенциометрик титрлаш усули ҳар бир ҳолатда қўлланиши мумкин. Агарда титрлаш вақтида pH ўзгарса (яъни нейтралланиш, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари содир бўлганда) оксидланиш-қайтарилиш потенциали ҳам ўзгарамади.

Потенциометрик титрлашда иккита электроддан ва гальванометр, унинг занжирини туташтирувчи калитидан фойдаланилади. Потенциалнинг ўзгаришини гальванометр стрелкаларининг занжир туташтирилгандағи ҳаракатидан аниклаб олинади. Потенциални аник ўлчаш учун компенсацион усулдан фойдаланилади.


Индикатор электродини титрлаш учун мұлжалланган идишга туширилади. Унга титрлаш эритмаси қуйилиб, механик усул билан аралаштирилади. Титрланаётган эритмани солиштириш электроди билан аралаштирилади.

Потенциометрик титрлаш усули индикатор билан титрлаш усулидан аникроқ натижани қўрсатади. Потенциометрик титрлаш аниклиги оғирлик вазнини ўлчаш анализдан қолишмайди.

Колориметрия усули

Калориметрия анализи – эритма рангининг бўялиш интесивлиги ва унинг бўёвчи модда концентрациясига боғлиқ эканлигидан иборат. Бу анализ фотоколориметрларда амалга оширилади (2-расм).

Ёруғлик интенсивлиги суюқлик устунидаги эритма концентрациясига, баландлигига, температурасига, табиатига ва тушаётган ёруғликнинг узунлигига боғлиқ.



2-расм. Фотоколориметр КФК-2:

1 - микроамперметр; 2 - 100%-ли ўтказиш учун асбобни тўғрилаш учун ушлагич (рукоятка); 3 - «сезгилик» ушлагичи; 4 - таққослаш эритмаси ва текширилаётган эритмали кюветаларни жойлаштириш учун ушлагич; 5 - рангли светофильтрни киритиш учун ушлагич; 6 - ёритгич.

Иккита бир хил эритма ва бир хил шароитда, икки хил концентрацияга эга бўлса, унда ёруғлик интенсивлиги қуйидагича бўлади.

$$\frac{c_1}{c_2} = \frac{h_2}{h_1}$$

Бунда c_1, c_2 – эритма концентрацияси; x_1, x_2 – эритма устуни баландлиги.


Агар c_1 – эритма концентрацияси аник, эритма устунлари баландлиги маълум ва шу устунлар орқали ўтаётган ёруғлик интенсивлиги бир хил бўлса, бунда ўрганилаётган эритма концентрацияси қуйидагича аникланади:

$$C_2 = C_1 \frac{h_1}{h_2}$$

Колориметрик усул билан pH ни аниклаш

Баъзи бир холларда текширилаётган эритма концентрацияларини, уларнинг рангини, олдиндан тайёрлаб қўйилган эталон намуналар ранги билан солиштириш йўли билан аниқланади. Бу ҳолда уларни ўлчаш жараёни осонлашади ва тезлашади, лекин аниқлиги камаяди.

Бунга мисол бўлиб, колориметрик усул билан pH ни аниқлаш хизмат қиласди. Колориметрик pH ни аниқлаш усули, аниқ бўлган муҳитдаги pH индикатор рангини, бошқа бир номаълум pH муҳитидаги индикатор ранги билан солиштириш усулига асосланган. Кўпинча ўз рангини ўзгартирувчи индикаторлар, водород концентрацияларининг ўзгаришига боғлик бўлади. Бундай эритмалар асосан кучсиз кислоталар ёки асослар бўлади. Масалан: кучсиз асос бўлган индикатор сувли муҳитда қўйидагича диссоциацияланади.



Диссоциацияланган индикатор қисми бир рангга бўялган, ионлар эса бошқа рангга бўялган. Индикатор диссоциация константаси:


$$\frac{[I_n^+][OH^-]}{[I_nOH]} = K$$

Рефрактометрия усули

Рефрактометрия усули консерваланган озиқ-овқат маҳсулотларини анализдан ўтказишида, улардаги намликни, қуруқ модда микдорини ва ёғ микдорини аниқлашда фойдаланилади. Бу ерда бир неча хил рефрактометрлардан фойдаланилади.

Универсал рефрактометр – бу рефрактометр суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг синиш коэффициентини ўлчашда қўлланилади (3-расм).

Рефрактометрнинг ишчи қисми бўлиб, у иккита призмадан иборат бўлади. Суюқлик пастки призма ва устки призма оралиғида жойлаштирилади. Синиш коэффициентини(суюқликларда), ундан қайтган ёруғлик нурлари орқали аниқланади.



3-расм. Универсал рефрактометр (УРЛ)

1- шкала; 2 – окуляр; 3 - термометр; 4 - ричаг; 5 – ёритгич; 6 - ручка; 7 – компенсатор.

Ёғли (мойли) рефрактометрлар маҳсус тажрибалар ўтказиш ва синиш

коэффициентини аниқлашда, соддалаштирилган рефрактометр конструкцияла-ридан фойдаланилади. Шундай рефрактометрлар туркумiga мойли рефрактометр киради. Рефрактометр 1 – қўриш трубкаси, 2 та шиша призма ва ойначадан иборат. Пастки призма шарнир ёрдамида очилади. Призмалар винтлар ёрдамида қотирилган. Сув нипелль орқали юборилади ва чиқарилади. Температурани ўлчаш учун термометр жойлаштирилади. Шкалаларни тўғрилаш учун белгили барабанча бор Рефрактометрдаги ёруғлик нурлари йўналиши призмалар устидаги синиш ва қарама-қарши ҳаракатлари кузатилади. Шкала устига тушувчи ёруғлик нурлари 100 белги билан бўлинган.

Шкала кўрсаткичи	Синиш коэффициенти	Шкала кўрсаткичи	Синиш коэффициенти
0	1,4220	60	1,4659
10	1,4300	70	1,4723
20	1,4377	80	1,4783
30	1,4452	90	1,4840
40	1,4524	100	1,4895
50	1,4593		

Мойли рефрактометр аниқлиги универсал рефрактометр аниқлигидан қолишимайди.

Назорат саволлари:

1. Рефрактометрия қандай усул?
2. Рефрактометр нима?
3. Куруқ моддалар миқдорини қайси асбоб ёрдамида аниқлаш мумкин?
4. Потенциометрия усулда нима аниқланади?
5. pH ни потенциометрик усул билан аниқлашни айтинг.
6. Потенциометрик титрлаш усулини тушунтиринг.
7. Калориметрия анализи қандай амалга оширилади?
8. Калориметрик усул билан pH қандай аниқланади?
9. Индикатор диссоциация константаси қандай ифода орқали аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодовоощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
2. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
3. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.
4. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

6-маъзуза. Оғир металл қолдиклари ва улардан заҳарланиш

Режа:

1. Оғир металлар ва улар вакиллари
2. Қўрғошин, мишъяқ ва бошқа оғир металлар вакилларидан заҳарланиш.
3. Мева-сабзавот маҳсулотлари таркибидаги минерал қолдиқлари ва унинг ишқорийлиги, механик қўшимчаларни ва ош тузини аниқлаш услублари.

Таянч сўз ва иборалар: Консерва, ош тузи, оғир металл, қўрғошин, мишъяқ, суюқлик эритмаси, мева-сабзавот, маҳсулотлар, минерал қолдиқлар, ишқорийлик, механик қўшимчалар.

Оғир металлар ва мишъяқдан заҳарланиш

Санитария токсикологияси нуқтаи назаридан олганда, оғир металлар орасида юқори заҳарлиликка эга бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга узоқ вақт тушганида организмда тўпланишга қодир ва узоқ вақтдан кейин чиқадиган – мутаген ва канцероген асоратлар қолдирувчи (мишъяқ ва қўрғошинда) қўрғошин, симоб ва кадмий, шунингдек мишъяқ (анъанавий равишида мажмууда қўриб чиқилувчи) жуда катта аҳамиятга эгадир.

Озиқ-овқатларнинг баъзи бир турларида ҳам бошқа оғир металлар: тунука ва хромланган идишларга консерваланган маҳсулотлардаги қалай ва хром, гидрогенизланган ёғли маҳсулотлар (маргаринлар, ошпазлик ва қандолатчилик ёғлари) ва ксилитдаги ва бошқа шакар-спиртлардаги никель, сақлаб қўйилувчи ёғли маҳсулотлардаги темир ва мис, пектиндаги рух меъёrlанади. Агар маҳсулотдаги токсик элементлар микдори белгиланган даражага етгунича деконтаминацион ишлов бериш имконияти бўлмаса, оғир металлар ва мишъяқ даражасининг ЧЙК ошиб кетган озиқ-овқат маҳсулотлари овқатланиш мақсадларида фойдаланиш учун яроқсиз деб топилади.

Оғир металлар микдори бўйича қўйидаги жойларда етиштирилган озиқ-овқат хом ашёсига алоҳида эътибор қаратиш лозим: табиий муҳит объектларида геокимёвий аномалиялар даражаси ошган ҳудудларда; металургия, машинасозлик, тоғ-кон саноати, кимё саноати корхоналари жойлашган ҳудудларда; йирик автомагистраллар ва шаҳарлар яқинида; минерал ўғитлар ва бошқа агрокимёвий моддалардан интенсив фойдаланилганда.

Токсикантларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида тўпланиш даражасига қўйидагилар таъсир кўрсатади: тупроқнинг ва бошқа табиий муҳит объектларининг ифлосланганлик даражаси; ўсимликларнинг биологик ўзига хосликлари (масалан, баргли сабзавотлар, лавлаги ва сабзи тупроқдан кадмийни тўплаб олишга қодир бўлади); минерал ўғитлар, пестицидлардан норационал фойдаланиш; тупрокнинг геологик ва агрокимёвий хусусиятилари. Айтайлик, симоб ўсимликларга ўзининг тупроқдаги концентрациясига пропорционал тарзда кира олади. Бундан фақат нордон тупроқ мустасно бўлиб, улардаги симоб ёмон сўрилувчи (бошқа оғир металлар ва мишъяқдан фарқли ўлароқ) шаклда бўлади. Симобнинг тупроқдаги концентрацияси 2,1 мг-кг.гача бўлганида, ўсимликларда ушбу элементнинг инсон учун хавфли микдори тўпланмайди.

Оғир метал бирикмалари ва мишъякнинг танлаб заҳарловчи асосий доиралари буйраклар, жигар ва ичакларнинг специфик эпителийси, эритроцитлар ва асаб ҳужайралари бўлиб, бу ерда ушбу моддаларнинг концентрацияси ошганлиги кузатилади, шу сабабли ҳам заҳарланишнинг клиник манзарасида кўпинча нефропатия, жигарнинг токсик дистрофияси, кучли ифодаланган неврологик симптоматика ва гемолиз етакчилик қиласи.

Қўрғошин. Ушбу элемент билан заҳарланиш одамларга ҳали антик даврдаёқ сатурнизм ёки плюмбизм сифатида маълум бўлиб, алоҳида касаллик белгилари эрамиздан олдинги 370 йилларда Гиппократ томонидан тасвирланган. Ҳозирги вақтда қўрғошин атроф-мухитнинг кучли ифлословчиси сифатида қизиқиши уйғотиб, унинг ҳар йили саноат ва транспорт томонидан чиқарилиши 400 000 тоннани ташкил этади, бу одамларнинг, айниқса, болаларнинг саломатлигига хавф солади.

Организмга қўрғошин тушишининг асосий йўли овқат хазм қилиш йўллари ҳисобланади. Қўрғошиннинг сўрилиши ўт кислоталари ёрдамида кучайтирилади ва тўлиқ ёки қисман оч қолишида кучаяди. Кальций, темир, магний, овқат толалари, бириктирувчи тўқимали оксилилар (коллагенлар) қўрғошиннинг сўрилишини камайтиради. Аксинча, ёғли овқат қўрғошиннинг инкорпорациян кучайишига ёрдам беради.

Қўрғошин организмдан нажас билан (90%), пешоб билан (калавали фильтрлаш ва каналли экскрецияси), шунингдек, тер ва қўкрак сути билан чиқиб кетади. Организмда ушбу элементнинг учта асосий метаболикдир. Қўрғошиннинг энг қиска ярим чиқарилиш даври қонда аниқланган. Юмшоқ тўқималар, шу жумладан, скелет мушакларида қўрғошиннинг ўртача ярим чиқарилиш даврига эга бўлиб, бу одатда бир неча ҳафтани ташкил этади, скелет эса – ярим чиқарилиш даврининг ойлар ва йилларга чўзилувчи энг узоқдир. Қонда мавжуд бўладиган қўрғошиннинг 90 % дан ортикроғи эритроцитлар билан боғлиқдир. Қон плазмасидаги қўрғошин кўпроқ трансферрин билан мажмуалашади (айниқса, темир танқислиги ҳолатларида). Қондаги қўрғошин миқдори унинг организмга туширадиган юкламасини акс эттиради. Қўрғошиннинг янги инсон қонидаги концентрацияси меъёрда 1,45 ... 1,93 мкмоль/л оралиғида бўлади. 2,9 ... 3,86 мкмоль/л концентрацияси ушбу элементнинг биокимёвий силжишларини пайдо қилишга қодир, аммо қўрғошиндан заҳарланишнинг клиник касаллик белгиларини намойиш этмайдиган юкламасини акс эттиради. Болалар учун ушбу чегара анчагина пастроқдир.

Қўрғошиндан заҳарланишда, биринчи навбатда, қон яралиши аъзолари (анемия – микроцитар, нормохром, морфологик жиҳатдан темир танқислиги анемиясидан фарқлаб бўлмайдиган), асаб тизими (энцефалопатия ва нейропатия) ва буйраклар (нефропатия) шикастланади. Қўрғошиннинг заҳарловчи таъсири механизми ҳам худди бошқа оғир металлардаги каби оксилиларнинг Ш-гурухининг функционал чекланиб қолишидан иборатdir. Қўрғошиннинг энг кучли таъсирига темир ва протопорфириинни боғловчи, протобилиноген шаклланиши ва гемситетаза жараёнларини катализловчи гидратаза дельта-аминолевулин кислотаси (Δ -АЛК) кўпроқ дучор бўлади.

Ушбу ферментлар фаоллигининг пасайиши – сатурнозмнинг энг дастлабки белгиларидан биридир.

Қўрғошин билан сурункали тарзда заҳарланиш (озик-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви билан бирга кам миқдорда тушганида) нисбатан секинроқ ривожланади. Унинг илк босқичларида фақатгина организмнинг мослаштирувчи ва токсик, инфекцион ва бошқа патологик агентларнинг таъсирига чидамлилик қобилияти пасайиши, шунингдек, ўзига хос ҳусусиятли биокимёвий силжишлар кузатилади: қондаги порфобилиногенсингтаза фаоллиги пасайганида бир вақтнинг ўзида қондаги қўрғошин концентрацияси ошади (бевосита боғлиқлик); пешобда ▲-АЛК ва копропорфириналар концентрацияси кўпаяди. Катта ёшли одамнинг пешобида қуидаги даражада ▲-АЛК бўлиши мумкин, мкмоль/л:

Организмнинг нормал ҳолати < 45

Юклама:

Компенсацияланган 45 ... 800

Компенсацияланмаган 91 ... 300

Заҳарланиш > 300

Кейинчалик умумий мадорсизлик, бош оғриғи, бош айланиши, оғиздаги нохуш таъм, оёқ-қўллар тремори, иштаҳа йўқолиши, тана массасининг камайиши, қабзият, абдоминал оғриқлар (эпигастрал соҳада), анемия белгилари пайдо бўлади. Миокарднинг диффузли дегенерацияси, болаларнинг руҳий ривожланиши бузилиши, сурункали нефропатия пайдо бўлиши мумкин. Қўрғошин билан заҳарланишнинг табақаловчи (дифференциалли) ташҳисланиши ошқозон-ичак касалликлари, буйрак хасталиклари, темир танқислиги ҳолатлари билан бирга олиб борилиши керак.

Қўрғошиннинг овқат рациони билан бирга тушишини максимал даражада камайтириш бўйича профилактика тадбирларини режалаштирганда маҳсулотларнинг у билан ифлосланишининг барча йўлларини: экологик шартланганларини ҳам, шунингдек, қалайлаб оқартирилган, сирланган сопол ва сирли идишлар, консерва идишлари, бўёвчи моддалар, қадоқлаш материаллари (поливинилхлорид)ни ҳам ҳисобга олиш керак. Кўплаб қўрғошин билан оғир заҳарланиш ҳолатлари суюқ ҳолатдаги нордон маҳсулотлар (қатик, уйда тайёрланган мусаллас, пиво, олма шарбати ва бошқалар) сопол идишда сақланганида кузатилгани аниqlangan. Ушбу маҳсулотлардаги қўрғошин концентрацияси 200 ... 1500 мг/л. ни ташкил этади. Анъанавий озик-овқат маҳсулотлари орасида қўрғошинни энг кўп тўплаб олувчилар, бу – балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари, айниқса, икки табақали моллюскалардир.

Саратонни ўрганиш ҳалқаро агентлиги (СЎҲА)нинг синфлаштириши бўйича, қўрғошин ва унинг ноорганик бирикмалари 2Б гуруҳи (инсон учун эҳтимолий канцерогенлар)га киритилган. Агар 0,3 мг/сут миқдорида тушса, унда инсон организмидаги қўрғошин миқдори тез кўпая бошлайди. Қўрғошиннинг йўл қўйилувчи тушиши катта ёшли одам учун – 3 мг/ҳафта, болалар (1 дан 5 ёшгача) учун – 0,1 мг/сут.дан камроқ бўлиши керак. Озик-

овқат маҳсулотларидағи құрғошин миқдорига асосан 0,1 ... 0,5 мг/кг даражасыда чеклов қўйилган.

Мишъяқ. Мишъяқ озиқ-овқат маҳсулотларининг энг кўпроқ заҳарли контаминаларидан биридир. Инсон учун энг кўп хавф солувчи – мишъяқнинг уч валентли бирикмаларидир. Биосферани ушбу элемент билан ифлослантирувчи қудратли манбалар электростанцияларнинг ташланмалари, металургия саноатининг ишлаб чиқариш оқавалари, таркибида мишъяқ бўлган пестицидлар ва агрокимёвий моддалардир. Чорвадорликда бўй стимуляторлари сифатида мишъякли дорилар қўлланилади.

Инсон организмидаги инкорпорациялаш оқибатида мишъяқ қонга тушади, кейин асосан жигарда, мушак тўқималарида, буйракларда, қораталоқ ва тери қопламаларида тўпланади. У плацента тўсиғи орқали ҳам ўтишга қодир. Организмда ноорганик мишъяқ моно- ва диметилланган бирикмаларга айланишга қодир бўлиб, улар организмдан асосан пешоб орқали чиқариб юборилади. Мишъяқнинг ярим чиқарилиш даври 10 соатдан бир неча кунгача чўзилади. Уч валентли мишъяқ кўпгина, шу жумладан, таркибида сульфидгидрилланган гурухлар мавжуд ферментларнинг фаоллигини босади.

Мишъяқ билан заҳарланишнинг клиник манзараси кўпгина шароитларга боғлиқ ва шу сабабли ҳам полиморфдир, шунингдек, заҳарланиш белгилари ривожланишининг мунтазамлиги усутнилик қиласади. Мишъяқнинг ноорганик бирикмалари органиклариға нисбатан кўпроқ заҳарлироқдир. Охиргилари организмда аҳамиятли ўзгаришларга дуч келмайди ва асосан ўзгармаган кўринишда пешоб билан бирга чиқиб кетади.

Заҳарланишнинг илк даврида кўпинча иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, диспептик ҳолатлар кузатилади. Кейинчалик буларга қўл ва оёқ кафтларидаги симметрик сўгалли кератоз, терининг депигментацияланиши аралаш меланоз, тирноқларнинг атрофияланиши ва мўрт бўлиб қолиши (тирноқлардаги “Мее чизиги” – кўндаланг оқ чизиқлар ташҳис аҳамиятига эга), соchlарнинг тўкилиши қўшилади. Неврологик симптомлар: ақлий-мнестик ва нутқ бузилишлари, депрессиялар, мушаклар атрофик ўзгарадиган парезлар билан туговчи полиневритлар (кўпинча симметрик, айниқса кичик болдир суяги ва билакдаги асад томирлари), шунингдек, ретробульбар неврит, таъм ва ҳид билиш қобилияти бузилиши катта амалий аҳамиятга эга. Кўпинча анамнез маълумотлари етарли бўлмаганда ушбу бузилишларнинг табиати ўз вақтида аниқланмайди. Мишъяқнинг пешбодаги концентрацияси – 2 ... 4 мг/л ва соchlарда – 4 мкг/г. дан кўпроқ бўлиши заҳарланишдан дарак беради.

Мишъяқнинг йўл қўйилувчи кундалик тушиш миқдори 3 мг атрофида бўлади. Бунда ушбу элементнинг ичимлик суви ва рацион билан бирга, шунингдек, дори-дармонлар билан бирга тушишининг йифинди миқдорини ҳисобга олиш керак. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги мишъяқ миқдори асосан 0,1 ... 0,3 мг/кг даражасыда белгиланган. Балиқ ва денгиз маҳсулотларида унинг миқдори 5 мг/кг. дан ошмаслиги керак. Ноорганик мишъяқ расмий равишда тасдиқланган канцерогендир ва СЎҲА синфлаштирилиши бўйича 1 гурух (инсон учун канцероген бўлган агентлар)га киради. Мишъяқнинг умр

бўйи алиментар йўл билан тана массасига 0,2 мг/кг концентрацияда тушиб туришининг таъсири оқибатида тери саратони ривожланиши хавфи 5 % га етиши ҳисоблаб топилган.

Кадмий. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида инсон ва ҳайвонлар организмида йифилувчи табиий радиоактив парчаланиш маҳсулотларидан бири, заҳарли элемент ва бир қатор кимёвий элементларнинг метаболити сифатида кадмийнинг аҳамияти ошди. 1960-чи йилларнинг охирларида атрофи-муҳитнинг ифлосланиши Япониядаги итаи-итаи эндемик касаллигининг сабабчиси эканлиги исботланди.

Атроф-муҳитнинг кадмий билан глобал ифлосланишида антропогенлик улуши табиий манбаларнидан уч баробар ошиб кетади. Атмосфера ва тупроққа кадмий нисбатан кўпроқ пўлат қуювчи заводларнинг фаолияти ва турли чиқиндиларнинг саноат, шунингдек, майший усулда ёқиб юборилиши орқали тушади.

Кадмийнинг суткалик алиментар тушиши, одатда, 10 ... 35 мкг. ни ташкил этади, илло ушбу элементнинг овқат билан тушиши 90 % дан ошмайди. Кадмийнинг суткалик йўл қўйилувчи дозаси – 70 мкг.дир. Экспертларнинг фикрича, организмга ушбу дозанинг кундалик тушиши буйракларда кадмий миқдори ножўя кўпайишига олиб келмайди. Кадмий ошқозон-ичак йўлларида етарлича яхши сўрилади. Сўрилишга истеъмол қилинаётган кадмийнинг кимёвий шакли, ёш ва кальций, темир, рух, оқсиллар танқислиги таъсир қиласи.

Кадмий кучли заҳарли моддалар сирасига киради. Инсон учун ўлимга олиб борувчи дозаси – тана массасининг 150 мг/кг. га tengdir. Кадмий алмашинуви қуйидаги ўзига хосликларга эга:

- 1) гомеостатик назоратнинг самарали механизми йўқлиги;
- 2) инсоннинг ўртача 25 ёшдалигидаги ўта узоқ даврга эга яrim чиқарилишнинг организмда узоқ ушланиб қолиши (соchlар кадмий организмда ушланиб қолишининг биологик индикатори сифатида хизмат қилиши мумкин);
- 3) нисбатан кўпроқ жигар ва буйракларда тўпланиши (металлотионеин таркибида 80 % гача);
- 4) сўрилиш жараёнида, шунингдек тўқималар даражасида бошқа икки валентли металлар (рух, кальций, темир, селен, кобальт) билан интенсив ўзаро таъсирга киришиши;
- 5) плацента тўсиғи орқали кира олиш қобилияти.

Кадмийнинг кучли ифодаланган тератогенлик таъсири (тератогенлик дозаси – тана массасининг 11,1 мкмоль/кг) туфайли ҳомилага эссенциал элементлар, хусусан, рухнинг тушиши бузилиши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, айниқса, муҳимдир. Сўнгги йилларда кадмийнинг канцерогенлик потенциали ва унинг иммунодепрессив таъсири масаласи муҳокама қилинмоқда.

Ўткир заҳарланиш кўнгил айниши, қайт қилиш, диарея, қорин санчиклари, оғир ҳолатларда – шок сифатида намоён бўлади. Кадмий билан сурункали заҳарланишда суюклардаги рентгенографик ўзгаришлар

(остеопороз), проксимали буйрак каналларининг шикастланишлари, системик гипертензиянинг авжланувчи ривожланиши, анемия белгилари кузатилади. Аниқ ажралиб турадиган белгилари: кадмийли ринит, кадмийли нефропатияга хос бўлган протеинурия билан, кадмийли остеомаляция (итаи-итаи касаллиги), нейротоксик синдром (бош оғриғи хуружлари, бош айланиши, тизза рефлексининг кучайиши, трепор, дермографизм, сенсор ва мотор хронаксияси бузилиши).

Озиқ-овқат маҳсулотларидағи кадмий мөндөри 0,5 ... 0,2 мг/кг мөндөрида чекланади.

Симоб. Симоб ва унинг бирикмалари, айниқса, органик бирикмалари инсон организмида тўпланиш хусусиятига эга бўлган ва биосферада узоқ вақт айланиб юрадиган ўта хавфли кучли токсик моддалар сирасига киради. Симобдан заҳарланиш антик даврлардан бошлаб то ҳозирги даврга қадар жиддий касбий касаллик ҳисобланади. Ҳозирги пайтда атроф-мухит инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти (ёнилғи ёкиш, электротехника ва целлюлоза саноати)га боғлиқ равишда глобал қўламда ифлосланиши оқибатида у бошқача, нисбатан хавфлироқ шаклга кирган. Симоб билан сурункали заҳарланишнинг антропоген юкламага боғлиқ энг аниқ ифодаланиши Минамата касаллиги (денгиз маҳсулотлари орқали алкильсимоб билан заҳарланиш)дир. Бу касаллик 1950-йилларда Японияда қайд қилинган бўлиб, бунда балиқдаги симоб мөндөри 10 мг/кг. га етган.

Симобнинг салмоқли қисми туб ётқизиқларга ўрнашади, бу ерда у ўнлаб ийларгача сақланиши мумкин. Бу ерда микроорганизмлар таъсири остида симоб бирикмалари аста-секин сувни иккиламчи ифлослантирувчи ва озуқа занжирларига осонгина қўшилиб оладиган яхши эрувчан органик бирикма (метилсимоб)ларга айланади. Гидробионтлар метилсимобни унинг сувдаги ва қуий бўғиндаги трофик занжирдаги мөндөридан салмоқли даражада ошиб кетадиган концентрацияларда тўплашга қодир бўлади (концентрациялаш коэффициенти 3000 гача етади).

Симобнинг йўл қўйилувчи суткалик мөндөри 0,05 мг.ни ташкил этади. Метилсимоб билан заҳарланиш белгилари унга ўта сезгир бўлган одамларда қондаги симоб концентрацияси 150 мкг/л бўлганида намоён бўлади. Симобнинг қондаги фонли мөндөри – 100 мкг/л. дан камроқ, соchlарда 10 ... 20 мкг/л бўлади. Симобнинг пешобдаги концентрацияси 0,05 ... 0,25 мкмоль/л.дан ошиброқ бўлиб, микромеркуриализмни ташҳислашда клиник аҳамиятга эга бўлади.

Симоб билан сурункали заҳарланиш (микромеркуриализм) марказий ва вегетатив асаб тизими, жигар ва ажратувчи аъзолар: буйрак, ичакларнинг шикастланиши билан ифодаланади. Бунда бош оғриғи, тез чарчаб қолиш, хотиранинг сусайиши, безовталик ҳисси, апатия, иштаха ёмонлашиши, тана массасининг пасайиши қайд этилади. Қонни текширишда лимфоцитоз, моноцитоз, эозинофилия, эритроцитоз ва ретикулоцитоз аниқланади. Кейинчалик заиф ифодаланган қўл бармоқларининг трепори ва лаборатория усуллари билан ташҳисланувчи жигар ва буйраклар бузилишлари пайдо бўлади. Нисбатан оғирроқ заҳарланишда оёқ-қўллардаги сезгириликнинг

пасайиши, лаблар атрофидаги парастезия, кўриш майдонининг торайиши, атаксик юриш, хиссиёт доирасининг бузилиши қузатилади. Симоб гонадо- ва эмбриотоксик, тератоген ва мутаген таъсиrlар ҳам кўрсатади.

Озиқ-овқат маҳсулотларида симоб асосан 0,03 мг/кг даражасида чекланади.

Бошқа озиқ-овқатлар қаторида меъёрланувчи оғир металлар асосий токсик элементлар сингари тиббий аҳамиятга эга эмас ва, одатда, сурункали овқат заҳарланишларининг сабабчиси бўлмайди. Худди бошқа оғир металлар билан бўлганидаги каби кўнгил айниши, қайт қилиш, абдоминал оғриқлар, оғиздаги нохуш таъм билан харәктерланувчи мис ва рух билан ўткир заҳарланишлар фақатгина мис ва рухланган идишлардан фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилганида ёки металларнинг консерва идишларидан маҳсулотга кўп миқдорда ўтиши учун шароит яратилганида (буниси нисбатан камроқ учрайди) ривожланиши мумкин.

Мис билан заҳарланишларнинг профилактикаси асосан рўзгорда оқланмаган (қалай билан) мис идишлардан фойдаланилмасликка асосланган. Ишлаб чиқаришда оқланмаган мис идишлардан фойдаланиш уни ишлатишда санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш: тайёр маҳсулотнинг идишда узоқ вақт сақланишига йўл қўймаслик, оксидланган қатламни идиш сатҳидан ҳар сменада йўқотиб туриш (ярақлагунча артиш) билан бирга кечиши керак. Миснинг бაъзи маҳсулотларда табиий равишда мавжуд бўлиши 120 мг/кг (помидор пастаси)дан то 10 ... 15 мг/кг. гача бўлган миқдорни (балиқ консервалари, карамеллар, жем, повидло, мармеладда) ташкил этади.

Рухланган идиш овқат сақланиши ёки тайёрланиши учун ишлатилмаслиги лозим. Озиқ-овқат обьектида рухланган идишда фақат қисқа муддатга сувни сақлашга руҳсат берилади.

Қалайнинг озиқ-овқат маҳсулотларидағни миқдори (тунука идишлардаги консервалар) 100 дан то 200 мг-кг.гача ташкил этади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари таркибидаги минерал қолдиқлари ва унинг ишқорийлиги, механик қўшимчаларни ва ош тузини аниқлаш услублари

Мева-сабзовот хом ашёлари ва қайта ишланган маҳсулотларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири улар таркибидаги минерал бирикмалардир. Текширилаётган моддани қиздириб кейин куйдирилган қолдиғи кул ҳисобланади. Мева-сабзовот маҳсулотларининг минерал таркибий қисмига металлар ва металлоидлар киради.

Металлар кўп миқдорда Ma, K, Ca, Mn, Fe ва озроқ миқдорда, металлоидлардан эса Cl, P, В ва бошқалар киради. Юқоридаги минерал моддалар одам организмида муҳим аҳамиятга эгадир. Анализ қилинаётган маҳсулотдаги минерал моддалар миқдори ва таркиби куйдириб кули олингандан кейинги таркибга мос келмайди чунки, маҳсулот куйдириш жараёнида хилма-хил ўзгаришларга учрайди. Мева-сабзовотларда табиий ҳолда бор бўлган минерал моддалардан ташқари уларни қайта ишлаш жараёнида айrim қўшимчалар (ош тузи, сода ва бошқалар) қўшилади яна шу

нарса эҳтимолдан ҳоли эмаски, маҳсулот қайта ишланаётганда металл бўлакчалари, қум, минерал қўшимчалар оғир металлар (мис, қалай, қўрошин) қўшилиб кетиши мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё ва маҳсулотга техник-кимёвий назорат асосида тавсифнома беришда фақат ундаги минерал таркибий қисм эмас, балки металл қўшимчалари, хлоридлар, оғир металлар, қум борлиги ҳам ҳисобга олинади.

Маҳсулотдаги минерал қолдиқнинг (кулнинг) умумий миқдорини аниқлаш усули

Маҳсулот кулини миқдорий аниқлаш учун намлиқни аниқлашда қолган қолдиқлардан фойдаланиш мумкин. Анализ қилиниши керак бўлган маҳсулотларнинг ўртача намунасидан тортиб олиниши мумкин. Биринчи ҳолда тоза тобланган ва аналитик тарозида тортилган фарфор тигелда 2-3 г майдаланган модда олинади. Иккинчи ҳолда тортиб 10 г гача кўпайтирилади, куйдиришдан олдин тигелда қуритилади. Тигелдаги қуруқ модда аста-секин қиздирилади, кейин тигелнинг қопқоғи ёпилиб, қип-қизил чўғ ҳолига келгунча қиздирилади. Сўнгра қопқоғи очиб қўйилади. Тоза-тоза оқимтири ёки сарғишроқ рангдаги кулнинг қўриниши маҳсулотнинг тўлиқ куйдирилганлигини кўрсатади. Эксикаторда тигел совигандан кейин олиб тортилади, кулнинг миқдори (A_k) фоиз ҳисобида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A_k = \frac{C - a}{c - a} \cdot 100; \%$$

Бунда a -тигел оғирлиги, г; c -тигелнинг тортими билан биргаликдаги оғирлиги, г; C -тигелнинг кул билан биргаликдаги оғирлиги, г.

Кул ниҳоятда гигроскопик, шунинг учун тигелни жуда тезлик билан тортиш керак. Юқоридаги формулада кулнинг фоиз миқдори қуруқ модда тортими ҳисобида қилинган бўлса, ҳўл маҳсулотлар тортимида кулнинг фоиз миқдорини ҳисоблашда 100-В ёзилади.

В- ҳўл моддадаги намлиқнинг миқдори.

Мева - сабзавотлар суви таркибидаги кулнинг фоиз миқдорини аниқлаш учун 10-12 г мева сувдан тортиб олинади. Мева суви фарфор косачасида буғлантирилиб, қолдиғи қуйдирилади, сув билан ҳўллаб қиргич билан қириб яна кулга айланунча тобланади. Агар маҳсулот кўп канд моддасини ўзида сақласа, қуйдириш жараёнида қийинчилик туғдиради, қўмирланишини тезлаштириш мақсадида тигелдаги тортиб, устида 5-10 томчи конц. сульфат кислота томизилади ва яхшилаб аралаштириб, бир жинсли масса ҳосил қилинади. Аввал қўмирланиш, кейин қуйдириш амалга оширилади. Кулнинг миқдори бу ҳолда қуйидаги формула билан аниқланади.

$$A_k = \frac{C - a}{c - a} \cdot 90; \%$$

a, c, C - лар юқоридаги (1) формулада ифодаланган.

Қанд моддасидан маҳсулотни бижғитиш йўли билан халос бўлиш

мумкин. Шарбатни анализ қилишда уни сув билан 12-15% гача суюлтирилади ва кичик микдордаги ачитқи билан бижғитилади. Бир неча қундан кейин бижғиши тамом бўлгач суюқлик буғлантирилади, кўмирлантирилади ва куйдириб кулга айлантирилади. Айрим ҳолларда кулга айлантириш оксидловчилар таъсирида бажарилади. Улар парчаланганда фақат газ ҳолдаги маҳсулотларни ҳосил қиласи. Кулнинг оғирлигини эса оширмайди. Шундай моддалар қаторига аммоний нитратни (NH_4NO_3) киритиш мумкин. Уни тартиб билан баравар нисбатда аралаштириб тигелга солинади ва куйдирилади. Аммоний нитрат парчаланганда $\text{NH}_4\text{NO}_3 - 2\text{H}_2\text{O} + \text{NO}_2$ маҳсулотнинг тез ёнишига ва куйдирилишига ёрдам беради. Аммоний нитрат ўрнига концентрланган азот кислотасини ҳам ишлатиш мумкин.

Кум, механик қўшимчалар ва металларни аниқлаш усули

Маҳсулотда кум борлигини органолептик кузатишлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Маҳсулот оғизда чайналганда характерли ғичирлаш сезилади. Атласимон маҳсулотда кум борлигини билиш учун бир икки томчи маҳсулот иккита предмет ойнаси орасига солиниб, улар бир-бирига нисбатан силжитилади. Ишқаланиш натижасида ғичирлаш эшитилади. Томат пюресида томатнинг уруғ ёки пўстининг қисмлари борлигини ҳам юқоридаги усулда аниқласа бўлади. Пюресимон маҳсулотлардаги қумни микдорини аниқлашда ювиш усули қўлланилади. Бунинг учун ҳажми 0,5л бўлган кимёвий стаканда 50-100 г пюресимон маҳсулот шиша таёқча билан яхшилаб аралаштирилади ва стакан юқорисигача сув билан тўлдирилади. Кейин аралаштириш тўхтатилиб қумнинг чўкишига вақт берилади. Кейин лойка суюқлик декантация йўли қумдан секинлик билан ажралади. Бу жараённи кайтариб қумни тўлиқ ажратиб олиш мумкин. Қаттиқ минерал модда фоиз микдори олинган тортимга нисбатан қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$A = \frac{\beta}{a} \cdot 100; \quad \%$$

a- текшириш учун олинган пюресимон маҳсулотнинг оғирлиги, *g*; *β* - олинган кум микдори, *g*.

Озиқ-овқат маҳсулотларида металл қўшимчаларининг жуда оз микдорда бўлишига стандарт асосида рухсат берилади. Металл қўшимчалар деганда ҳар хил металларнинг кичик заррачалари тушунилади. Металл қўшимчаларни аниқлаш учун 500 г оғирликдаги маҳсулот ойна устига ёки глянц қофоз устига 2-3 см қалинликда ёпилади ва шу вақт маҳсулотнинг устидан 3-5 марта намунани аралаштирган ҳолда кучли магнит ўтказилади. Магнитга тортилган металл заррачалари оқ глянц қофоз устида тўкилади. Электромагнит қулланилганда заррача магнитга уланган электр токи ўчирилганда осон олинади. Ҳамма йигилган металл қўшимчалари соат ойнасида аналитик торозида тортилади.

1 кг маҳсулот текширилаётганда металл қўшимчалар микдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$X = \frac{a \cdot 100}{\sigma}; \text{ г}$$

Бунда a - металл қўшимчалари оғирлиги, σ ; σ - текширилаётган намуна оғирлиги, σ .

Маҳсулотдаги ош тузи миқдорини аниқлаш усули

Натрий хлорид (ош тузи) овқатимизнинг асосий қисми ҳисобланади. Мева-сабзавотчилик саноатида туз сабзавотларга маза берувчи ва консерваловчи модда сифатида мева-сабзавот хом ашёларини қайта ишлашда, тузлашда ва ҳоказоларда ишлатилади.

Сабзавот маҳсулотларининг қатор стандартларида бошқа кимёвий қўрсаткичлар сингари маҳсулотлардаги ош тузининг миқдори фоизи ҳисобида аниқланади.


Натрий хлориднинг аниқланиши керак бўлган маҳсулот эритмасидаги ёки сувли эритмадаги миқдор кумуш нитратомер усули ёрдамида титрлашга асосланган. Анализ қилиниши керак бўлган маҳсулотнинг турига қараб, тузни аниқлашда ишлатиладиган эритмаси, ҳар хил тайёрланиши мумкин.

Мор усулида ош тузини аниқлаш

Пюресимон маҳсулотдан натрий хлоридни аниқлаш учун маҳсулот фарфор косачада яхшилаб аралаштирилади ва техник торозида тортилган 25 г намунаси олинади. Тортимга 25 мл дистилланган сув қўшилади. Шиша воронка орқали дистилланган сув билан ювиб, 250 мл ўлчов колбасига ўтказилади. Тортим сув билан биргаликда ўлчов колбасининг 2/3 қисмини эгаллаши керак. Колбадаги суюқлик сув ҳаммомида қайнагунча қиздирилади ва вақти-вақти билан чайқатиб турилади. Кейин хона ҳароратигача совутилади. Колбанинг ҳажми дистилланган сув билан белгисигача тўлдирилади, яхшилаб чайқатилади ва олинган эритма бурма фильтр орқали куруқ конуссимон колбага фильтрланади.

Натрий хлоридни аниқлаш учун пипетка билан тузли эритмадан 25 мл олиб 250 мл-ли колбага 0,1 н ишқор эритмасини солинади, белгисигача дистилланган сув солиб чайқатилади.

Титрлаш учун пипетка билан 25 мл тайёрланган эритмадан олиб колбага солинади, 2-3 томчи фенолфталеин қўшиб бюретка 0,4 н ишқор эритмасини олиб, оч қизил ранг пайдо бўлгунча нейтралланади. Кейин колбага 5-10 томчи 10% калий хромат эритмасидан томизилиб, тўхтовсиз чайқатилиб турган ҳолда 0,1 н кумуш нитратнинг эритмаси билан кумуш хлориднинг оқ чўймаси то қизғиш рангга ўтгунча титрланади.



Кумуш хромат қўнғир қизил рангли чўйманинг фоиз миқдори қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\frac{n \cdot k \cdot 0,00585 \cdot R}{a}$$

Бунда n – 0,1Н AgNO_3 нинг титрлаш учун сарфланган сони; k –

тўғриловчи коэффициент, 0,00585; Р - тортимнинг суюлтириш коэффициенти (25:250-0,1)-С1; а - титрлаш учун олинган суюқлик эритмасининг мл сони.

Назорат саволлари:

1. Консерва саноатида ош тузи нима мақсадда ишлатилади?
2. Ош тузини консерва саноатида ишлатишда қандай талаблар қўйилади?
3. Мор усулиниң моҳияти нимадан иборат?
4. Махсулотдаги минерал қолдиқ ёки кулнинг умумий миқдорини аниқлаш усулини тушунтиринг.
5. Қум, механик қўшимчалар ва металларни аниқлаш усулини тушунтиринг.
6. 1 кг махсулот текширилаётганда металл қўшимчалар миқдори қайси ифода ёрдамида аниқланади?
7. Қаттиқ минерал модда фоиз миқдори қайси ифода билан аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.
2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодовоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.

7-маъруза. Витаминлар ва уларни аниқлаш услублари Режа:

1. Витаминлар, улар вакилларининг тавсифи ва синфланиши.
2. С витаминини аниқлаш
3. B₁ (аневрин, тиамин) витаминини аниқлаш.
4. B₂(рибофлавин) витаминини аниқлаш.
5. Р гурӯҳи витаминлари (бифлавоноидлар)ни аниқлаш.

Таянч сўз ва иборалар: Экстракт, антоциан, витамин, дармондори, эритма, концентрация, фенол моддалар, бифлавоноидлар, назорат, фермент, кислота.

Витаминлар, улар вакилларининг тавсифи ва синфланиши.

Дармондорилар (витаминлар) жуда кўп сонли бўлиб, улардан асосийлари сувда эрувчи ва ёғларда эрувчи гурухларга бўлинади.

Сувда эрувчи дармондориларга С, В, PP, биотин ва пантотен кислоталари киради. Аскорбин (С) дармондориси жуда кўп ферментатив реакцияларда иштирок этади, улар марказий нерв фаолиятини эндокрин безларни шунингдек, қон айланиш ва темирни ўзлаштиришда иштирок этади. Инсон С дармондорисини танада синтез қилаолмайди, асосий қисмини мева

ва сабзавотлардан олади. Айниңса янги наматак мевасида, булғор қалампирини қизилида, қора смородинада, карамда, шпинатда, апельсинда, лимонда, мандаринда, картошкада, күк пиёз, күк нұхат, чаканда (облипеха) каби маҳсулотларда сероб бўлади. Бу дармондори янги маҳсулотда энг қўп, вақт ўтиши билан камаяди, 2-3 ойдан сўнг (сақланган маҳсулотда) унинг микдори 50 фоиз камаяди, парчаланиб кетади. Ундан ҳам кўпроқ маҳсулотни қовурганда ва пиширганда (30-90%) камаяди. Маҳсулот таркибидаги С дармондорисини қайноқ сувга солинганда кўпроқ ушлаб қолса бўлади.

(Масалан, картошкани пўстлоғи билан пиширилган). Катта ёшдаги кишиларга бир кунда 70 мг С дармондориси керак. У етишмаса ақлий ва физик қобилияти, юқумли касалликка чалиниш чидамлилиги камаяди, милк, жағ ва тишлар касалланади. Инсон танасидаги унинг захираси 2-6 етиши мумкин. Шуни ҳисобга олиш керакки, қиши ва баҳор ойлари учун сақлаш ва тузлаш лозим, сақлаб қўйилган картошка, олмаларда карамга қараганда камроқ бўлади.

Агар бошқа манбалар бўлмаса бу витамини таблетка хисобида суткасига 500 мг олиши мумкин. В₁ дармондориси - тиамин деб аталади, у карбонсувлар алмашинувида иштирок этади. Бу витамин нұхатда, ловияда, ёрмаларда, нонда кўпроқ учрайди, мева ва сабзавотларда нисбатан камроқ. Бир кунда танага 1,7 мг В₁ керак.

РР – ниацин витамини хужайрадаги нафас олиш ферментлари таркибига киради, у оқсил алмашинувида иштирок этади, мия ва ҳазм қилиш органлари фаолиятини тартибга солади, кунлик талаб 19 мг, бу гўштдан, нондан, ёрмадан ва бошқа маҳсулотлардан қондирилади. В2-рибофловин ферментлар таркибига киради, хужайра оксидаланиш реакциясида иштирок этади. Кунлик талаб 2 мг, унга бўлган талаб суст, нон, гўшт каби маҳсулотларда кўпроқ учрайди. Дуккаклик экинлар уруғида ҳам кўпроқ бўлади.

В₃ - фолацин витамини қон айланишда ва ҳазм қилиш органларида иштирок этади. Бу дармондори асосан нон таркибидагиси билан тўлиб туради. Кунлик тана талаби 200 мкг-кун, бўлиб, у кўпроқ петрушкада, шпинатда, помидорда, карам, күк нұхат ва сутда учрайди.

Уни етишмаслиги кўпроқ ҳомиладор аёлларда учраб туради. В₁₂-кобаламин дармондориси ферментлар таркибига киради, аминокислоталар алмашинувида, нуклеин кислоталар ҳаракатига, қон айланиш тизимида иштирок этади, у етишмаса анемия, нерв хасталиги, кучсизлик касали, бош айланиши, иштака йўқолиши кузатилади. Бу витамин гўштда бўлади, ўсимликлар хосил қилаолмайди, унда кобалт бўлса ҳам. Кунлик талаб 3 мкг, у жигарда етарли тўпланади.

В дармондориси гуруҳига пантотен кислотаси кириб, кунлик талаб 10 мг. Уни овқатлар билан бемалол талаби қондирилади. Биотин (Н) витамини етишмаса дерматитга учрайди, у чорвачилик маҳсулотларида кўп бўлади. В6-дармондориси етишмаса нерв фаолияти сустлашади, дерматит касали келиб чиқади. У ловия ва сояда, сабзавот ва меваларда учрайди.

Ёғда эрувчи дармондориларга А, Д, Е, Р ва бошқалар киради. А-ретинол дорисига кириб, унда В-каротин ҳам учрайди. У етишмаса кўз ожизлик касали

келиб чиқади. У күпроқ чорва маҳсулотларида бўлади. Кунлик талаб (ретинол ҳисобида) 1мг, у қизил сабзида, кўк пиёз, булгор қалампири, қизил қалампир, ўрик, ошқовоқ, помидорда кўплаб учрайди.

Д-дармондорисини кўриниши-Д2-эргоальциферол, Д3-холекальциферол бўлиб, улар фосфор-кальций алмашинувида иштирок этади. Бу витамин терида ультрафиолет (қуёш) нуридан ҳосил бўлади. Болаларни Д-га бўлган талаби 10мг, у етишмаса рахит касали келиб чиқади. У ўсимликларда ҳосил бўлмайди, ҳайвон маҳсулотларида учрайди.


Е-дармондориси-токоферол тўқималар нафас олишда қатнашади, оқсил ва ёғларни парчалашда иштирок этади, жинсий функциясини тартибга солади, кунлик талаб 10 мг. Бу витамин ўсимлик ёғида кўп бўлади (соя, пахта, кунгабоқар).

Юқоридагилардан ташқари яна бир неча витаминлар инсон танаси учун зарур, улар ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари билан қондирилиб туради.

С витаминини аниқлаш

Шарбатлар ва болалар таомлари учун мўлжалланган қора смородина пюреларидан ташқари консервалар таркибида витаминлар меъёрланмаган, аскорбин кислотанинг минимал миқдори эса стандарт томонидан аниқланган.


Эркин аскорбин кислота қайтарилиган – гидро ва оксидланган – дегидро шакллар кўринишида мавжуд. С витаминининг бу иккала шакли ҳам биологик фаол ҳисобланади. Инсон организмида дегидроаскорбин кислота муҳим биологик функцияларни бажаради:



Дегидроаскорбин кислота кейин оксидланишга учрайди ва тўлиқ биологик фаоллигини йўқотади.

Мева-сабзавотларни сақлашда ва қайта ишлашда гидроаскорбин кислотанинг оксидланиши кузатилади. Бу жараённинг катализатори ферментлар, оғир металл ионлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда оксидланишга кислород миқдори ва юқори ҳароратнинг ҳам таъсири мавжуд.

Аскорбин кислота миқдорини аниқлаш услубининг асосида уни қайтарилиш хоссалари ётади. Бунга 2,6-дихлорфенолиндофенолнинг натрийли тузларининг (Тильманс ранги) қайтарилиш реакцияси мисол бўлади.



Бу усул С витаминининг гидро шаклини аниқлаш имкониятини беради. Оксидланган шакли эса водород сульфид (H_2S) ёки бошқа қайтарувчилар (цистеин) ёрдамида қайтариш орқали аниқланади.

Маҳсулотдан С витаминини қучсиз кислота эритмалари (2%-ли HCl эритмаси, 5%-ли сирка кислота (CH_3COOH эритмаси) ёрдамида ажратиб олинади. Таҳлил қилишда С витаминини сақлаш имконияти кислоталарни қўллаш орқали вужудга келади ҳамда уни маҳсулотдан тўлиқ ажратишни таъминлайди.

Кенгайтирилган усул. Бу усул текширилаётган маҳсулот намунаси 2%-ли HCl эритмасида ва кейин эса 2,6- дихлорфенолиндофенол натрий эритмаси билан титрлаш натижасида С витаминни ажратишга асосланган. Бундай шароитда Тильманс ранги бир вақтда ацидометрик индикатор ($pH = 3$ бўлганда пушти ранг, $pH = 8$ бўлганда эса кўк ранг) вазифасини бажариши оқибатида бошқа индикатордан фойдаланиш шарт эмаслиги келиб чиқади. Таҳлил вақтида аскорбин кислота билан Тильманс рангининг таъсирлашуви натижасида оксидланиш-қайтарилиш реакцияси кетади. Бу эса рангининг лейко шаклини ҳосил бўлишига олиб келади. Лекин витаминнинг ҳамма гидро шакллари сарфлангандан сўнг, Тильманс ранги оксидланган, бўялган шаклда қолади ва $pH = 3$ муҳитда пушти рангга ўтади. Бу эса титрлаш тугаганлигидан далолат беради.

Юқоридаги усулни интенсив табиий рангга эга маҳсулотлар учун қўллаш ярамайди.

Таҳлилни амалга ошириш учун массаси 5-50 г бўлган ўртача намуна тарозида тортиб олинади, 5-10 г кварц қум солинган фарфор хавончага жойланади. Сўнгра 1 г намунага 3 cm^3 ҳажмда 2%-ли HCl эритмаси қўшилади. С витаминни аниқлашда оксидланишни камайтириш учун экстрактни тезжа тайёрлаш мухим.

Хавонча ичидағи 50-100 cm^3 ҳажмли ўлчов колбасига солинади, колбанинг белгиланган чизигигача HCl эритмаси қўйилади, аралаштирилади ва фильтрда фильтранади, 10 мин давомида экстракт қўйиб қўйилади. Суюқ маҳсулотларни текширишда намунани тортиб олиш ўрнига пипеткада аниқ ҳажмли намуна билан ҳам чегараланиш мумкин. Сўнгра 50 cm^3 ҳажмли колбага 1-10 cm^3 экстракт солинади, 15 cm^3 ҳажмда дистилланган сув қўшилади ва микробюретка ёрдамида Тильманс ранги билан кучсиз пушти ранг ҳосил бўлгунга қадар титрланади. Титрлаш давомийлиги 2 мин дан ошмаслиги керак. Керакли жкстракт ҳажмини олиш учун ҳисоб олиб борилганда, титрлашда Тильманс рангининг сарфланиши 2 cm^3 дан ошмаслиги керак.

Реактивларга тузатишни киритиш учун параллел равишида назорат тажрибаси олиб борилади. Бунинг учун конуссимон колбага 1 cm^3 ҳажмда HCl эритмаси, текширилаётган ҳажмга teng микдорда дистилланган сув қўйилади ва 2,6-дихлорфенолиндофенол билан томчилаб кучсиз пушти ранг ҳосил бўлгунга қадар титрланади. Сарфланган реактив микдори экстрактни титрлаш учун кетган ҳажмга қараб ҳисобланади. Тильманс ранги концентрацияси – 0,001 моль/дм³ –га teng.

Гидроаскорбин кислота $\text{H}_{\text{г.к.}}$ микдори қуйидаги формула орқали

ҳисобланади:

$$X_{\text{э.к.}} = \frac{100 \cdot V \cdot k \cdot C \cdot M \cdot V_1}{1000 \cdot (V_2 \cdot m)},$$

бу ерда, V – титрлаш учун сарфланган ранг миқдори, см^3 ; k – тузатиш коэффициенти; C – рангнинг моляр концентрацияси, моль/ дм^3 ; M – аскорбин кислотанинг молекуляр массаси, $M=88 \text{ г/моль}$; V_1 – экстракт ҳажми, см^3 ; V_2 – титрлаш учун олинган экстракт ҳажми, см^3 ; m – намуна массаси, г .

Аскорбин кислотанинг оксидланган шакли қайтарилишдан кейин аниқланади. Қайтарувчилар сифатида кўпинча X_2C ишлатилади. X_2C билан дегидроаскорбин кислотани қайтариш билан бирга оғир металларни ҳам чўқмага туширади. Бу оғир металлар текширилаётган консервалар таркибида ҳам бўлиши мумкин. Текширилаётган экстрактдаги X_2C -нинг ортиқча миқдорини йўқотиш учун Кипп аппаратида ёки сиқилган углерод икки оксида бор баллонда олинган CO_2 -дан фойдаланилади.

Олинган экстракт конуссимон колбага қўйилади ва ундан Кипп аппаратида X_2C 5 мин давомида ўтказиб олинади. Сўнгра колба тагига етувчи трубка олинадиган CO_2 манбаи билан бириктирилади. Кислотанинг тўлиқ йўқотилиши қоғоз бўйича назорат қилинади.

X_2C йўқотилгандан кейин экстракт фильтранади, конуссимон колбага фильтранган қисми ажратилади, 15 см^3 ҳажмдаги дистилланган сув билан суюлтирилади ва 2,6-дихлорфенолиндофенол эритмаси билан титрланади.

Дегидроаскорбин кислотанинг массавий улуши, қайтарилишдан кейинги ва олдинги миқдори ўртасидаги фарқи бўйича ҳисобланади.

Аскорбин кислотани И.К. Мурри услуби билан ҳам аниқланади. Бу усулнинг мазмуни қўйидагича изоҳланади: текширилаётган экстрактга 2,6-дихлорфенолиндофенол эритмасининг ортиқчаси қўшилади. Эритманинг бир қисми аскорбин кислота билан реакцияга киришади, бўялган реактивнинг қолган қисми сув билан аралашмайдиган органик эритувчиларда ажратилади ва калориметрик усулда аниқланади. Маҳсулотдан С витаминини тўлиқ экстракция қилиш учун 1%-ли щавель эритмаси ёки 2%-ли метафосфор кислотаси эритмаси ишлатилади. Экстракт кенгайтирилган усул каби тайёрлаб олинади.

Экстрактнинг маълум ҳажми ($10-20 \text{ см}^3$) ўлчов цилиндрига олинади, унга аниқ ўлчаб олинган 2,6-дихлорфенолиндофенол эритмасидан қўйилади ва аралаштирилади. 2 мин ўтгандан кейин 10 см^3 ҳажмда толуол ва изобутанол (1:1) аралашмаси солинади, цилиндр ёпилади, аралаштирилади ва қатламларга ажралишга имкон берилади. Сўнгра бўялган органик эритувчи мавжуд қисми олинади ва эритманинг ёруғликни ютиш коэффициентини ўлчаб, калориметрланади.

Параллел равиша Тильманс ранги сақланган назорат эритмаси тайёрланади.

Аскорбин кислотанинг массавий улуши $X_{\text{а.к.}}$ қўйидаги формула орқали топилади:

$$X_{a.k.} = \frac{100 \cdot (D - D_1) \cdot V_1}{V_2 \cdot m},$$

бунда, D , D_1 – назорат ва ишчи эритмаларнинг оптик зичлиги.

Маҳсулотлардаги аскорбин кислотани аниқлаш учун потенциометрик усул қўлланилади. Бу усул текширилаётган маҳсулот намунасидан метафосфор кислота эритмаси ва аскорбин кислотани потенциометрик, бошқа редуцирловчи моддаларни Тильманс ранги билан титрлаш билан С витаминни ажратиб олишга асосланган. Параллел равишда формальдегид иштироқида редуцирловчи моддаларни $pH=3$ –га тенг микдори танланади.

Экстракция жараёни метафосфор кислотанинг 6%-ли ва 3%-ли эритмалари кетма-кетлигига амалга оширилади. Авваломбор, намуна 6%-ли сўнгра, 3%-ли эритмалар билан ишлов берилади ва экстрактнинг ҳажми 100 см³-га етказилади. Кейин потенциометрик титрлаш усулини қўллаб, редуктонлар ва аскорбин кислота йиғиндиси аниқланади.

Титрлаш учун экстракт аскорбин кислотанинг тахминан 0,1-0,25 мг микдоридан келиб чиқсан ҳолда олинади. Бунда 2,6-дихлорфенолиндофенол натрий эритмасининг сарфи 2 см³ –дан ошмаслиги керак.

Стакандаги экстракт ҳажмини 3%-ли метафосфор кислотаси эритмаси билан 25-30 см³-га етказилади, унга ўлчовчи ва ёрдамчи электродлар ҳамда аралаштиргич (мешалка) стержени туширилади ва микробюреткада 2,6-дихлорфенолиндофенол эритмаси билан титрланади. Ранг эритмаси астасекин 0,1-0,2 см³ ҳажмда қўшиб турилади. Ҳар бир қўшишдан кейин 10-30с давомида аралаштириб турилади ва pH -метр кўрсатиши ёзиб борилади. Эквивалент нуқтаси асбоб кўрсатишидаги «сакраш» бўйича ҳамда милливольтметр икки қўшни кўрсаткичи ўртасидаги максимал фарқига қараб белгиланади. Эквивалент нуқтани аниқ белгилашда тажриба такрорланади.

Агар текширилаётган консерваларда С витаминининг микдори 100 г маҳсулотда 2 мг -дан кам бўлса, унда экстрактни титрлашда ранг 0,05 см³ ҳажм бўйича алоҳида-алоҳида (порция) қилиб қўшилади.

Параллел равишда назорат тажрибаси ҳам ўтказилади.


Бундан ташқари арбитраж усули ҳам қўлланилади.

Б₁(аневрин, тиамин) витаминини аниқлаш

Сувда эрувчан В₁ витамини инсон овқатланишида катта рол ўйнайди.

Тиамин яшил ўсимликларда, картошкада, сабзида, пиво ачитқиларида, жигарда, буйракда ва ҳоказоларда учрайди.

В₁ витамини ишқорли ва нейтрал эритмаларда қиздиришга сезгир; нордон эритмаларда барқарорлиги консервалашда ҳисобга олиниши керак. Тиамин оксидланишга жуда сезгир. Бунда у тиохромга айланади:



H HX₂ C

H H C

Услубнинг мазмуни витамин боғланган (кофермент) шаклининг кислотали ва ферментатив гидролизи колонкада катионит билан гидролизатни тозалаш, тиаминнинг оксидланишидан тиохромга айланиши ва флуоресценция интенсивлиги $\lambda = 320\div390$ нм –да нурнинг таъсирилашувига ва $\lambda = 400\div580$ нм – да эса нурлантиришга асосланган. В₁ витамиининг массавий улушкини топиш чегараси $0,008 \cdot 10^{-3}\%$.

Кислотали гидролизни олиб бориш учун 50 г В₁ витамини қўшилмаган консерваланган маҳсулотдан 20 г витаминга бойитилган маҳсулотдан тортиб олинади. Уларни 250 см³ сифимли ўлчов колбасига солинади. Унга 150 см³ ҳажмда НСл (0,1 моль/дм³) қўшилади сўнгра, қайнаётган сув ҳаммолида 40 минут давомида қиздирилади. Бунда В₁ витамиининг боғланган шаклининг кислотали гидролизи содир бўлади. Аммо у тиаминнинг боғланган шаклини тўлик парчаланишини таъминлай олмайди. Шунинг учун қўшимча ҳолда ферментатив гидролизи ўтказилади. Шу мақсадда ферментларнинг турли хил комплекслари ёки тайёр ферментли препаратлар ишлатилади.

Фермент препаратини ва унинг таъсири учун оптималь шароитларни танлаш текширилаётган маҳсулот турига боғлиқ. Маҳсулотдаги крахмал микдорига қараб, Амилоризин П10х ва пектин кўп сақловчи маҳсулотлар учун Амилоризин билан биргаликда пектин парчаловчи ферментли препаратлар ҳам ишлатилади. Гидролиз учун pH-нинг оптималь қиймати 4,2-4,5 га teng. Бу қийматларга эришиш учун CH₃COONa –нинг тўйинган эритмаси ишлатилади. Ферментли гидролиз ўтказишда 250 см³ сифимли ўлчов колбасига 0,1 г Амилоризин ёки 0,1 г пектолитик ферментли препарат ва Амилоризин солинади ва термостатта қўйилади. Термостатдаги ҳарорат 37⁰C-да ўлчаб турилиши керак. Экспозиция давомийлиги 12-14 соат. Сўнгра гидролизат хона ҳароратигача совутилади ва ўлчов чегарасигача дистилланган сув қўшилади, аралаштирилади ва фильтранади. Гўштли сабзавот консерваларида ферментатив ишлов бериш бирмунча бошқачароқ амалга оширилади. Оқсилларнинг парчаланиши учун 0,1 г пепсин протеолитик препарати ишлатилади. Кислотали гидролиздан сўнгги қолган намуна билан биргаликда пепсин колбага солинади ва 4 соат давомида 37⁰C ҳароратда ушлаб турилади. Оқсилининг гидролизидан кейин pH 4,2-4,5 гача етказилади. 0,1 г Амилоризин қўшилади ва 37⁰C ҳароратда 12-16 соат давомида гидролиз олиб борилади.

Сўнгра гидролизат колонкада КРС -1п, КРС – 3п Т40 ёки КРС – 8п (фракция 0,5-1 мм) катионити билан тозаланади.

Анализдан олдин катионит водород шаклга ўтказилади. Бунинг учун колонка орқали катионит билан 20 см³ ҳажмдаги 60-70⁰C ҳароратгача қиздирилган 3%-ли сирка кислота ўтказиб олинади. Сўнгра битта колонкага 20 см³ гидролизат, иккинчисига эса 20 см³ тиаминнинг (0,0001 г/дм³) стандарт эритмаси солинади. Колонка орқали ўтказиш тезлиги 15 томчи/мин –дан кам эмас. Эритма ўтказилгандан кейин колонкадаги катионит 3 марта дистилланган сув (10 см³) билан ювилади. Сўнгра XСл (0,1 моль/дм³) эритмасига 20 см³ ҳажмдаги 60-70⁰C –гача қиздирилган 25%-ли KOH эритмаси

қўшилади. Градирланган пробиркага 20 см³ ҳажмдаги элюат йифилади ва тиаминни оксидланишидан тиохромга айланиши амалга оширилади. Оксидлантирувчи аралашма 1%-ли K₃[Fe(CH)₆] ва 30%-ли NaOH эритмаси билан (1:5 нисбатда) бирикишидан олинади.

Тиаминнинг оксидланиши қўйидагича: иккита ажратувчи воронкага катионитли колонка орқали ўтказилган иккита 5 см³ ҳажмли элюат ва тиаминнинг стандарт эритмаси катионити орқали ўтказилган ва бошқа иккита 5 см³ ҳажмда элюат солинади.

Сўнгра иккита воронкадаги элюатли намуна ва стандарт эритма ҳар бирига 1,2 см³ ҳажмда оксидлантирувчи аралашма, бошқа иккитанинг ҳар бирига 1,2 см³ ҳажмда NaOH эритмаси қўшилади. Воронкадаги қолган намуна аралаштирилади, ҳар бирига 10 см³ ҳажмда изобутил спирти қўйилади ва 1 мин давомида чайқатилиб турилади. Сўнгра қатламларга ажралишини тезлатиш учун ҳар бир воронкага 0,5 см³ ҳажмда этанол қўйилади. Пастки (сувли) қатлам ажратувчи воронкадан йўқотилади, юқориги (спиртли) қатлам эса флуорометр кюветасига қўйилади. Авваломбор, стандарт эритмалар (оксидланган ва оксидланмаган шакллари), сўнгра текширилаётган намуналар текширилади. Тиаминнинг массавий улуши X_m (%-да) қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$X_m = \frac{100 \cdot (C - C_1) \cdot m_m \cdot k \cdot V_1}{(D - D_1) \cdot V_m},$$


бунда, C, C₁ – текширилаётган эритманинг оксидланган ва оксидланмаган шаклларининг флуоресценция интенсивлиги; m_m – оксидлаш учун олинган 5 см³ ҳажмли стандарт эритмадаги тиамин массаси, г; k – тиамин бромидни тиамин хлоридга ҳисоблаш коэффициенти, k = 1,7; V₁ – гидролизатнинг умумий ҳажми, см³; D, D₁ – текширилаётган эритманинг оксидланган ва оксидланмаган шаклларининг флуоресценция интенсивлиги; В – оксидлаш учун олинган гидролизат ҳажми, см³; m – тортим массаси, г.

Реактивларни тайёрлаш. Тиаминнинг стандарт эритмаси –тиамин қуритиш шкафида 100⁰C ҳароратда 2 соат давомида қуритилади. 0,1 г/дм³ массавий улушга эга эритма тайёрлаш учун 1 дм³ сифимли ўлчов колбасида 100 мг тиаминни эритиб, унга 10 томчи концентранган ХСл қўшилади. Бундай эритмани совутгичда сақлаш зарур. Сақлаш муддати 1 ой. Концентрацияси 0,001 ва 0,0001 г/дм³ га teng эритмалар анализ қилинадиган кунда тайёрланади. Биринчи ишчи эритмани тайёрлаш учун ўша эритманинг ўзи 100 марта эритилади, иккинчи эритма учун мос равишда 10 марта.

B₂(рибофлавин) витаминини аниқлаш

Рибофлавин 5-атомли спирт рибит билан бириккан метиллашган изоаллоксазин кўринишига эга. Қайтарилишда рибофлавиннинг сарик шакли рангиз лейко шаклга ўтади.





B_2 витамиини ачитқиларда, замбуруғларда, картошкада, бұғдойда ва бошқа ўсимлиқ маҳсулотларида күп миқдорда учрайди. Рибофлавин нордон (кислотали) мұхитда барқарор, лекин ишқорий мұхитда ажралади (парчаланади); иссиқликка чидамли, нурга сезгир. B_2 витаминини миқдорий усулда аниқлаш стандартлаштирилган. Усул күчсиз бўялган сабзавот, мева ва резаворли консерваланган маҳсулотларни анализ қилиш учун мўлжалланган. B_2 витаминининг массавий улушкини топиш чегараси - $0,005 \cdot 10^{-3}\%$ -га teng.

Анализ техникасининг бошланғич қисми B_1 витаминини аниқлаш каби олиб борилади. Лекин тайёр ферментли препаратларда B_2 витамини мавжуд бўлиши мумкин. Шунинг учун миқдорни ҳисобга олувчи тузатмани аниқлаш керак. Шу мақсадда назорат тажрибаси ўтказилади: 250 cm^3 сифимга эга ўлчов колбасига $150 \text{ cm}^3 \text{ XCl}$ ($0,1 \text{ моль}/\text{dm}^3$) эритмаси солинади, сўнгра $\text{CH}_3\text{COO}^- \text{Na}^+$ -нинг тўйинган эритмаси ёрдамида pH-нинг қиймати $4,2-4,5$ -га етказилади. Ишлатилган тажрибадаги teng миқдордаги фермент препарати қўйилади ва термостатда 37°C ҳароратда 12-16 соат давомида ушлаб турилади. Пепсин ва Амилоризинни ишлатишда HCl бор колбага, ўша бериш кетма-кетлигига риоя қилинади. Назорат тажрибаси ҳар бир олинган партиядаги фермент препаратлари учун бир марта олиб борилади. Кўрсатилган муддат тугаганидан кейин гидролизат совутилади, 250 cm^3 ҳажмгача дистилланган сувда эритилади ва фильтранади. Ҳар бири 50 cm^3 сифимга teng иккита конуссимон колбанинг ҳар бирига 10 cm^3 ҳажмдаги гидролизат намунаси, учинчи колбага 10 cm^3 ҳажмли назорат тажрибасидаги гидролизат солинади. Текширилаётган гидролизат бор бўлган битта колбага 1 cm^3 ҳажмда рибофлавиннинг ($0,001 \text{ г}/\text{dm}^3$) стандарт эритмаси, қолган иккитанинг ҳар бирига 1 cm^3 ҳажмдаги дистилланган сув қўйилади. Ҳамма колбанинг ҳар бирига 1 cm^3 ҳажмда $3\%-ли$ KMnO_4 эритмаси қўшилади. Колбадаги аралаштириллади ва 2 мин ушлаб турилади, сўнгра $0,5 \text{ cm}^3$ ҳажмда $3\%-ли$ H_2O_2 эритмаси қўйилади ва яна аралаштириллади. H_2O_2 миқдорига қараб ортиқча KMnO_4 –дан халос бўлиш имкониятини беради.



5 мин –дан кейин авваломбор, рибофлавин қўшилган эритманинг флуоресценция интенсивлиги, сўнгра рибофлавин қўшилмаган эритма ва назорат тажрибаси ўлчанади.

Аввал NaCH_3COO эритмаси бўлган ва бўлмаган эритмалар флуоресценция

интенсивлиги ўлчанади. НАХСО₃ эритмаси 0,02 – 0,05 г порция ҳолида солинади, тезда аралаштирилади ва ўлчаш амалга оширилади. Бу операция рибофлавинни қайтарилиши билан флуоресценция интенсивлигини кичик қийматигача такрорланади. В₂ витаминининг массавий улуши X_{B2} (%-да) куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X_{B2} = \frac{100 \cdot [(A_a - A'_a) - (A_k - A'_k)] \cdot m_p \cdot V}{[(D - D_1) - (A_a - A'_a) \cdot V_1 \cdot m]},$$

бу ерда, A_a, A'_a - НАХСО₃ қўшишдан олдинги ва кейинги мос равишдаги текширилаётган намуна эритмасининг флуоресценция интенсивлиги;

M_p – стандарт эритмадаги рибофлавин массаси, г; V – гидролизатнинг умумий ҳажми, см³; D, D₁ - НАХСО₃ қўшишдан олдинги ва кейинги мос равишдаги рибофлавин қўшилган, текширилаётган намуна эритмасининг флуоресценция интенсивлиги; V₁ – оксидлаш учун олинган гидролизат ҳажми, см³; m – тортим массаси, г.

Реактивларни тайёрлаш.

Стандарт эритма концентранган Х₂CO₄ устида вакуум эксикаторда куритилган рибофлавиндан тайёрланади. 0,001 г –гача аниқликда тортилган 0,02 г массали тортим 1 дм³ сифимли ўлчов колбасига солинади, 750 см³ ҳажмда дистилланган сув, 1 см³ ҳажмда музлатилган сирка кислотаси қуйилади ва тортим тўлиқ эриши учун енгил қиздирилади. Сўнгра эритма хона ҳароратигача совутилади, ўлчов чегарасигача дистилланган сув қўшилади ва яна аралаштирилади. Олинган эритма концентрацияси 0,02 мг/см³. Бу эритманинг совутгичдаги сақланиш муддати 1 ой.

Концентрацияси 0,001 мг/см³ –га тенг рибофлавиннинг ишчи эритмаси анализ қилиш кунида тайёрланади. Бунинг учун пипетка ёрдамида 5 см³ ҳажмда тайёр рибофлавин эритмаси олинади, 100 см³ сифимли ўлчов колбасига солинади ва ўлчов чегарасигача дистилланган сув қўшилади, кейин тўхтатмасдан аралаштирилади.

Р ғуруҳи витаминларини (биофлавоноидлар) аниқлаш

Р витамини активлигига эга моддалар фенол бирикмалари ғурухига тааллуклидир. Бу ғуруҳ ўз ичига турли хил моддаларни олади. Фенол ғурухларининг сонига, ўзаро жойлашишига, ароматик ҳалқанинг оксидланиш даражасига ва бошқа ён занжирларидаги ғурухлар боғлиқ ҳолда фенол моддаларининг хоссалари кучли фарқланади.

Ўсимликларда полифеноллар катта миқдорда ва битта мевада тенг тақсимланмаган ҳолда учрайди. Полифенол моддаларнинг асосий физиологик хусусияти, уларнинг капиллярларни мустаҳкамловчи хоссаси ҳисобланади.

Инсоннинг овқатланиш рационида биофлавоноидларни асосий ташувчилари мевалар ва резаворлар ҳисобланади. Консервалашда оксидланиш ёки полимерланиш ҳисобига фенол моддаларнинг йўқотилиши содир бўлади. Консерваларни тайёрлашда қисман тиндириш, фильтраш, пўстлоғи ва этидан ажратиш билан фенол моддаларини йўқотишни келтириб чиқаради.

Фенол моддалари сезиларли даражада маҳсулот ранги, унга қизил бўялган

ёки қўнғир жигарранг бериб, фенол моддаларининг оксидланиши, биринчи навбатда катехинларни, металл ионлари тутган хинон ва хелатларни ҳосил қилиш билан аниқлади.

Полимер фенол моддалари Р витамини биологик хоссаларини йўқотган. Уларга маҳсулотга ўзига хос таъм (терпкий) беради ва кўпинча уларни ошловчи моддалар ҳам деб аталади.

Полифенол моддаларининг миқдорий тавсифи учун қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади: полифенолларнинг умумий миқдори ва алоҳида гурухлар – катехинлар, антоцианлар, лейкоантоцианлар ва флавонлар миқдори. Полифенол моддаларини аниқлашда ҳажмий ва фотометрик услублар қўлланилади. Бу услублар уларнинг бўялиш ёки реагент билан таъсирлашуvida маҳсулотларнинг бўялиш интенсивлигини ўлчашга асосланган.

Биофлавоноидларнинг баъзи вакиллари хромотографик усулда ҳам аниқланиши мумкин.

Миқдорий аниқлаш экстракция, экстрактга ишлов бериш ва аниқланаётган моддаларининг миқдорини ўлчашни ўз ичига олади. Полифенол моддаларнинг турли гурухларини ажратиш учун ҳар хил эритувчилардан фойдаланилади: сув, спирт (этил, метил), эфирлар (диэтил, этилацетат), ацетон. Ҳар бир эритувчи полифенол моддаларининг маълум гурухларини ажратади. Ҳамма текширилаётган бирикмаларни ажратиш учун уларнинг аралашмалари ишлатилади. Кўпинча бу 50%-ли этанолнинг сувли эритмасидир.

Экстрактни тайёрлаш учун массаси 10-50 г бўлган тортим олиниб, 50-100 см³ сифимили ўлчов колбасига солинади ва 60⁰С ҳароратда қиздирилган 50%-ли этанол қўйилади. Агар хом ашё текширилаётган бўлса ёки экстрактни узок сақлаш тахмин қилинса, унда колба ичидаги билан бирга ферментларнинг тўлиқ инактивацияга учраши учун 70⁰С ҳароратда сув ҳаммомида совутгич билан 30 мин давомида ушлаб турилади. Колбадаги экстракт колбанинг ўлчов чегарасигача 50%-ли этанол билан тўлдириллади, аралаштириллади ва фильтранади. Экстрактга 2-3 соат давомида туриш имконияти берилиши тавсия этилади.

Спектрофотометрик услуг фенол моддаларининг йифиндисини аниқлаш спектрнинг ультрабинафша қисмида ($\lambda=280$ нм) нурни ютишни ўлчашга асосланган. Спектрнинг бу соҳасида сувда суюлтирилган шарбатлар учун оптик зичлиги фенол моддаларининг массавий улушига пропорционал.

Оптик зичлик спектрофотометрда ўлчанади. Ҳисоблаш танин эритмалари ёки бошқа фенол моддалари, чой ўсимлигидаги катехинлар комплекси бўйича тузилган саралаш (калиброка) графиги орқали олиб борилади. Фенол моддаларини эритиши учун саралаш графигини тузишда этил спирти ишлатилади. Намунани фотометрлашда уни дистилланган сувга, саралаш графигини тузишда эса этил спиртига қарши анализ қилинади.

Шу билан биргаликда колориметрик услубдан ҳам кенг фойдаланилади.

Бу услуг Фолин-Денис (Хиллис ва Свайн бўйича) реактиви билан фенол моддаларининг комплекси яшил рангга бўялишига асосланган. Ҳосил бўлган

рангли бирикманинг максимум нурни ютиши $\lambda=725\div730$ нм.

Фенол моддаларининг массавий улушкини аниқлаш учун 10 см^3 ҳажмли градуирланган пробиркага 1 см^3 ҳажмда текширилаётган эритма, 6 см^3 ҳажмда дистилланган сув ва $0,5 \text{ см}^3$ ҳажмда Фолин-Денис реактиви солинади. Аралаштирилади ва аниқ 3 мин-дан кейин 1 см^3 ҳажмда Na_2CO_3 –нинг тўйинган эритмаси қўшилади, шундан кейин ҳажми дистилланган сув билан 10 см^3 –гача етказилади. Бўялиш 1 соат давомида ривожланади. Чўкма ҳосил бўлиши билан эритма центрифугаланади ёки фильтрланади.

Хисоб саралаш графиги бўйича олиб борилади.

Реактивларни тайёрлаш. Фолин-Денис реактиви – 10 г вольфрам кислота тузлари $\text{Na}_2\text{WO}_4\cdot2\text{X}_2\text{O}$, 2 г фосфорли-молибден кислотаси X_7 [$\text{P}(\text{Mo}_2\text{O}_7)_6$], 5 г 85%-ли X_3PO_4 эритмаси ва 75 см^3 дистилланган сув билан аралаштирилади ва 2 соат давомида қайнатилади. Сўнгра аралашма фильтрланади ва сув билан 100 см^3 ҳажмгacha етказилади.

Левенталнинг ҳажмий услуби. Бу услуб индигокармин индикатори иштирокида KMnO_4 эритмаси билан титрлаш орқали текширилаётган маҳсулотдаги ҳамма фенол моддаларининг оксидланишига асосланган.

Титрлаш эритмада тилла-сариқ бўялиш ҳосил бўлгунча давом эттирилади.

Анализ қилиш учун спиртли экстракт ҳамда тайёрланган сувли дамламадан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун $1\text{-}3 \text{ г}$ массали намуна (куруқ материал) 100 см^3 ҳажмли колбага солинади ва унга 40 см^3 ҳажмда дистилланган сув қўйилади, 15 мин давомида қайнаётган сув ҳаммомида қиздирилади. Сўнгра экстракт совутилади, ҳажми $50\text{-}100 \text{ см}^3$ -гача дистилланган сув билан етказилади ва фильтрланади. Аликвот қисми $800\text{-}1000 \text{ см}^3$ сифимли колбага солинади, 700 см^3 дистилланган сув ва 25 см^3 индигокармин эритмаси қўшилади.

Хисоблашнинг мураккаблиги шундаки, турли хил фенол бирикмаларни оксидлантиришда ҳар хил миқдордаги KMnO_4 талаб этилади ва улар учун титрлаш ҳар хил: галлокатехин учун – $4,16 \text{ мг}$, эпикатехин учун – $5,50 \text{ мг}$, эпикатехин-галлата – $3,5 \text{ мг}$, рутин учун – $9,8 \text{ мг}$, кварцетин учун – $31,8 \text{ мг}$.

Индигокармин эритмаси – 50 см^3 ҳажмда концентрланган X_2CO_4 -да эритилган 1 г индигокармин ва дистилланган сув билан ҳажми 1 дм^3 –гача етказилган эритма қўринишга эга.

Антоцианларнинг XCl -да нордонлаштирилган, сув-спиртли дамаламасининг оптик зичлигини ўлчашиб билан аниқланади. Бунинг учун 5 см^3 ҳажмдаги экстракт пробиркага солинади, $2,5 \text{ см}^3$ ҳажмда 96%-ли этанол ва $0,2 \text{ см}^3$ ҳажмда XCl (1:1 нисбатда) қўшилади. Фотоэлектролориметрда $\lambda=460\div500 \text{ нм}$ спектрда нурни ютиши аниқланилади. Назорат сифатида 70%-ли этанол хизмат қиласи.

Антоцианларнинг массавий улушки антоцианидин бўйича тузилган саралаш графиги орқали топилади.

Антоцианларнинг массавий концентрацияси қўйидаги формула орқали хисобланади:

$$C_a = \frac{7,5 \cdot 100 \cdot V \cdot X_a}{5 \cdot m},$$

бу ерда, X_a – антоцианлар миқдори, $мг/см^3$; V – экстрактнинг умумий ҳажми, $см^3$; 7,5 – колориметрлаш учун йўналтирилган эритма ҳажми, $см^3$; m – тортим массаси, $г$; 5 – анализ учун олинган экстракт ҳажми, $см^3$.

Назорат саволлари:

1. С витамини қандай аниқланади?
2. B_1 витаминини аниқлаш усулларини айтинг, битта усулини изоҳлаб беринг.
3. B_2 витаминини аниқлаш усулларини айтинг, битта усулини изоҳлаб беринг.
4. Р гуруҳи витаминларини аниқлаш усулларини айтинг, битта усулини изоҳлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодовоощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
2. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
3. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.
4. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

8-маъруза. Маҳсулотлар таркибидаги қуруқ моддаларни аниқлаш услублари

Режа:


2. Қуруқ моддаларни аниқлашнинг салмоқли усули
3. Қуруқ моддаларни аниқлашнинг тезлаштирилган усули
4. Эрийдиган қуруқ моддалар оғирлик қисмини рефрактометр ёрдамида аниқлаш.
5. Қуруқ моддаларни зичлиги асосида аниқлаш

Таянч сўз ва иборалар: Пикнометр, рефрактометр, ареометр, оғирлик қисми, суюқлик, шкала, миқдор, цилиндр, сув, зичлик, қуруқ модда, инфрақизил нур, маҳсулот, хом ашё, сифат, консерва, стандарт усул.

Барча озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг хом ашёлар таркиби сув ва қуруқ моддалардан ташкил топган. Маҳсулот қуруқ моддалари таркибига углеводлар, клечатка, оқсиllар, органик кислоталар, минерал моддалар киради. Қуруқ моддалар миқдори маҳсулот сифатининг универсал кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади, шунинг учун барча хомашё ва тайёр консерва маҳсулотларидаги қуруқ моддалар миқдори ГОСТ ва техник шартлар (ТУ) билан белгиланади. Маҳсулотлардаги қуруқ моддалар миқдори физик-кимёвий, кимёвий ва физик усуллар билан аниқланиши мумкин. Кўп ҳолларда қуруқ моддалар миқдорини аниқлашнинг энг кўп тарқалган усуллари маҳсулотларни доимий оғирликкача қуритиш ва маҳсулотдан сувни ҳайдаш усулларидан қўлланилади. Физик усуллардан рефрактометрик усул ва зичликни аниқлаш усуллари кўп тарқалган.

Қуруқ моддаларни аниқлашнинг салмоқли усули

Бу усулда маҳсулотни қуритиш шкафида доимий оғирликка келгунча 105°C ҳароратдаги атмосфера босими остида ёки 70°C ҳароратдаги паст босим остида қуритишга асосланган (4-расм).



4-расм. Қуритиш шкафи.

10-12 г тоза қиздирилган қум тоза ва қуруқ бюксга солиниб, бюкса шиша таёқча билан биргаликда доимий оғирликка келгунча қуритилади. Бюклар эксикаторда совутилиб, 0,001 г аниқликгача ўлчаб олинади. Сўнгра бюксга 5 г

микдорда қуритиладиган маҳсулот намунаси солинади. Шиша таёқ ёрдамида күм билан аралаштирилди ва 0,001г аниқликкача ўлчанади. Қуритилган меваларнинг қуруқ моддаларини аниқлашда намунани қумсиз тортилади. Қопқоғи очиқ бюкс қуритиш шкафига қўйилиб, 4-соат давомида 105°C ҳароратдаги муҳитда қуритилади. Шундан сўнг бюкссларнинг қопқоғи ёпилади, эксикаторда 30 минут давомида совутилади ва ўлчанади. Ўлчангандек бюксслар яна 1 соат давомида қуритилади, совутилиб ўлчанади. Бу жараён кетма-кет қуритилган иккита бюксслар оғирликлари ўртасидаги фарқ 0,002 г ни ташкил қилгунча давом эттирилади. Қуруқ моддаларнинг улушкини (X) қўйидаги тенглама орқали аниқланади.

$$X = \frac{M_2 - M}{M_1 - M} \cdot 100; \%$$

Бунда, M - бюкснинг қум ва шиша таёқча билан биргаликдаги оғирлиги, г; M_1 - бюкснинг қум, шиша таёқча ва маҳсулот намунаси билан биргаликдаги қуритишдан олдинги оғирлиги, г; M_2 - бюкснинг қум, шиша таёқча ва маҳсулот намунаси билан биргаликдаги қуритишдан кейинги оғирлиги, г.

Биргаликда қуритилган маҳсулотлар қуруқ моддаларнинг микдори орасидаги фарқ 0,2% дан ошмаслиги керак.

Қуруқ моддаларни аниқлашнинг тезлаштирилган усули

Бу усул маҳсулотни В4 асбобида инфрақизил нурланиш ёрдамида сувсизлантиришга асосланган. Бу усул сабзавотли тамадди учун мўлжаллангаи консервалар, қуритилган мевалар қуруқ моддаларини аниқлашда қўлланилади. Консерваларнинг ўртача намуналарини қиймалагичдан ўтказилади ва чинни косачада аралаштирилади. Тайёрланган намунани дарҳол оғзи зич ёпиладиган идишга солинади. Шу идишдан текширишга намуна олишдан олдин, у яхшилаб аралаштирилиши керак.

Пакетлар тайёрлаш учун ўлчами 20x14 мм-ли фильтр қофозидан фойдаланилади, қофоз ўртасидан букланади, сўнгра пакетни учта бурчагидан ичкарига 1,5 см букланади. Пакетнинг ичига ўлчами 11x25 см-ли фильтр қофозидан кичик пакетга жойланади. Қуруқ моддалар микдорини аниқлашдан олдин асбоб 150-125°C гача қиздирилади ва тайёрланган пакет 3 минут давомида қиздирилиб, 2-3 минут эксикаторда совутилади. Тайёрланган ва қуритилган пакетга 5 г микдорида намуна ўлчаб солинади ва В4 асбобига қўйилади. Намуна солинган пакетни 150-152°C да 5 минут давомида қуритилади. Эксикаторда 5 минут совутиб, сўнгра ўлчанади. Қуруқ моддаларнинг улушки (X) қўйидаги тенгламадан аниқланади:

$$x_1 = \frac{M_2 - M}{M_1 - M} \cdot 100; \%$$

Бунда, M - пакетнинг оғирлиги, г; M_1 - пакетнинг намуна билан биргаликдаги қуритишдан олдинги оғирлиги, г; M_2 - пакетнинг намуна билан биргаликдаги қуритишдан кейинги оғирлиги, г.

Эрийдиган қуруқ моддалар оғирлик қисмини рефрактометр ёрдамида аниқлаш

Эрувчи қурук моддаларни аниклашнинг рефрактометрик усули баъзи консерваларнинг қурук моддаларини аниклашнинг стандарт усули ҳисобланади ва бу усул маҳсулотга стандартларда майлум кўрсатмалар бўлганда қўлланилади. Рефрактометр ёрдамида томат-паста, табиий мева сувлари, шарбатлари, шинни ва турли хил мева консерваларининг эрувчи қурук моддалар миқдори аникланади.


Шунингдек, бу усул янги узилган мевалар, сабзавотлар ва ярим тайёр маҳсулотдаги эрувчи қурук моддалар улушини аниклашда қўлланилади. Ишни бажаришдан олдин асбобнинг аниклиги дистилланган сувда текшириб кўрилади. Агар рефрактометрнинг шкаласи 1,23 рақамини кўрсатса демак, асбоб ишлайди. Намунани текширишга киришишдан олдин рефрактометрнинг қопқоғи очилади, призмага 1-2 томчи текширилувчи модда томизилади ва юқори призма ёпилади сўнгра, рефрактометрнинг қўрсатиши ёзиг олинади, бунда текширилувчи модданинг ҳарорати 20°C дан ошмаслиги керак. Модданинг ҳарорати модданинг қурук моддалари миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Агар модданинг ҳарорати 20°C дан фарқ қиласа, ҳароратга тўғрилаш маҳсус жадвалдан фойдаланилади.

Қурук моддаларни зичлиги асосида аниклаш

Бу усул маҳсулотнинг зичлиги билан унинг қурук моддалари ўртасидаги боғликларга асосланган. Модданинг зичлиги пикнометр (арбитраж усули) ёки ареометр ёрдамида аникланиши мумкин. Пикнометрда зичликни аниклаш учун пикнометр яхшилаб ювиб қутилилади. Тоза пикнометр 0,0001 г аникликкача ўлчанади, белгисидан сал юқоригача 20°C ҳароратли дистилланган сув билан тўлдирилиб, 30 минутга термостатга қўйилади. Шундан сўнг пикнометрнинг қопқоғи очилади ва фильтр қофоз билан ўлчов белгиси юқори бурчаги бўйича сувнинг сатҳи белгиланади, пикнометр яна қопқоқ билан ёпилади ва ўлчанади, сўнгра худди шундай пикнометрнинг намуна билан биргаликдаги оғирлиги ўлчанади. Текширилаётган намунанинг зичлиги (д) қуидаги тенглама орқали ҳисобланади.

$$d = \frac{P_2 - P_0}{P_1 - P_0} \cdot D;$$

Бунда P_2 - пикнометрнинг 20°C даги намуна билан биргаликдаги оғирлиги, σ ; P_1 - пикнометрнинг 20°C даги дистилланган сув билан биргаликдаги оғирлиги, σ ; P_0 - бўш пикнометрнинг оғирлиги, σ ; D - сувнинг 20°C ҳароратдаги нисбий зичлиги 0,99823 га teng; д - текширилаётган намунанинг 20°C ҳароратдаги нисбий зичлиги.



Зичликни ареометрда аниқлаш учун диаметри ареометрнинг кенгайган жойидан 2-3 марта катта бўлган шиша цилиндр керак бўлади (5-расм).

5-расм. Ареометр ёрдамида зичликни аниқлаш.

Шу цилиндрга аста-секин ҳарорати 20°C бўлган текшириувчи суюқлик куйилади. Тоза ва қуруқ ареометрни секин-аста цилиндрнинг деворларига тегизмасдан суюқликка туширилади. Ареометр суюқликка барқарор жойлашгандан кейин унинг кўрсатиши пастки белгисидан 0,001 аниқлиқда ҳисобланади. Агар текширилаётган суюқлик жуда бўялган бўлса, ареометрнинг кўрсатишлари юқори ўлчов бирлигига ҳисобланади, бунда кўрсатилган миқдор 0,0002 га кўпайтирилади.

Назорат саволлари:

1. Куруқ моддалар деганда нимани тушунасиз?
2. Куруқ моддаларнинг консервалар сифат кўрсаткичлари комплексидаги ролини айтинг.
3. Куруқ моддаларни аниқлашнинг қандай стандарт усуллари мавжуд?
4. Стандарт усулларнинг қўлланилиш соҳаларини айтиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.
2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодовоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
4. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.
5. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М: Легкая и пищевая промышленность, 1985.
6. Соловьев Е.И. Лабораторный контроль консервного, овощесушильного и пищеконцентратного производства. -М.: Пищевая промышленность, 1974. -278 с.
7. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.
8. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов,

овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

9. Васиев М.Г., Додаев Қ.О. ва б.Озиқ-овқат технологияси асослари.
Тошкент. 2012. 400б.

9-маъруза. Озиқ-овқат саноатидаги таралар сифатини аниқлаш Режа:

1. Металл банкалар ва уларнинг сифатини аниқлаш усули.
2. Шиша банкалар ва унинг сифатини аниқлаш усули
3. Резина ҳалқанинг сифатини аниқлаш усули

Таянч сўз ва иборалар: Резина ҳалқа, шиша, тунука, металл идиши, эритма, чидамлилик, ҳарорат, қалай, кислота, ош тузи, банка, визуал.

Консерваланган маҳсулотлар қадоқланадиган металл, шиша, полимер идишлар, металл қопқоқ ва резинали ҳалқаларнинг сифатини аниқлаш

Консерваланган маҳсулотларни узоқ муддатда сақланиши, сифатининг ўзгармаслиги маҳсулот жойланган идишнинг сифатига боғлиқ.

Маҳсулотни консервалашда шиша, металл ва кейинги вақтларда полимердан қилинган банкалардан фойдаланилмоқда.

Техник - норматив хужжатларда маълум талаблар қўйидагилар: уларнинг герметик бўлиши, консерваланган маҳсулот билан кимёвий жиҳатдан таъсирлашмаслиги ва органолептик физик-кимёвий кўрсаткичлари ўзгармаслиги арzon бўлиши зарур. Консервалашда ишлатиладиган таралар тури ўзининг ютуғи ва камчиликлари билан бошқасидан фарқ қиласи.

Банкалар тайёрлашда рулон ёки лист шаклидаги тунукаларда ва хромланган, лакланган, тунукалардан ҳамда алюминийли лакланган ленталардан фойдаланилади.

Алюминий механик жиҳатдан пишиқ ва коррозияга чидамли бўлганлиги учун шиша банкаларга қопқоқ қилишда кенг ишлатилади. Тунукадан тайёрланган банка идишларнинг сифати тунука сифатига боғлиқ бўлади. Тунука сифатига баҳо бериш учун ташқи қузатув амалга оширилади, яъни унинг пластиклиги, эгилувчанлиги ва глянц миқдори аниқланади.

Худди шундай шиша ва полимердан қилинган банкаларга маълум талаблар қўйилади, уларнинг сифати қўйидаги усуллар ёрдамида аниқланади:

Металл банкалар ва уларнинг сифатини аниқлаш усули

Заводга келаётган тунуканинг ҳар бир партиясидан 1% миқдори ташқи қузатувдан ўтказилади. Оддий визуал кузатиш натижасида листларнинг шаклидаги дефектлар текширилади. Глянц моддасининг қавати ёки қалинлиги аниқланади. Листнинг қалинлиги микрометр билан 0,01 мм аниқликда листнинг тўртта нуқтасидан ўлчанади. Қалинлиги меъёридан юқори бўлганда тунукадан тайёрланган таралар деформацияга учраб герметик ҳолати бузилиши мумкин.

Тунуканинг эгилувчанлик ҳолати маҳсус асбобда 90°C бурчак остида булланиб аниқланади. Тунуканинг оқ электролитли маркаси 8 марта қайирилганда синмаслиги ва қалайнинг қаватланмаслиги зарур. Тунуканинг пластиклиги, чўзилувчанлик хусусиятини Эриксон усулида текширилади. Бунинг учун тунука 70-80 мм энликда қирқилади ва техник вазелин билан мойланиб, Пуассон асбоби билан 10 мм радиусли қилиб сиқилади. Лист

холдаги тунуканинг 3 та бўлакчаларида 9 марта юқоридаги операция ўтказилиб, ўртача арифметик қиймат олинади.

Тунукадаги глянц миқдори қалайни йодиметрик усулида аниқлашга асосланган. Бунинг учун ҳар бир назорат қилинувчи тунуканинг листдаги маҳсус штамп ёрдамида диаметри 20 мм бўлган 10 та дан намуна олинади. Кейин сифими 100 см^{-1} НС1 солингач, қайнагунча қиздирилади ва бир бўлак мармар тунука намунаси солинади. Қалай қават 5 мин давомида эрийди, қалай эригандан сўнг олинган эритмага яна бир бўлак мармар солинади, 50 см^3 совутилган ҳолда дистилланган сув қуйилади. Эритма крахмал иштироқида КЖ эритмаси билан титрланади.

Оқ тунукадан, алюминийдан, лакланган қотишмалардан тайёрланган банкаларнинг сифатини текширишда сувли (дистилланган) эритмалар CH_3COOH нинг (3%ли) вино кислотасининг (2%ли) НАС1 (3%ли) хромланган лакланган тунукадан тайёрланган тараларни, вино кислота ва ош тузи эритмалари (2 ва 3% ли) ишлатилади.

Банкаларни ички қопламаларининг ҳолатини стерилизация қилингандан кейин баҳолаш мумкин. Бунинг учун юқоридаги модел эритмалари тўкилиб, сув билан чайқатилади ва кузатилади. Контрол намунадаги стерилизация қилинмаган банка билан стерилизация қилинган банкаларнинг лакли қопламаси ўртасида сезиларли ўзгариш бўлмаслиги зарур (модел муҳит ва дистилланган сувда $120\pm2^\circ\text{C}$ ҳароратда 90 мин давомида стерилизацияланади).

Шиша банкалар ва унинг сифатини аниқлаш усули

Шиша тараларнинг механик жиҳатдан мустаҳкамлиги ва термик барқарорлиги катта аҳамиятга эга. Механик мустаҳкамлиги деганда, шиша тара девори ва тубининг қалинлиги тушунилади. Шиша деворининг қалинлиги 1,4- дан 6,0 мм гача ва тубининг қалинлиги 2,0 дан 10,1 мм гача бўлади.

Поляроскоп орқали қаралганда, шиша ранги бир хил қўкиш-сиёҳ ёки сиёҳ рангда бўлиши керак. Банкалар термик жиҳатдан барқарор, ҳарорат 40°C га ўзгарганда 5 с давомида чидаши керак. Банкалар ҳажмига қараб то 10000 см^3 , 0,4 МПа босимга) 5000 см^3 - 0,3 5000 см^3 да юқори сифими бўлганлари - 0,15 МПага, бардош бериши зарур. Шиша банкалар кислота таъсирига чидамли бўлиши зарур. Кислота таъсирига бардошлилигини текшириш учун 10% эритмадан фойдаланилади. Бунинг учун шиша банка сифими сув билан яхшилаб ювилади ва намуна бирорта идишдаги сирка кислота эритмасига ботирилади ва термостатда 40°C ҳароратда 24 соат ичидаги сақланади. Текширувдан кейин шиша юзасида лойқаланиш ёки қирилган жойлар бўлмаслиги зарур. Банкаларнинг сифими ўлчов цилиндри ёрдамида 20°C 1 г 1 см^3 ҳажмни эгаллашни хисобга олиб ўлчанади.

Шиша банканинг ранги, ташқи кўриниши визуал асосида аниқланади.

Шиша тара деворининг қалинлиги оптик стенкомер ёки индикатор ёрдамида ўлчанади.

Шиша тараларнинг термик чидамлилиги даражасини ҳар хил ҳарорат ўзгаришларида ва эксплуатация шароитига яқин бўлган шароитда текшириб

кўрилади. Бунда бошланғич ҳарорат 100°C га тўғри келади. Аввал синалмаган банкаларнинг намуналари танланади. Банкалар фақат бир марта синалади. Шундан кейин кассетага жойлаб 30 мин қуритиш шкафига қўйилади. Қуритиш шкафидаги ҳарорат режими синаладиган тарага мос бўлган талаблар асосида амалга оширилади. Шундан кейин кассета банка намуналари билан. 20+1 °C ҳароратли сув ресурслариға жойланади. Термик барқарорлик текширилаётган банкалар синалаётган пайтда синмаслиги керак, буни визуал холда кузатиш мумкин.

Резина ҳалқанинг сифатини аниқлаш усули

Тунукадан қилинган консерва банкалари учун керак бўладиган резина ҳалқалари каучукни вулканизация қилмасдан тайёрланади. Резина ҳалқа тайёрланадиган материал таркибида заҳарли қўшимчалар бўлмаслиги зарур. Ҳалқа эластик бўлиб, чўзилганда унинг бошланғич узунлиги нисбатан чўзилиши камида 40% ташкил қилиши керак. Ҳалқа эластик хоссасига эга бўлиб, қисилганда, буралганда узилмасиги ва 70-100°C ҳароратга бардош бериши керак. 30 минут 120°C ҳароратгача қиздирилганда ва секинлик билан совутилганда, унинг кесими ва бошқа хоссалари ўзгармаслиги лозим. Ҳалқани ёғда эримаслигини аниқлаганди, ҳалқани 30 минут кислота эритмаси, ош тузи эритмалари билан қайнатилганда, уларнинг ҳиди ёки мазасини олмаслиги ва ранги ўзгармаслиги керак. Резина ҳалқанинг агрессив муҳитига чидамлилигини аниқлаш учун 1 соат 60%-ли CH₃COOH нинг қайноқ эритмасига ботириб, унинг сифатини назорат қилинади.

Назорат саволлари:

1. Консервалашда резина ҳалқанинг пластик ва эластик холатларининг қандай аҳамияти бор?
2. Резина ҳалқанинг кислоталар таъсирига чидамлилигини қандай аниқлаш мумкин?
3. Шиша тараларнинг механик мустахкамлигини ва термик барқарорлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Техник норматив хужжатларда таралар қандай талаблар қўйилади?
5. Шиша таралар ёки банкаларнинг кислота таъсирига чидамлилиги қандай аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.
2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
3. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.
4. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М: Легкая и пищевая промышленность, 1985.
5. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль

консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.

6. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.

10-маъруза. Мева-сабзавотларнинг кислоталилигини аниқлаш Режа:

1. Умумий кислоталикни аниқлаш.
2. Учувчан кислоталар миқдорини аниқлаш
3. Маҳсулотлардаги актив кислоталикни аниқлаш.

Кўпгина мева-сабзавотларнинг мазаси уларнинг таркибига кирувчи органик кислоталарга боғлиқ. Кислоталилик маҳсулотнинг табиатига ёки мева-сабзавотни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларига боғлиқ бўлади. Мевалар таркибига олма, лимон ва мусаллас кислоталари киради. Карам тузланганда сут кислота, мева, сабзавот ширалари ёки мусаллас ачиганда сирка кислота ҳосил бўлади. Маҳсулотнинг кислоталилигига қараб, унинг янги эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Кўпгина ҳолларда маҳсулот кислоталилиги унинг сифат кўрсаткичи бўлади. Умумий (титрланадиган) кислоталилик ҳажмий анализ усулида аниқланади. Маҳсулотнинг олинган миқдоридаги умумий кислоталилик унинг ҳамма кислоталарини нейтраллаш учун кетган ишқор миқдорига баравар бўлади. Ишқорнинг титрлашда сарф бўлган миқдори маҳсулотдаги изланайтган кислота учун ҳисоб қилинади. Узум учун мусаллас кислотасига данакли ва уруғли меваларда олма кислотасига ҳисоб қилинади. Бундай ҳисобни кислотанинг кимёвий формуласи ва эквивалентини билган ҳолда қилиш осондир. Олма кислотасининг молекуляр оғирлиги




$\text{CH}_3\text{OH-COOH} = 134$ икки асосли кислота сифатида унинг эквиваленти

Мусаллас кислотасининг молекуляр оғирлиги



Лимон кислотасининг молекуляр оғирлиги



Бир асосли кислоталар (сут ва сирка) молекуляр оғирлиги уларнинг эквивалентига teng.

Сут кислотасиники $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{OH-COOH} = 90$.

Сирка кислотасиники $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{COOH} = 60$

0,1 н ўювчи ишқорнинг титри у ёки бу кислотанинг эквивалент миқдорини ифодалайди. Мева-сабзавотлар таркибидаги айрим органик (чумоли сирка) ва бошқа кислоталар учувчан кислоталар бўлиб, улар сув буғи ёрдамида ҳайдалади, Уларни миқдорини аниқлаш учувчанлик хоссасига асосланган. Маҳсулотлардаги актив кислоталилик деганда, 1 л эритмада водород (H) ионининг концентрациясини кислотанинг диссоцияланиш даражасига боғлиқ тушунилади. Умумий кислоталилик (титрлаш йўли билан аниқланадиган) ва актив кислоталилик (водород ионлари концентрациясини ифодалайдиган) бошқ - бошқа қийматлардир. Мева сабзавотлардаги актив

кислоталиликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳамма ферментатив жараёнлар: маҳсулотлар сақланишдаги парчаланиш жараёнлари, антисептик моддалар билан консервалаш ва ниҳоят маҳсулотнинг нордон мазаси водород ионлари концентрациясига боғлиқдир. Водород ионларининг концентрацияси маҳсулотларда жуда кам, у ўнли логарифм билан ифодаланади ва

$$pH = -\log_{10}(H^+) = \log 1/(X)$$

Нейтрал эритмалар учун pH = 7 га тенг.

Кислотали муҳитда водород ионларининг сони катта, шунинг учун улардан pH > 7 кичик, ишқорий муҳитда эса аксинча, pH < 7.

Умумий кислоталиликни аниқлаш

Умумий кислоталилик маҳсулотнинг барча нордон моддаларини титрлашга сарфланган ишқорнинг миқдорига тенг. Кўп ҳолларда умумий кислоталиликни аниқлашда қўйидаги усулдан фойдаланилади:

Маҳсулотдан 20 г намуна ўлчаб олинади ва бу намунани иссиқ дистилланган сув билан чайқаб, ҳажми 250 мл -ли ўлчов колбасига қўйилади. Колбанинг 3-4 ҳажмига 80°C ҳароратли дистилланган сув солинади ва 30 минут давомида тиндириб қўйилади. Вақти-вақти билан колба чайқаб турилади, сўнгра оқар сув тагида хона ҳароратигача совутилади, колбанинг белгисига дистилланган сув билан тўлдирилади ва қопқоғи ёпилиб, яхшилаб аралаштирилади. Маҳсулот қуруқ фильтрдан стаканга ўтказилади. Пипетка билан ҳажми 200-250 мл ли колбага 5 мл фильтрат ўлчаб олинади. Устига 2-3 томчи 1% ли фенофталеин (спиртли) эритмаси томизилади ва 0,1 н ишқор эритмаси билан титрланади. Умумий кислоталилик X қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$X = \frac{y \cdot K \cdot Y_0 \cdot 100}{M \cdot Y_1};$$

Бунда, y - титрланишга сарфланган 0,1 н ишқор эритмасининг ҳажми, мл; Y_1 - титрлашга олинган эритма ҳажми, мл; Y_0 - намуна етказилган ҳажм, мл; M - текширишга олинган тортим миқдори (суюқ маҳсулотлар учун ҳажми), г/мл; K -мос кислота учун ҳисоблаш коэффициенти. Олма кислотаси учун - 0,0067; Лимон кислотаси учун - 0,0064; Сирка кислотаси - 0,0060; Сут кислотаси учун - 0,0090 Вино кислотаси учун - 0,0075.

Суюқ маҳсулотларнинг умумий кислоталилигини аниқлаш учун 250мл ли ўлчов колбасига пипетка билан 25 мл суюқ маҳсулот ўлчаб олинади. Колбанинг белгисигача дистилланган сув билан тўлдирилади, яхшилаб аралаштирилади, сўнгра бошқа колбага 50 мл миқдорида титрлаш учун ажратиб олинади.


Баъзи консервалар умумий кислоталилигининг кўрсаткичлари

Маринадли консервалар 2% дан юқори эмас (сирка кислотасига нисбатан) узум шарбати 0,2% дан кам эмас (мусаллас кислотасига нисбатан) олма шарбати 0,3-1,2% дан кам эмас (олма кислотасига нисбатан) сиркалланган карам 0,7 дан 2 %гача (сут кислотасига нисбатан)

Учувчан кислоталар миқдорини аниқлаш

Учувчан кислоталарни аниқлаш учун техник тарозида сабзавот пюреси

ёки мезгасидан 25 г тортиб олиниб, ҳажми 500 мл- ли колбага солинади, устига 150 мл сув ва 1 мл 10% ли фосфат кислотадан қўйилади, мева сувлари ёки мусаллас анализ қилинганда пипетка билан 50 мл винодан ёки мева сувидан колбага солинади. Колба шиша най орқали совутгич билан ва буғ ҳосил қилувчи колба билан резина тиқин орқали уланади, колбадаги суюқликнинг ярми ҳайдалгандан кейин буғ ҳосил қилувчи колбадан буғ юборилади ва ҳайдаш то 200 мл ҳайдалган суюқлик ҳосил бўлгунча давом эттирилади (6-расм).



6-расм. Учувчан кислоталарни аниқлаш қурилмаси.

Кейин ҳайдалган суюқликка 5 томчи фенофталеин қўшиб, 0,1 н ишқор эритмаси билан қизгиш ранг пайдо бўлгунча титрланади. Учувчан кислотанинг миқдори сирка кислота ҳисобига нисбатан фоиз ҳисобида қўйидаги формула билан аниқланади:

$$N = \frac{n \cdot 100 \cdot 0,006}{\alpha};$$

Бунда a - намуна оғирлиги; н - 0,1 н ишқор миқдори, мл.; 0,006- сирка кислота асосида 0,1 н ишқорнинг титри.

Маҳсулотлардаги актив кислоталикни аниқлаш

Бу усул барча мева ва сабзавот консервалари учун қўлланилади. Бу усул pH-метр асбобида текширилувчи эритмага электродларни ботирганда улар потенциаллари орасидаги ҳосил бўладиган фарқни ўлчашга асосланган. Суюқ маҳсулотлар ва бўтқасимон маҳсулотларнинг актив кислоталилиги уларни сув билан аралаштирмасдан аниқланади. Суюқ ва қуюқ қисмлардан иборат бўлган консерваларнинг pH ини аниқлаш учун фақат суюқ қисми олиниади. Қуруқ консерваларнинг актив кислоталигини аниқлаш учун маҳсулот қиймаланади ва бирга-бир нисбатда дистилланган сув билан аралаштирилади. Аниқлашдан олдин асбобнинг аниқлиги pH аниқ бўлган бирор буферли эритмада текширилади. Асбобни текшириш учун асбобнинг идишига буферли эритма қўйилади ва унинг электродлари эритмага тўла чўктириб қўйилади. Бу ҳолда асбобнинг стрелкалари буферли эритма pH нинг сонини кўрсатиши керак. Агар асбобнинг кўрсатиши билан эритманинг pH ининг сони ўртасида фарқ бўлса, у ҳолда асбобнинг стрелькаси маҳсус бурагич ёрдамида керакли сонга келтирилади. Текширилаётган асбобнинг идишига pH и текширилаётган эритма (ёки маҳсулот) солинади, унга электродлар туширилади, асбоб ишлатилади ва эритма ёки маҳсулотнинг pHи асбоб шкаласида аниқланади.

pH ни универсал индикатор қофози ёрдамида аниқлаш (техник усул).

Бу усул барча мева ва сабзавот консерваларининг pH ини учча катта бўлмаган аниқликда аниқлашда қўлланилади. Текширилаётган эритманинг 1-2 томчиси индикатор қофозига томизилади ва ҳосил бўлган рангни ранглар шкаласи билан солиштирилганда, эритма pH ининг катталиги аниқланади. Баъзи консервалар актив кислоталилигининг қўрсаткичлари: Мева шарбати -4,4 дан юқори эмас, шафтоли ва ўрикнинг шакарли бўтқаси-3,8 дан юқори эмас, консерваланган бодринг -4,0, яшил нўхот-5,6 дан кам эмас, помидор-3,9.

Таянч сўз ва иборалар:

Хом ашё, маҳсулот, эритма, кислоталалик, актив, умумий кислоталилик, усул, шакар, pH, консерва, буфер эритма, асбоб, ишқор, спирт, фенолфталеин, нордон, титр.

Назорат саволлари:

1. Маҳсулотнинг мазали таъмини яратишда органик кислоталарнинг роли?
2. Маҳсулотларнинг умумий ва актив кислоталилиги нима?
3. Корхона тажриба хоналарида хом-ашё ва тайёр маҳсулотнинг кислоталилигини аниқлашда қандай усуслар қўлланилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.
2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
4. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.
5. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М: Легкая и пищевая промышленность, 1985.

ҚҰШИМЧА МАЪРУЗАЛАР

Углеводларни аниқлаш услублари Фруктозани аниқлаш

Фруктоза күпчилик меваларнинг таркибида учрайди. Фруктоза нордон шароитда резорцин билан реакцияга киршиб рангли бирикма хосил қиласи.

5-20 г ўсимлик материалидан олиб, чинни хавончада бир хил масса хосил бўлгунча шиша кукунлари ёрдамида 10-20 мл сув билан эзилади. Сўнгра ҳажми 200 мл ли колбага куйилади. Колбани ҳарорати 80-90° С бўлган сув ҳаммомига туширилади ва 1 соат давомида экстракция қилинади. Сўнгра колбани совитиб, қўроғшин ацетатнинг 10% ли эритмасидан 5-6 мл қўшилади. Бунда фруктозани аниқлашга халақит берадиган бошқа моддалар чўкмага тушади.

Колбадаги суюқликни яхшилаб аралаштириб сув билан чизикқача тўлдирилади ва фильтранади.

Фильтран 50 мл ли колбага 5 мл олиб, устига 5 мл резорциннинг спиртли эритмасидан ва 15 мл хлорид кислотанинг 30% ли эритмасидан қўшилади. Колбадаги суюқликни яхшилаб аралаштириб, 80°С ҳароратли сув ҳаммомига 20 минутга қўйилади. Сўнгра колбани совитиб ранг интенсивлигини ФЭК да қўрилади. Бунда яшил ёруғлик фильтран (540 нм) фойдаланилади. Фруктоза миқдорини аниқлаш учун стандарт эритмалар ёрдамида калиброкча чизиги график сифатида чизилади. Стандарт эритмадан ҳажми 50 мл ли колбаларга 0,5; 1,0; 2,0; 3,0; 4,0; 5,0 мл дан куйилади. Уларнинг устига 4,5; 4,0; 3,0; 2,0; 1,0; 0,1 мл дистилланган сув қўйилади. Сўнгра барча колбаларга 5 мл резорцин эритмаси ва 15 мл хлорид кислотанинг 30% ли эритмасидан қўшиб, ҳарорати 80-50° С бўлган сув ҳаммомида 20 мин. давомида сақланади. Вақт тугагач колбалар совитилиб ҳосил бўлган ранг интенсивлиги ФЭК да ўлчанади.

Сахароза миқдорини аниқлаш

Сахароза ўсимликларда кенг тарқалган шакарлардан ҳисобланади. У қайтарувчанлик хусусиятига эга эмас. Сахарозани кимёвий усулда аниқлаш учун турли хил гидролиз усулларидан фойдаланилади. Сахароза одатда ферментатив ёки кислотали гидролиз йўли билан фруктоза ва глюкозагача парчаланади. Гидролиз маҳсулоти ҳисобланган моносахаридларнинг қайтарувчанлик хусусиятига қараб сахарозанинг миқдори аниқланади.

Сахарозани сувли экстрактларда аниқлаш бирмунча қийин, чунки бундай экстракт таркибида бошқа юқори молекулали полисахаридлар ҳам бўлиб, уларнинг гидролизланиши натижасида ҳам қайтарувчан шакарлар ҳосил бўлади. Бундай сувли экстрактларни фильтрлаш бирмунча қийиндир. Шу сабабли сахарозани аниқлашда спиртли экстрактлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Текширилаётган ўсимлик материалидан 10-25 г олиб, чинни хавончада шиша кукунлари билан бир хил масса ҳосил бўлгунча 5-10 мл 96% ли этил спирти ёрдамида эзилади. Сўнгра эзилган масса ҳажми 200 мл ли колбага куйилади. Чинни хавонча яна 10-15 мл спирт билан ювилади ва у ҳам колбага куйилади. Экстракция учун олинган спиртнинг концентрацияси 75-80% дан

ошмаслиги керак. Колбадаги экстракт 75-80°C ҳароратли сув ҳаммолида 30 минут давомида ушлаб турилади. Кейин у бошқа колбага фильтранади. Қолган материал яна 1-2 марта спирт ёрдамида экстракция қилинади ва ҳамма экстрактлар бирлаштирилади. Экстрактлар таркибидаги спирт маҳсус совитгич ва сув ҳаммоли ёрдамида ҳайдалади (вакуум остида). Колба тагида қолган спиртли экстракт сув билан чизиққача тўлдирилади. Тайёрланган экстрактдан 25 мл олиб ҳажми 50 мл ўлчов колбага қўйилади ва 67-70°C ҳароратли сув ҳаммолида 10 минут ушланади. Сўнгра колбага 1,5 мл хлорид кислота (зичлиги 1,19) қўшилади. Бунда колбадаги кислота концентрацияси таҳминан 2% га яқин бўлади. Гидролиз 67-70°C ҳароратда 6-7 минут давом этади. Гидролиз тамом бўлгач колба тезда совуқ сув ёрдамида уй ҳароратигача совитилади ва 4-5 томчи метил қизил қўшилади. Сўнгра колбадаги суюқлик 4% ли ўювчи натрий билан тўқсариқ ранг ҳосил бўлгунча нейтралланади. Бунда ишқорни аста-секин томчилаб қўшиш керак. Нейтралланган эритма сув ёрдамида чизиққача тўлдирилади. Шакар миқдори Берtran усулида аниқланади. Бунда экстракт таркибидаги умумий шакарлар йиғиндиси (қайтарувчан шакарлар сахароза) топилади. Сахароза миқдорини аниқлаш учун қайтарувчан хусусиятига эга бўлган шакар миқдоридан умумий шакар айриб ташланади.

$$X = 2(A-B) \cdot 0,95;$$

X - сахароза миқдори, мг; A - умумий шакар, мг; B - қайтарувчан хусусиятига эга бўлган шакар, мг.

Крахмалини аниқлаш

Крахмал ўсимликлар танасида энг кўп тўпланадиган ва энг муҳим полисахаридлардан ҳисобланади. У айниқса, ўсимликлар донида кўп бўлади. Кўп йиллик ўт ўсимликларда эса ер остки органларида тўпланади.

Ҳамма ўсимликларда - сув ўтлардан юксак ўсимликларгача фотосинтез жараёнида хлоропластларда ҳосил бўладиган углеводлар бевосита крахмалга айланади. Крахмал икки хил бирикмадан, яъни амилоза ва амилопектиндан ташкил топтан. Амилопектин йод таъсирида бинафша ҳамда қизғиш-бинафша рангта киради.

Амилоза эса йод таъсирида кўкаради. Крахмалини аниқлаш усуллари унинг йод билан ҳосил қилган рангининг интенсивлигини аниқлаш ёки кислотали ва ферментатив гидролиз натижасида ҳосил бўлган глюкоза миқдорини аниқлашга асосланганadir. Юқоридаги усуллардан ҳар бирининг ўзига ҳос салбий томонлари мавжуд. Масалан, крахмалини йод таъсир қилиб аниқлашнинг яхши натижага бермаслигига сабаб амилоза билан амилопектин йод таъсирида ҳар хил ранг беради. Амилоза билан амилопектиннинг крахмал таркибидаги миқдори ўсимлик нави органларига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Крахмалини кислотали гидролиз йули билан аниқлашда ўсимлик материалидан бошқа полисахаридларнинг гидролизга учраш хавфи мавжуд. Крахмал миқдорини аниқлашда Починка усули яхши натижага беради.

Крахмал миқдорини Починка усулида аниқлаш

Бу усул крахмалини йод билан комплекс ҳосил қилишига асосланган.

Ҳосил бўлган комплекс калий бихромат ёрдамида нордон шароитда CO_2 ва H_2O га оксидланади. Реакция натижасида йод эркин ҳолда ажралади. Бу йод гипосульфит билан титрланиб, сарфланган гипосульфит миқдорига қараб крахмал миқдори аниқланади.

Текширилаётган ўсимлик материали (1 г картошка, 3 г барг) чинни хавончада 5 мл 80% ли кальций нитрат эритмаси ёрдамида гомоген ҳолигача яхшилаб майдаланади. Сўнгра ҳажми 200 мл ли колбага экстракт қуйилади. Кальций нитратнинг 80% ли эритмаси билан хавонча 2-3 марта ювилади. Колбадаги суюқликнинг умумий ҳажми 30 мл дан ошмаслиги керак. Колба устини воронка билан беркитиб электр плитка устида 3 минут давомида астасекин қайнатилади. Бунда крахмал эритмага ўтади. Колбани совитиб воронка яхшилаб ювилади ва эритма бошқа ҳажми 100 мл ли ўлчов колбага қуйилади. Сўнгра дистилланган сув билан чизиққача тўлдирилади ва стаканга фильтранади. Шу фильтратдан 5 мл центрифуга пробиркасига олинади. Унинг устига 2 мл йод эритмаси қўшилади, яхшилаб аралаштириб 30 минутга қолдирилади.

Натижада крахмалнинг йодли комплекси чўкмага тушади. Чўкмадаги йоднинг миқдори 15% га яқин бўлади. Вакт тугагач пробирка минутига 4000-5000 тезлиқда 5-10 минут центрифугаланади. Чўкма яна 5% ли кальций нитрат эритмаси ёрдамида 2-3 марта ювилади. Ҳар гал эритма қуйилганида колбадаги чўкма яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра чўкма 200 мл ли колбага 0,2 - 0,3 мл сув билан ўtkазилади. Пробирка эса 3-4 марта дистилланган сув билан ювилади (сувнинг умумий ҳажми 3 мл дан ошмаслиги керак). Колбага 10 мл 0,25 н калий бихроматнинг 85 %ли сульфат кислотада тайёрланган эритмасидан қўшилади, яхшилаб аралаштириб 15 минут қайнаб турган сув ҳаммомига қўйилади. Бунда крахмал бихромат ёрдамида карбонат ангидриид ва сувгача парчаланади. Колба совигач унта 5 мл 20% ли калий йодид эритмасидан ва 120 мл сув қўшилади. Бунда калий бихромат йодни ажратади. Ажралган йод 0,1 н гипосульфит эритмаси билан титрланаади. Титрлаш сарик ранг ҳосил бўлгунча давом эттирилади, кейин колбага 1 мл 0,5% ли крахмал эритмасидан қўшиб, эритма ранги оч-хаво ранг бўлгунча титрлаш давом эттирилади. 1 мл 0,1 н гипосульфит эритмаси 0,675 мл крахмалга тўғри келади (Реакция бошланишидан крахмал томонидан адсорбция қилинган йод реакция натижасига таъсир қилмайди).

Алоҳида контрол титрлаш ҳам ўтказилади. Бунинг учун ҳажми 20 мл колбага 10 мл калий бихроматнинг 0,25 н эритмасидан, 120 мл сув, 5 мл калий йодиднинг 20% ли эритмасидан солинади ва 0,1 н гипосульфит эритмаси билан титрланаади. Крахмал миқдори қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$X = \frac{0,675 \cdot b \cdot T \cdot (a - b_1)}{H}$$

X – крахмал миқдори, %; b_1 -0,1 н гипосульфит эритмасининг контрол титрлаш учун сарфланган миқдори, мл; a - 0,1 н гипосульфит эритмасининг тажрибадаги крахмални титрлаш учун сарфланган миқдори, мл; T - 0,1 н гипосульфит эритмасининг титрига тузатма; X – тажриба учун олинган ўсимлик материалининг оғирлиги, г; b – крахмални чўкмага тушириш учун

олинган ҳажм (5 мл).

Клетчатка микдорини аниқлаш

Кюршер ва Ганек томонидан таклиф қилинган бу усул ўсимлик материалидан сирка ва нитрат кислоталарнинг аралашмасида эрийдиган моддаларни ажратиб, қолган клетчаткани аниқлашга асосланган.

Ўсимлик материалидан 1 г олиб чинни хавончада яхшилаб, бир хил масса ҳосил бўлгунча эзилади. Уни 100-200 мл ли колбага ўтказиб, устига сирка ва нитрат кислота аралашмасидан 40 мл қўйилади. Колбага совитгични улаб, бир соат давомида сув ҳаммолига қўйилади. Сўнгра совитиб, маҳсус шиша фильтрда фильтранади ёки центрифугаланади. Чунки бир неча марта қайнок 0,2 н ўювчи калийнинг спиртли эритмасида ва дистилланган сув билан охирида эса 10 мл этил спирти ёрдамида ювилади. Сўнгра чўкма бир хил оғирликкача 105° С да термостатда қуритилади. Чўкмани оғирлигига қараб клетчатканинг % микдори аниқланади.

$$X = \frac{a \cdot 100}{H}$$

X - клетчатканинг микдори, %; a - тажрибада аниқланган чўкма оғирлиги, г; H -ўсимлик материали оғирлиги, г.

Назорат саволлари:

1. Фруктозани аниқлаш усулини тушунтиринг.
2. Крахмални аниқлаш усулини тушунтиринг.
3. Сахароза микдорини аниқлаш усулини тушунтиринг.
4. Клетчатка микдорини аниқлаш усулини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.

2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.

3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.

4. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.

5. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М: Легкая и пищевая промышленность, 1985.

Ёғлар ва уларни аниқлаш услублари

Ёғларни танада энергия (калория) манбай деб ҳисоблашади. Лекин бу моддалар умумий рациондаги овқатни 30-35% ташкил этиши лозим, у оқсилдан кўпроқ 102 г-и ташкил этади. Ёғлар органик бирикмалар бўлиб сувда эримайди, органик эритувчиларда эрийди, уни компонентлари триглицеридлар ва липоид моддаларидан иборат (фосфолипидлар, стеринлар). Ёғлар ёки липидлар танада турли ишларни бажаради, улар хужайра тузилишини асосидир, захирасига ўтганлари кимёвий энергияни аккумулятори дейилиб, озуқалар етишмай қолса, хужайрани таъминлаб туради, 1 г ёғ 9 ккал иссиқлик (энергия) беради, бу оқсил ва углеводларни 2 баровар кўп демакдир.

Хайвон ва ўсимлик мойлари турли физикавий хусусиятларга эга. Хайвон ёғи қаттиқ, таркибидаги тўйинган ёғ кислоталарига, юқори хароратда эрийди; ўсимлик ёғлари эса суюқ тўйинмаган ёғ кислоталардан иборат бўлиб паст хароратда эрийди. Ўсимлик ёғини асосини мойлар ташкил этиб, ёнфоқда 53-65%, сули ва гресихада (6,1%) учрайди. Ёғларни асосини тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар ташкил этади. Тўйинган ёғларга пальмитин, стеарин, миристин кислоталари киради, агар булар танада кўпайса, холестрин қонда кўпайиб кетади. Тўйинмаган ёғларга олеин, линолева, линоленова, арахидонова кислоталари киради, улар одам танасида ҳосил бўлмайди, етишмагандага пристоглондинлар гармонсимон моддалар етишмай қолади.


Хайвон ва ўсимлик ёғларини овқат рационидаги нисбати 70:30 бўлгани маъқул, аммо холестринни кўпайган кишиларга бу 1:1 бўлиши керак.

Ёғларни тадқиқ этиш

Нейтрал ёғлар – триглицеридлар – табиатда ҳайвон тўқималари ва ўсимликларда мавжуд липидлар гурухи сифатида тарқалган. Ёғлар асосий энергия манбай ҳисобланниб, технологияда кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари рецептурасининг компонентлари сифатида ишлатилади.

Озиқ-овқат ёғлари масалан, сариёғ, мол ёғи, ўсимлик ёғи ва ҳоказолар ароматик бирикмалар, ёғда эрувчан пигментлар, эркин ёғ кислоталари, турли хил триглицеридлар аралашмаларидан иборат бўлиб, индивидуал кимёвий бирикмалар ҳисобланмайди.

Ёғлар деб, маълум бирикмалар жумладан, умумий формулагага эга юқори молекуляр ёғ кислоталарининг мураккаб эфирлари ва глицериннинг уч атомли спирти тушунилади. Меваларнинг хужайралари шарбатининг pH қиймати нейтрал ёки кучсиз ишқорий томонга ўзгариши ноxуш ҳисобланади.



бунда $\text{P}_1, \text{P}_2, \text{P}_3$ – ёғ кислота радикаллари

Триглицеридларнинг физик ва кимёвий хоссалари юқори ёғ кислоталари структураси ва табиатига боғлиқ. Табиий ёғларда қўпинча 30% олеин ва 15%-дан 50%-гача пальмитин кислоталари учрайди. Қолган ёғ кислоталари ўсимлик ва ҳайвон ёғлари кўринишида 1-5%-гача миқдорда учрайди.

Ҳайвон ва ўсимлик ёғлари ўз таркибларига кўра фарқланади. Ўсимлик мойлари таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари улуши 90%-гача. Ҳайвон ёғлари эса ёғ кислоталари турига қараб ҳар хил, улардан баъзилари эса углерод атомлари сони 20-24 -га тенг ёғ кислоталари сифатида учрайди.

Ёғларни тадқиқ этишда комплекс органолептик (таъми, хиди, ранги, тиниклиги) ва физик-кимёвий (эрувчанлиги, зичлиги, синдириш кўрсаткичи, намлик миқдори, чўқма миқдори, эриш ва қотиш ҳарорати) кўрсаткичлар ишлатилади.

Ёғнинг эрувчанлиги. Пробиркага $0,5\text{cm}^3$ ҳажмда ўсимлик мойи ва $2-3\text{ cm}^3$ бензин қўйилади, аралаштирилади. Ёғни спиртда эриши учун қиздирилади. Ёғнинг эрувчанлиги визуал ҳолда баҳоланади.

Ёғнинг зичлиги. Пикнометрни қўллаб, тортиш усули орқали аниқлаш амалга оширилади. Шу билан биргаликда ареометр ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

Ёғнинг синдириш кўрсаткичи. Ёғнинг синдириш кўрсаткичи рефрактометр ёрдамида аниқланади. Дистилланган сув ёрдамида рефрактометр кўрсатгичи нолга келтирилади. Кейин бир икки томчи текширилаётган намуна-мой рефрактометр призмасига томизилади ва асбоб шкаласи кўрсатгичига 0,0002 аниқликда ёзиб олинади. Ўлчаш 2-3 марта бажарилиб, ўртacha арифметик қиймат олинади. Текшириш тамом бўлгач, рефрактометр призмасидан намуна пахта билан (мой кеткизуви эритувчи ёрдамида) артиб олинади.

Қовушқоқликни аниқлаш. Текширилаётган ёғ намунаси қовушқоқлигини капилляр вискозиметрда аниқланади. Қовушқоқлик аниқлангандан кейин ҳар бир ёғ намунаси асбобдан тўкилиб, ёғ эритувчи ёрдамида ювилади (ёғ эритувчи билан Муфел шкафда ишлаш керак) ва қуритиш шкафида қуритилади.

Қиздириш жараёнида қовушқоқликнинг ўзгаришини қиздирилган ёғ оқимининг вақтини бошланғич ёғ оқими вақтига бўлган нисбати билан топилади.

Ишдан олинган натижалар қуйидаги жадвалга киритилади:

Ёғ намунаси	Органолептик кўрсаткич		Физик кўрсаткичлар	
	Хиди	Мазаси	Синдириш коэф- фициенти	Қовушқоқ- лик
Янги келтирилган ёғ				
180°C да иситилган ёғ				

Совунланиш сони. 1 г ёғда мавжуд барча ёғ кислоталарини нейтраллаш учун керак бўлган КОН-нинг миллиграмм миқдорига совунланиш сони деб аталади.

Совунланиш сони ёғнинг энг асосий константи (ўзгармас қиймат)

хисобланади. Кичик молекуляр массага эга ёғ кислоталари кўп сақлаган ёғларда совунланиш сони катта ва таркибида юқори ёғ кислоталари сақлаган ёғларда эса кичик бўлади.

Мой		Ёғ	
Кунгабоқар	188-194	Мол	191-200
Пахта	191-198	Кўй	192-196
Соя	192-194		

100 см³ ҳажмли колбага 0,0001г аниқликда тортилган 1 г ёғ солинади, KOH -нинг (0,5 моль/дм³) спиртли эритмасидан микдори 20 см³ ҳажмда қуйилади. Колба совутгичга бириктирилади ва сув ҳаммомига 20-30 мин давомида қўйиб қўйилади. Сўнгра колба совутгичдан ажратилиб, совутилади, 2 томчи фенофталеин қўшилади ва HCl эритмасида индикатор рангининг йўқолишига қадар титрланади. Параллел равишда ёғи бўлмаган намуна учун ҳам назорат тажрибаси ўтказилади. Назорат ва текширилаётган намуналарни титрлаш фарқи бўйича совунланиш сони хисобланади:

$$C.c. = \frac{(V_1 - V_2) \cdot C \cdot M}{m},$$

бунда, V₁, V₂ – назорат ва текширилаётган намуналарни титрлаш учун кетган HCl эритмасининг микдори, см³; C - HCl эритмасининг моляр концентрацияси, моль/дм³; M – KOH молекуляр эквивалент массаси, M=56,11 г/моль; m – намуна массаси, г.

Йод сони. 100 г ёғда мавжуд чегараланмаган ёғ кислоталари билан боғланган йоднинг грамм микдори йод сони деб аталади.


Мой		Ёғ	
Кунгабоқар	119-134	Мол	31-46
Пахта	102-117	Кўй	32-57
Соя	114-134		

Йод сони тўйинмаган ёғ кислоталари даражасини ифодаловчи ёғ константасига тааллуқлидир. Чегараланмаган ёғ кислоталари иккита бўш боғларга (-CH=CH-) турли хил гуруҳларни бириктириш хоссасига эга. Йод сони сақлашда ёғларнинг барқарорлик даражасини ва иссиқлик ишлови беришда турли хилдаги кимёвий ўзгаришлар мумкинлигини кўрсатади.

Йод сонини аниқлашнинг энг содда ва тез аниқлаш усули қўйидаги реакцияга асосланган:



Триглицеридлар иштирокида микдорий реакция кетади.



100 см³ ҳажмли конуссимон колбага намуна солинади. Намуна массаси ёғнинг тўйинганлик даражасига боғлик.

Куриётган ёғ 0,15-0,18

Куримаётган ёғ 0,2-0,3

Қотган ёғ 0,-1,0

Сўнгра ҳар бир колбага микдори 10 см³ ҳажмда спирт ёки хлороформ,

миқдори 10 см^3 ҳажмда йоднинг спиртли эритмаси қўшилади, тиқин (пробка) билан беркитилади, аралаштирилди ва 10 минутдан кейин кўк ранг йўқолгунга қадар крахмал бўйича реакцияга киришмаган йод $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_3$ ($0,1$ моль/дм 3) эритмаси билан титрланади. Параллел равища назорат тажрибаси ҳам ўтказилади.

Назорат ва текширилаётган намуналарни титрлаш фарқи бўйича ёғ билан бириккан йод миқдори ҳисобланади:

$$\dot{Y.c.} = \frac{100 \cdot (V_1 - V_2) \cdot C \cdot M}{m},$$

бу ерда, V_1, V_2 – назорат ва текширилаётган намуналарни титрлаш учун кетган $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_3$ эритмасининг ҳажми, cm^3 ; C - $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_3$ эритмасининг моляр концентрацияси, моль/дм 3 ; M – йоднинг молекуляр эквивалент массаси, $M=127$ г/моль; m – намуна массаси, г.

Йод сонини аниқлашнинг яна бир усули Гюбл усулидир. Унда реакциянинг кетиши симоб ацетати иштирокига асосланган.

Кислота сони. 1 г ёғ таркибида мавжуд эркин ёғ кислоталарини нейтраллаш учун керакли КОН-нинг миллиграмм миқдорига кислота сони деб аталади. У ёғнинг гидролизланиш даражасини ифодалайди.

Колбага 305 г текширилаётган ёғ солинади, 30-50 cm^3 ҳажмдаги этанол-эфир эритувчилари аралашмасида 1:2 нисбатда эритилади. Сўнгра 2-3 томчи фенофталеин қўшилади ва пушти ранг ҳосил бўлгунча КОН ($0,1$ моль/дм 3) эритмаси билан титрланади.

Кислота сони қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K.c. = \frac{V \cdot K \cdot C \cdot M}{m},$$

бу ерда, V – титрлаш учун сарфланган КОН ҳажми, cm^3 ; K – ишқор концентрациясини тузатиш коэффициенти; C – ишқорнинг моляр концентрацияси, моль/дм 3 ; M – КОН-нинг молекуляр эквивалент массаси, $M=56,11$ г/моль; m – намуна массаси, г.

Кислота сони ёғнинг табиатига боғлиқ эмас. У иссиқлик ишловига, сақлаш шароити ва давомийлигига қараб ўзгаради. Ҳайвон ёғларига қараганда ўсимлик мойларининг кислота сони катта.

Эфир сони. 1 г ёғ таркибида мавжуд, триглицеридларнинг совунланишида ҳосил бўлган ёғ кислоталарини нейтраллаш учун керакли КОН-нинг миллиграмм миқдорига эфир сони деб аталади. У ёғнинг совунланиш сони билан унинг кислота сони ўртасидаги фарқقا қараб топилади.

Ёғнинг массавий улушини аниқлаш

Сабзавотдан тайёрланган газак ва гўшт консервалари учун ёғнинг массавий улуши сифатни мъёrlастирувчи кўрсаткич ҳисобланади. Консервалардаги ёғни аниқлаш услублари уни органик эритувчиларда эриш хусусиятларига асосланган. Ажратилган ёғ кўпинча рефрактометр ёрдамида аниқланади.

Экстракциялаш кўпинча Сокслет аппаратида диэтил ёки петролей эфирида амалга оширилади (7-расм). Текширилаётган маҳсулот намунасининг массаси ёғнинг таркибига боғлиқ ва гўшт консервалари учун 5 г, сабзавот консервалари учун 10 г - ни ташкил этади.



7-расм. Сокслет аппарати: 1-совутгич; 2-экстрактор; 3- колба.

Текширилаётган намуна қуритиш орқали сувсизлантирилади.

Сокслет аппарати шарикли ёки спиралсимон совутгич, экстрактор ва колбадан иборат.

Колбадаги экстрагент ҳаво ёки сув ҳамомида қиздирилади. Қайнаш натижасида ҳосил бўлаётган эритувчи буғлари экстрактор трубкаси орқали совутгичга кўтарилади ва конденсатланади, экстракторга суюқлик кўринишида тушади. Унда эса текширилаётган намуна солинган гильза жойлашган. Эритувчи билан экстракторни тўлдириш тезлиги бўйича қиздириш ростлаб турилади. Экстрактордаги эритувчи сатҳи сифонли трубка юқориги чегарасидан кўтарилганда, экстракцияланган мойли эритма колбага келиб тушади. Шундан кейин экстракция жараёни такрорланади. Шу тарзда эритувчининг катта бўлмаган миқдори билан колбага олинган намунадаги ҳамма ёғни ўтказиш мумкин.

Экстракция қилишдан олдин аппарат герметиклик бўйича текширилади.

Экстракция жараёни экстрагентни 5-8 марта қўйиш орқали 6-8 соат давом этади.

Экстракция тугаганидан сўнг, экстрактордаги қолган эритма қуйиб олинади.

Сўнгра ёғи бор колба 100-105 °C ҳароратда доимий оғирликкача қуритилади. Ёғи бор колба билан бўш колба массаси тортиб кўрилади, ўртасидаги фарқ бўйича ёғ массаси топилади.

Экстракцияланган мой массаси бўйича ёғнинг массавий улуши $X_{ж}$ қуйидаги формула орқали топилади:

$$X_{ж} = 100 \cdot (m_1 - m_2) \cdot m,$$

бу ерда, m_1 – ёғи бор бўлган колба массаси, г; m_2 – колба массаси, г; m – намуна массаси, г.

Текширилаётган намунадаги ёғнинг массавий улуши ёғўлчагичда ҳам

аниқлаш мүмкін (8-расм).



8-расм. Ёғұлчагич.

Аниқлаш услуби. Ёғұлчагичлар тартиб рақамларига қараб штативга териб чиқилади. Ҳар бир ёғұлчагичга автомат пипетка ёрдамида бўғзига тегизмай, 10 cm^3 дан сульфат кислотаси эҳтиёткорлик билан қуийб чиқилади.

Пипетка ёрдамида текширилаётган намунадан 11 cm^3 ўлчаб олиниб, қия ҳолда ушлаб туриб ёғұлчагичнинг ички деворига теккизиб турган ҳолда қуийлади. Текширилаётган намуна кислота билан аралашиб кетмасдан астасекин ёғұлчагич ичига қуилиши керак.

Пипеткани текширилаётган намунадан бўшатаётган вақтда унинг учи сульфат кислотасига тегиб кетишини олдини олиш керак. Акс ҳолда текширилаётган намуна қуюлиб, пипеткадан тушмай қолиши мүмкин.

Ундан сўнг эҳтиёткорлик билан ёғұлчагич бўғзига текизмай, автомат пипетка ёрдамида 1 cm^3 изоамил спирти қуийлади. Ёғұлчагич резина тиқин билан беркитилиб, 2-3 мин давомида силкитилади ва штативга қўйилади. Агар штатив йўқ бўлса, ёғұлчагич сочиққа ўралган ҳолда силкитилади. Кейин ёғұлчагичлар тиқинлари юқорига қилинган ҳолда сув ҳаммолига $60-65^\circ\text{C}$ ҳароратда 5 мин давомида ушлаб турилади. Сўнг ёғұлчагичлар сувдан тез олиниб, сочиқ билан артилади ва ингичка томони марказга қаратилиб, центрифуга патронларига жойлаштирилади.

Ёғұлчагичларни центрифуга патронларига симметрик ҳолда жойлаш лозим. Агар ёғұлчагичлар сони тоқ бўлса, яна битта қўшимча ёғұлчагич сув тўлдирилиб, центрифугага жойлаштирилади. Центрифуга қопқоғи ёпилади ва маҳкамланади, харакатга келтирилиб, сўнг тўхтатилади.

Ёғ үлчагичлар патронлардан олиниб, ингичка тарафини юқорига қилиб ушланади ва резина тиқин ёрдамида ажраб қолган ёғ қатлами ёғұлчагичнинг даражаланган қисмига жойлаштирилиб, сув ҳаммолига ўрнатилади.

Сўнг ёғұлчагич сувдан чиқариб олинади ва тез сочиқ билан артилади. Резина тиқин ёрдамида ёғ қатламининг пастки қисми ёғұлчагич даражаси (градация) чизикларининг бирор бутун сонли кўрсаткичи тўғрисига жойлаштирилади. Ёғұлчагични қўзимиз билан бир баландликда ушлаб туриб, тезда шкала бўлаклари сони саналади. Ёғ қатламининг пастки чизигидан бошлаб юқори қисмидаги эгик қисмининг қуий нуқтасигача (мениска) ҳисобга олинади.

Шкаланинг бир бутун бўлаги ҳажми ёғ миқдорининг 1% ни, майда бўлаклари 0,1% ни ташкил этади.

Агар, ёғ қатлами остида қора рангли қатlam пайдо бўлса, тажриба ноаниқ бажарилган бўлади. Бу ҳол юқори концентрацияли кислотадан фойдаланилганда юз беради.

Ёғнинг массавий улуши $X_{ж}$ қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$X_{ж} = \frac{0,1 \cdot 11,33 \cdot A}{m},$$

бунда, А – ёғўлчагичнинг кўрсаткичи; 0,1 – ёғўлчагич шкаласи битта чизигининг баҳоси, %; м – намуна массаси, г.

Сабзавот консерваларидаги ёғни аниқлашда ва сабзавотларни қовуришни назорат қилишда рефрактометрик усулдан ҳам фойдаланилади.

Назорат саволлари:

1. Ёғнинг эрувчанлиги қандай баҳоланади?
2. Ёғнинг зичлиги қандай аниқланади?
3. Ёғнинг совунланиш сони қандай аниқланади?
4. Ёғнинг йод сони қандай аниқланади?
5. Ёғнинг кислота сони қандай аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.

2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодовоощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.

3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.

4. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.

5. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М: Легкая и пищевая промышленность, 1985.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги бегона моддаларни аниқлаш Консервантларни аниқлаш усуллари


Мева-сабзавотларни консервалашда консервантлар деб аталувчи кимёвий бирикмалар ишлатилади. Уларнинг микдори стандарт асосида белгиланади. Табиий консерваловчи моддаларга шакар, спирт, сут ва сирка кислоталарини мисол қилишимиз мумкин. Булардан ташқари кўп ҳолларда бошқа моддалар: сульфит кислота эритмаси ва тузлари, бензой кислотаси ва бензой кислотасини натрийли тузи (0,16% гача), айрим ҳолларда чумоли кислотаси (HCOOH -0,15-0,25%) ва параклорбензой кислота ($\text{C}_6\text{H}_5\text{COO}$) ишлатилиши мумкин.

Консерва саноатида энг муҳим касб этган консервант сульфит ангиридид (CO_2) ва сульфит кислотадир (NaHSO_3). Чунки сульфит ангиридид билан консерваланган маҳсулот қўлланилишидан олдин қиздириш йўли ёки бошқа усуллар билан десульфатланиши мумкин. Сульфит ангириддининг кўп бўлмаган микдорини сифат реакцияси ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунинг учун текширилаётган маҳсулот сув билан аралаштирилиб, озгина фосфат кислота билан кислотали ҳолга келтирилади ва қиздирилади. Агар сульфат ангириддининг ҳиди пайдо бўлса ёки йодли қофознинг рангизланиши кузатилса, сульфит кислота борлиги маълум бўлади.

Сорбин кислотаси микдорини аниқлаш

Сорбин кислотаси молекуласи тузилишида иккита қўшбоғ бўлиб, унинг микдорини назорат қилиш бромнинг бирикиш реакциясига асосланган. Маҳсулотдаги сорбин кислота микдори реакциядан олдин қўшилган бромнинг ва реакцияга киришгандан кейин қолган бромнинг микдорини ҳисоблаш йўли билан топилади.

Ажратгич воронкага 10 cm^3 маҳсулотнинг сувли эритмаси ёки мева суви солинади ва 25% ли H_2SO_4 дан 10 cm^3 қўшилади хамда $5 \text{ cm}^3 \text{ H}_2\text{O}_2$ дан солинади (9-расм). Водород пероксидни қўшишдан мақсад бромга бирикадиган модда-




9-расм. Сорбин кислотасини аниқлаш учун қурилма.


1- ҳайдаш учун идиш; 2 – икки оғизли колба; 3 – кранли воронка; 4 – дефлегматор; 5 – бириктирувчи трубка; 6 – совутгич; 7 – шишали воронка; 8 – ўлчов колбаси.

ларни ажратишидир. Шундан кейин диэтил эфири қўшилиб, 5 мин чайқатилади. Сувли эритма бошқа ажратгич воронкага солинади ва яна 10 см³ эфир солиб чайқатилади. Эфирли экстрактлар бирга қўшилиб, 10 см³ КаОН (0,5 моль/дм³) солинади ва чайқатилади. Бунда сорбин кислота натрийли туз ҳолига ўтади.

Ишқорли эритма стаканга солиниб, эфирли экстракт қайтадан 10 см³ Na₂CO₄ эритмаси билан чайқатилади. Эфир қолдиги H₂O₂ ни ва ишқорий экстрактни ажратиш учун улар бирга 20 мин қайноқ сув хаммолида қиздирилади. Стакандаги қолдик совутилиб, 100 см³ ли ўлчов колбасига ўтказилади ва белгисигача дистилланган сув билан тўлдирилади. 20 см³ ишқорли эритма колбага солиниб, устига 80 см³ дистилланган сув қўшилади, оғзи шиша тиқин билан ёпилади. Колбада 0,3 г кристалл холдаги KVg 12 см³ (1:1) эритилган сульфат кислотада эритилиб бюреткадан 10 см³ KVgO₃ эритмаси қўшилади. Колба ёпилиб, 15 мин коронғи жойда сақланади. Кейин колбага 0,3 г кристалл холдаги KЖ қўшилади. Реакция тенгламаси қўйидаги кўринишида боради:



Қолдик бром калий йодид эритмасидан йодни сиқиб чиқаради.



Йод Na₂C₂O₃ нинг крахмалли эритмаси билан тайёрланади.



Сорбин кислотасининг % ҳисобидаги X оғирлик қисми қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$X = \frac{0,7 \cdot 100 \cdot (\nu_1 \cdot k_1 - \nu_2 \cdot k_2)}{20 \cdot 1000 \cdot m}$$

Бунда V₁, V₂ – KVgO₃ ва Na₂C₂O₃ ларнинг ҳажми, см³; k₁, k₂ – тузатувчи коэффициент; 0,7 – сорбин кислотанинг оғирлик миқдори, мг/см³ KVgO₃ эритмасида; 100 – экстрактнинг ҳажми, см³; m – маҳсулотнинг тортиб олинган оғирлиги, г; 20 – анализ учун олинган экстракт ҳажми, см³.

Сорбин кислотасини спектрофотометрик усулда ҳам аниқлаш мумкин. Лекин спектрофотометр йўқ бўлган вақтда юқоридаги усулдан фойдаланилади.

Сульфитланган мева-сабзавотли ярим тайёр маҳсулотларда сульфит кислота миқдорини йодометрия усулида аниқлаш

Фарфор косачага 5 г текширилаётган маҳсулот намунаси олинади. Маҳсулотни мумкин қадар кам миқдордаги сув билан юваб, ҳажми 200 мл-ли колбага солинади, устига 25 мл нормал ишқор эритмасидан қўйилиб, колба тиқин билан беркитилади ва чайқатилиб, 15 мин тинч қўйилади. Кейин 10 мл 1:3 нисбатдаги сульфат кислота эритмаси, 1 мл крахмал эритмаси солинади ва 0,01 н йод эритмаси бир неча секундгача сақланадиган кўк ранг пайдо бўлгунича титрланади. Хисоб қўйидаги формула асосида бажарилади:

$$X = \frac{(b - c) \cdot 0,00032 \cdot 100}{a}$$

Бунда X - сульфит ангидриднинг % ҳисобидаги микдори; б-сульфитланган маҳсулотни титрлаш учун сарфланган 0,01 н йод эритмаси ҳажми, мл; с - сув ва реактивларни титрлаш учун сарфланган 0,01 н йод ҳажми, мл; а - текшириш учун олинган маҳсулот оғирлиги, г.

Тайёр маҳсулотларда CO₂ - сульфит ангидриднинг умумий микдорини аниқлаш

Сульфитланган тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар мурабболар, повидлолар таркибида учувчан кислоталар бўлмаса ёки бижғимаган бўлса ГОСТ 550 бўйича қуидагича аниқланади:

20 г текширилаётган тайёр маҳсулот намунаси таги текис 250 мл колбага солиниб, 50 мл дистилланган сув ва 5 мл конц. фосфат кислотасидан қуилади. Колба шиша най ўрнатилган резина тиқин билан беркитилиб, катта вертикал бўлмаган ҳолда ўрнатилган совутгичнинг юқори қисмига уланади. Совутгичнинг пастки қисми найи эгилган ҳолдаги шиша най билан уланган бўлиб, 5 мл 3% ли водород пероксид солинган ва ишқор эритмаси билан нейтралланган колбага ўрнатилган бўлади. Текширилаётган маҳсулот солинган колба асбест тўр устига жойлаштирилиб, қиздирилади ва 5 мин қаттиқ қайнатган ҳолда ҳайдалади. Колбада қолган қолдиқ бирга олиниб, ўрнига иккинчи водород пероксида билан нейтралланган колба қўйилади ва ҳайдалади. 2-3 минутдан кейин иккала колбадаги қолдиқ бирлаштирилиб, 2-3 томчи индикатор эритмасидан қўшилган 0,01 н ишқор эритмаси билан титрланади. Сульфит ангидриднинг % ҳисобидаги микдори куидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$X = a \cdot 0,00032 \cdot 5$$

Бунда X - ҳайдашдан қолган суюкликни титрлаш учун сарф бўлган 0,01 н ишқор эритмаси, мл.; CO₂ нинг микдорини ареометр ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Сульфит ангидридни аниқлашнинг қайси усулларини биласиз?
2. Сульфит ангидрид қандай формула асосида аниқланади?
3. Сорбин кислотасини аниқловчи усулларга тавсиф беринг.
4. Сорбин кислотаси қандай формула асосида аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Загибалов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.
2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодовоощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
4. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.
5. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М:

Легкая и пищевая промышленность, 1985.

Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Томат-паста ва томат-пюре ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назорат-нинг даврий-лиги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуллари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5
Хом ашё майдончасидаги помидорлар	Ҳар бир партия	1. Давлат стандарти техник шартлар талабларига мослиги	Органолептик ва физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Эти ва уруғининг миқдори	Оғирлиги бўйича	Лаборант
Помидорларни ювиш	даврий	Ювишнинг сифати	Визуал	Лаборант
Помидорларни навлаш ва инспекциялаш	даврий	навлаш ва инспекция қилишнинг сифати	Визуал	Лаборант
Помидорларни майдалаш ва ишқалаш	даврий	Майдалаш ва ишқалаш машиналари-нинг ишлаш режими	Визуал	Лаборант
Помидор пульпаси	Келаётган ҳар бир партия	1. Пульпа сифати. 2. Курук модда миқдори	1. Визуал 2. Рефрактометрик	1. Лаборант 2. Лаборант
Буғлатиш (қуюлтириш)	Ҳар бир партия даврий	1. Курук модда миқдори. 2. Буғлатиш режими	1. Рефрактометрик. 2. Асбоблар кўрсати-ши бўйича	1. Лаборант 2. Смена кимёгари
Қадоқлаш	даврий	1. Тара (сифати, тозалиги). 2. Қадоқлаш ҳарорати	1. Визуал 2. Термометр ёрдамида	1. Лаборант. 2. Лаборант.
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар ростлашдан кейин	2. Беркитиш сифати. 3. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	1. Визуал 2. Визуал	1. Лаборант. 2. Лаборант.
	Ҳар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустахкамлиги (шиша банкалар учун)	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари
	Ҳар	4. Герметиклиги	Сувли тестер	Смена

	соатда	(металл банкалар учун)	ёрдамида	кимёгари
Стерилизация	Хар бир	Стерилизация режимга риоя қилиш	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари
Тайёр маҳсулот	Хар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги	Органолептик, физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Ёрликлашнинг тўғрилиги	Визуал	Лаборант
		3. Этикеткалаш сифати	Визуал	Лаборант
		4. Нуқсонлар сони	Визуал	Завод лабораторияси, омборхона мудири
Ишқалашдан кейинги помидорлар чиқити	даврий	Чиқитлар миқдори, %	Оғирлиги бўйича	Завод лабораторияси

Табиий томат шарбати ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назорат нинг даврийл иги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуллари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5
Хом ашё майдончасидаги помидорлар	Хар бир партия	1. Давлат стандарти техник шартлар талабларига мослиги	Органолептик ва физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Эти ва уруғининг миқдори	Оғирлиги бўйича	Лаборант
Помидорларни ювиш	даврий	Ювишнинг сифати	Визуал	Лаборант
Помидорларни навлаш ва инспекциялаш	даврий	навлаш ва инспекция қилишнинг сифати	Визуал	Лаборант
Шарбат олишда ишлатиладиган агрегат	даврий	Агрегатнинг ишлаш режими	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари
Қадоқлаш	даврий	1. Тара (сифати, тозалиги). 2. Қадоқлаш	1. Визуал 2. Термометр	1. Смена кимёгари 2. Лаборант.

		харорати	ёрдамида	
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар ростлашдан кейин	1. Беркитиш сифати (шиша банкалар учун). 2. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	1. Визуал 2. Визуал	1. Лаборант. 2. Лаборант.
	Ҳар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустахкамлиги (шиша банкалар учун)	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари
	Ҳар соатда	4. Герметиклиги (металл банкалар учун)	Сувли тестер ёрдамида	Смена кимёгари
Стерилизация	Ҳар бир	Стерилизация режимига риоя қилиш	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари
Тайёр маҳсулот	Ҳар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги	Органолептик, физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Ёрлиқлашнинг тўғрилиги	Визуал	Лаборант
		3. Этикеткалаш сифати	Визуал	Лаборант
		4. Нуқсонлар сони	Визуал	Завод лабораторияси, омборхона мудири
Экстрактордан кейинги помидорлар чиқити	даврий	Чиқитлар миқдори, %	Оғирлиги бўйича	Завод лабораторияси

Кўк нўхот консерваси ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назоратнинг даврийлиги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуллари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5

Хом ашё майдончасидаги кўк нўхотлар	Ҳар бир партия	1. Кондицияларга мослиги	Визуал	лаборант
		2. Техник пишган хом ашё миқдори	Оғирлиги бўйича	лаборант
Қўзогини янчиб кўк нўхотни ажратиш (Обмолот)	Сменада 1-2 марта	1. Хом ашё сифати.	Оғирлиги бўйича	лаборант
		2. Чиқитлар миқдори.	Оғирлиги бўйича	лаборант
		3. Урилган хом ашё миқдори	Оғирлиги бўйича	Лаборант
Тозалаш	Доим	Аралашмалар билан ифлосланганинги	Визуал, оғирлиги бўйича	Лаборант
Ювиш	Доим	Ювишнинг сифати	Визуал	Лаборант
Бланширлаш	Сменада 3-4 марта	Бланширлаш режими	Термометр ёрдамида	Смена кимёгари
Қадоқлаш	даврий	1. Тара (сифати, тозалиги).	3. Визуал	1. Смена кимёгари 2. Лаборант.
		2. Қадоқлаш харорати	2. Термометр ёрдамида	Лаборант
	Ҳар соатда	3. Қуйилмадаги шакар ва тузни аниқлаш	Рефрактометрик	Лаборант
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар ростлашдан кейин	4. Қисмлар нисбати ва масса неттоси	Оғирлиги бўйича	Лаборант
	Ҳар соатда	1. Беркитиш сифати (шиша банкалар учун).	1. Визуал	1. Лаборант.
		2. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	2. Визуал	2. Лаборант.
	Ҳар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустахкамлиги (шиша банкалар учун)	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари
	Ҳар соатда	4. Герметиклиги (металл банкалар учун)	Сувли тестер ёрдамида	Смена кимёгари
Стерилизация	Ҳар бир	Стерилизация режимига риоя қилиш	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари

Тайёр маҳсулот	Ҳар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги 2. Ёрликлашнинг тўғрилиги 3. Этикеткалаш сифати 4. Нуқсонлар сони	Органолептик, физик-кимёвий Визуал Визуал Визуал	Завод лабораторияси Лаборант Лаборант Завод лабораторияси, омборхона мудири

Сабзавотдан тайёрланган газак консервалари ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назоратн инг даврийл иги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуллари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5
Хом ашё майдончасидаги сабзавотлар	Ҳар бир партия	Давлат стандарти талабига мослиги	Визуал ва оғирлиги бўйича	лаборант
Калибрлаш (сараплаш)	Ҳар бир турдаги хом ашё учун сменада 1 марта	Ўлчамларининг тенг тақсимланганини	визуал	Лаборант
Ювиш	Ҳар бир турдаги хом ашё учун сменада 2 марта	Ювишнинг сифати	визуал	Лаборант
Тозалаш (артиш, арчиш)	Ҳар соатда	Тозалаш (артиш, арчиш)нинг сифати	визуал	Лаборант
Кесиш	Ҳар бир турдаги хом ашё учун сменада 2 марта	Кесишнинг сифати: 1) бир текислиги; 2) темирараплашмалар миқдори	Визуал Магнит ёрдамида	Лаборант Лаборант
Бланширлаш	Ҳар бир турдаги	1. Режим (ҳарорати ва давомийлиги)	Термометр ва соатлар	Лаборант

	хом ашё учун сменада 1 марта	2. Сифати.	ёрдамида Визуал	Лаборант
1	2	3	4	5
Ковуриш	Сменада 1 марта	1. Ёғнинг кислота сони.	Кимёвий	Завод лабо- раторияси
	Сменада 1-2 марта	2. Кўринарли қову- риш, % 3. Таъми, ранги, ёғнинг хиди, сабзавотларнинг консистенцияси	Оғирлиги бўйича Визуал	Лаборант Лаборант
		4. Ёғнинг ютилув- чанлиги (сингиши)	Рефрактомет- рик	Завод лабо- раторияси
Ёрдамчи мате- риаллар: шакар, туз, ун, омбор- хонадаги зираоворлар	Ҳар бир партия	Давлат стандарти талабига мослиги	Визуал ва оғирлиги бўйича	Лаборант
Омборхонадаги томат паста	Ҳар бир партия	Давлат стандарти талабига мослиги	Визуал ва оғирлиги бўйича	Лаборант
Омборхонадаги ўсимлик мойи	Ҳар бир партия	Давлат стандарти талабига мослиги	Визуал ва оғирлиги бўйича	Лаборант
Қийма учун сабзавотларни аралаштириш	Сменада 1- 2 марта	Жойлаштиришдаги компонентлар нисбати	оғирлиги бўйича	Лаборант
Икралар учун сабзавотларни аралаштириш	Ҳар бир аралаш- ма	1. Куруқ модда микдори. 2. Ёғ микдори.	1. Рефракто- метрик 2. Рефракто- метрик	Лаборант Лаборант
Томат соуси тайёрлаш	Ҳар бир буғла- тишда	Куруқ модда микдори.	Рефракто- метрик	Лаборант
Икраларни қадоқлаш	Сменада 2 марта Даврий Ҳар соатда	1. Тара (сифати, тозалиги). 2. Қадоқлаш ҳарорати	1. Визуал 2. Термометр ёрдамида	1. Смена кимёгари 2. Лаборант.
		3. Масса неттоси	Оғирлиги бўйича	Лаборант
Қиймаланган сабзавотларни	даврий	1. Қадоқлашдаги томат соусининг	Термометр ёрдамида	Лаборант

қадоқлаш		харорати.		
	даврий	2. Масса неттоси.	Оғирлиги бўйича	Лаборант
	Хар соатда	3. Компонентлар нисбати	Оғирлиги бўйича	Лаборант
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар ростлашдан кейин	1. Беркитиш сифати (шиша банкалар учун). 2. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	1. Визуал 2. Визуал	1. Лаборант. 2. Лаборант.
	Хар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустахкамлиги (шиша банкалар учун)	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари
	Хар соатда	4. Герметиклиги (металл банкалар учун)	Сувли тестер ёрдамида	Смена кимёгари
Стерилизация	Хар бир	Стерилизация режимига риоя қилиш	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари
Тайёр маҳсулот	Хар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги	Органолептич, физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Ёрликлашнинг тўғрилиги	Визуал	Лаборант
		3. Этикеткалаш сифати	Визуал	Лаборант
		4. Нуқсонлар сони	Визуал	Завод лабораторияси, омборхона мудири

Узум шарбати ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назоратн инг даврий-лиги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуллари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5
Хом ашё майдончасидаги	Хар бир партия	1. Техник шартлар талабига мослиги	Визуал ва оғирлиги	лаборант

узумлар		2. Қуруқ модда микдори. 3. Кислоталилиги	бўйича Рефрактомет- рик Кимёвий	лаборант лаборатория
Ювиш	сменада 2-3 марта	Ювишнинг сифати	визуал	Лаборант
Майдалаш	сменада 2-3 марта	1. Майдалаш дара- жаси. 2. Қисм ўлчамлари	Визуал Визуал	Лаборант Лаборант
Пресслаш	сменада 4-5 марта мавсум- да 5-6 марта	1. Тортилган қисм микдори. 2. Шарбат чиқиши	Центрифуга- ли Оғирлиги бўйича	Лаборант Лаборант
Пастеризация, совутиш	Доим	Ҳароратли режим	Автоматик	Лаборант
Танкларда шарбатни сақлаш	Танклар- га юқлаш- да	1. Чўқма микдори. 2. Шарбатдаги қуруқ модда микдори.	Центрифуга- ли Рефрактомет- рик	Лаборатория Лаборатория
	Тўлдири шдан кейинги 3 кун, ҳар 10 кунда	3. Спирт микдори	Кимёвий	Лаборатория
1	2	3	4	5
	Суткада 1 марта	4. CO ₂ босими	Манометр ёрдамида	Танк бўлими бригадири
	Доимо	5. Танк бўлими- нинг ҳар бир нуктасида	Термометр ёрдамида	Танк бўлими бригадири
Фильтрлаш	Сменада 4-5 марта	Шарбатнинг тиниқлиги: Олий нав учун 1 чи нав учун	Визуал Нефеломет- рик Формазин шкаласи бўйича	Лаборант Лаборант Лаборант
Қадоқлаш	даврий	1. Тара (сифати, тозалиги). 2. Қадоқлаш ҳарорати	1. Визуал 2. Автоматик	1. Смена кимёгари 2. Лаборант.

	Хар соатда	2. Масса неттоси (хажм)	Оғирлиги бўйича	Лаборант
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар ростлашдан кейин	1. Беркитиш сифати (шиша банкалар учун). 2. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	1. Визуал 2. Визуал	1. Лаборант. 2. Лаборант.
	Ҳар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустахкамлиги (шиша банкалар учун)	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари
	Ҳар соатда	4. Герметиклиги (металл банкалар учун)	Сувли тестер ёрдамида	Смена кимёгари
Стерилизация	Ҳар бир	Стерилизация режимига риоя қилиш	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари
Тайёр маҳсулот	Ҳар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги	Органолептик, физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Ёрликлашнинг тўғрилиги	Визуал	Лаборант
		3. Этикеткалаш сифати	Визуал	Лаборант
		4. Нуқсонлар сони	Визуал	Завод лабораторияси, омборхона мудири

Мева ва резавор мева шарбатлари ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назоратнинг даврий-лиги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуллари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5
Хом ашё ва ёрдамчи материаллар (шакар, сорбин кислотаси ва	Ҳар бир партия	Техник шартлар ёки Давлат стандарти талабларига мослиги	Визуал, кимёвий ва оғирлиги бўйича	лаборант лаборатория

хоказо)				
Инспекция қилиш	даврий	Инспекция сифати	Визуал	Лаборант
Майдалаш	даврий	Майдалаш сифати Данаклар міңдори	Визуал Оғирлиги бүйича	Лаборант Лаборант
Пресслашгача мезгага ишлов бериш: а) Иситиш	даврий	1. Ҳарорати ва давомийлиги. 2. Меваларнинг (резавор) сифати	1. Термометр ва соатлар ёрдамида 2. Визуал	Лаборант Лаборант
б) ферментлар билан ишлов бериш	даврий	1. Ҳарорати ва давомийлиги. 2. Ферментларнинг міңдори	1. Термометр ва соатлар ёрдамида 2. Визуал	Лаборант Лаборант
Пресслаш	Сменада 2 марта	Пресслаш режими (мезга қатлами, босими, давомийлиги)	Линейка, манометр ва соатлар ёрдамида	Лаборант
Шарбатни оқизиш	даврий	Шарбатни оқизиш сифати	Визуал	Лаборант
Оклейка билан тиндириш	даврий	1. Танин, желатина эритмалари концентрацияси	Оғирлиги бүйича	Завод лабораторияси
		2. Шарбат ҳарорати	Термометр ёрдамида	Лаборант
		3. Шарбат сифати	Визуал	Лаборант
Фермент препаратлари билан тиндириш	даврий	1. Ҳарорати ва давомийлиги. 2. Ферментларнинг міңдори	1. Термометр ва соатлар ёрдамида 2. Визуал	Лаборант Лаборант
		3. Шарбат сифати	Визуал	Лаборант
		1. Ҳарорати, давомийлиги, босими 2. Шарбат сифати	Термометр ва соатлар, манометр ёрдамида Визуал	Лаборант Лаборант
Бентонит билан тиндириш	даврий	Харорати ва давомийлиги.	Термометр ва соатлар ёрдамида	Лаборант
Иситиш йўли билан тиндириш	даврий	Харорати ва давомийлиги.	Термометр ва соатлар ёрдамида	Лаборант
Сорбин кислотаси билан аралаштириш	Ҳар бир партия	1. Сорбин кислота міңдори. 2. Аралаштириш	Оғирлиги бүйича Визуал	Смена кимёгари Смена

		сифати.		кимёгари
Катта сигумли танкларда шарбатни сақлаш	Хар ойда	1. Спирт микдори. 2. Сорбин кислота микдори. 3. Кислоталилиги	Кимёвий Кимёвий Кимёвий	Завод лабораторияси Завод лабораторияси Завод лабораторияси
Купажлаш	Хар бир партия	1. Дозалаш. 2. Шарбат сифати	Оғилиги бўйича Органолептик	Смена кимёгари Смена кимёгари
Шириналаштириш	Хар бир партия	1. Шакар микдори. 2. Кислоталилиги 3. Шакарли сироп концентрацияси 4. Қўшилаётган сув микдори	Рефрактометрик Кимёвий Рефрактометрик Оғирлиги бўйича	Завод лабораторияси Завод лабораторияси Лаборант Лаборант
		5. Ширин шарбат сифати.	Органолептик ва физик-кимёвий	Лаборант
Фильтрлаш	Сменада 2-4 марта	1. Босими. 2. Ҳарорати.	1. Манометр ёрдамида 2. Термометр ёрдамида	Лаборант Лаборант
Деаэрация ва қиздириш	даврий	Ҳарорат, вакуум	Термометр ва вакууметр ёрдамида	Лаборант
Сорбин кислотаси билан аралаштириш	Хар бир партия	Сорбин кислота миқори	Оғирлиги бўйича	Смена кимёгари
Қадоқлаш	Смена 2 марта	1. Тара тозалиги 2. Шарбат ҳарорати	1. Визуал 2. Термометр ёрдамида	Лаборант Лаборант
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар ростлашдан кейин	1. Беркитиш сифати (шиша банкалар учун). 2. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	1. Визуал 2. Визуал	1. Лаборант. 2. Лаборант.
	Хар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустах-	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари

		камлиги (шиша банкалар учун)		
	Хар соатда	4. Герметиклиги (металл банкалар учун)	Сувли тестер ёрдамида	Смена кимёгари
Стерилизация	Хар бир	Стерилизация режимига риоя қилиш	Асбоблар кўрсатиши бўйича	Смена кимёгари
Тайёр маҳсулот	Хар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги	Органолептик, физик-кимёвий	Завод лабораторияси
		2. Ёрлиқлашнинг тўғрилиги	Визуал	Лаборант
		3. Этикеткалаш сифати	Визуал	Лаборант
		4. Нуқсонлар сони	Визуал	Завод лабораторияси, омборхона мудири

**Этли мева ва резавор мева шарбатлари ва пюрелари
ишлаб чиқаришдаги техник-кимёвий назорат**

Назорат объектлари ва жараёнлар	Назоратнинг даврий-лиги	Назорат қилинадиган кўрсаткичлар	Назорат услублари ва усуслари	Назорат ким томонидан амалга оширилади
1	2	3	4	5
Хом ашё ва ёрдамчи материаллар (шакар, кислоталар)	Хар бир партия	Техник шартлар ёки Давлат стандарти талабларига мослиги	Визуал, кимёвий ва оғирлиги бўйича	Лаборант ва лаборатория
Ювиш	Хар бир турдаги хом ашё учун сменада 2 марта	Ювишнинг сифати	визуал	Лаборант
Навлаш ва инспекциялаш	даврий	навлаш ва инспекция қилишнинг сифати	Визуал	Лаборант
Тозалаш (артиш, арчиш)	Хар соатда	Тозалаш (артиш, арчиш)нинг сифати	визуал	Лаборант
Кесиш	Хар бир турдаги хом ашё учун сменада 2	Кесишнинг сифати: бир текислиги; темирараплаш-малар миқдори	Визуал Магнит	Лаборант Лаборант

	марта	6)	ёрдамида	
Бланширлаш	Хар бир турдаги хом ашё учун сменада 1 марта	. Режим (ҳарорати ва давомийлиги) Сифати.	Термометр ва соатлар ёрдамида Визуал	Лаборант Лаборант
Буғлатиш (куюлтириш)	Хар бир партия даврий	Құруқ модда миқдори. 4. Буғлатиш режими	3. Рефрактометрик. Асбоблар күрсатиши бўйича	1. Лаборант 2. Смена кимёгари
Қадоқлаш	даврий	3. Тара (сифати, тозалиги). Қадоқлаш ҳарорати	1. Визуал 2. Термометр ёрдамида	1. Лаборант. 2. Лаборант.
Герметик беркитиш	Сменада 2 марта ва ҳар рост-лашдан кейин	4. Беркитиш сифати. Беркитиш ипининг сифати (металл банкалар учун)	2. Визуал 2. Визуал	1. Лаборант. 2. Лаборант.
	Хар соатда	3. Ёрилишга беркитишнинг мустаҳкамлиги (шиша банкалар учун)	Манометр ёрдамида	Смена кимёгари
	Хар соатда	4. Герметиклиги (металл банкалар учун)	Сувли тестер ёрдамида	Смена кимёгари
Стерилизация	Хар бир	Стерилизация режимига риоя қилиш	Асбоблар күрсатиши	Смена кимёгари
Тайёр маҳсулот	Хар бир партия	1. Давлат стандарти ва техник шартлар талабларига мослиги 2. Ёрликлашнинг тўғрилиги 3. Этикеткалаш сифати 4. Нуқсонлар сони	Органолеп-тик, физик-кимёвий Визуал Визуал Визуал	Завод лабораторияси Лаборант Лаборант Завод лабораторияси, омборхона мудири

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Загиболов А.Ф., Зверькова А.С., Титова Н.А., Флауменбаум Б.Л. Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. -М.:Агропромиздат, 1992.
2. Скробанский Г.Г. и другие. Технохимический контроль в плодоовощных предприятиях. -М.: Госторгиздат, 1951.
3. Гельфман С.Ю., Дьяконова Э.В., Медведева Т.Н. Основы управления качеством продукции и технохимический контроль консервного производства. -М.: Агропромиздат, 1987. -206 с.
4. Б.А Флауменбаум и другие. Основы консервирования пищевых продуктов. - М.: Агропромиздат, 1986.-493 с.
5. Н.И. Назаров и другие. Общая технология пищевых производств. - М: Легкая и пищевая промышленность, 1985.
6. Соловьева Е.И. Лабораторный контроль консервного, овощесушильного и пищеконцентратного производства. -М.: Пищевая промышленность, 1974. -278 с.
7. А.Т. Марх, Т.Ф. Зыкина, В.Н. Голубев. Технохимический контроль консервного производства. -М.: ВО Агропромиздат, 1989. -303 с.
8. А.Ф. Фан-Юнг и другие. Технология консервированных плодов, овощей, мяса и рыбы. - М: Пищевая промышленность, 1980.
9. А.Ж. Чориев, Ф.Х.Асатуллаева. Мева ва сабзавотлар микробиологияси. Тошкент. Ўзбекистон НМИУ. 2009. -168 б.
10. Васиев М.Г., Додаев Қ.О. ва б.Озиқ-овқат технологияси асослари. Тошкент. 2012. 400б.
11. Чориев А.Ж. Додаев К.О. Консервалаш корхоналари жиҳозлари. Тошкент. Ўзбекистон НМИУ -2011. – 200 б.
12. Қ.О.Додаев, А.Ж.Чориев. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва консервалаш кимёси. Тошкент. Иқтисод-молия. 2010. – 166 б.
13. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А. Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг жиҳозлари. Тошкент. Шарқ. 2007. -192 б.
14. Исмоилов Т.А. Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари жиҳозлари. Тошкент. “Янги нашр”. 2012. -256 б.
15. Қ.О.Додаев. Озиқ-овқат маҳсулотларини консервалашдаги технологик ҳисоблар. Тошкент. Фан. 2003. – 144 б.
16. Қ.О.Додаев. И.Маматов. Озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаш корхоналарининг лойиҳалаш асослари ва технологик ҳисоблари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2006.- 208 б.
17. Қ.О.Додаев. Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси. Тошкент. Ношир. 2009. - 387 б.
18. Ў.Р.Қўчкоров. Чорвачилик маҳсулотларининг давлат стандартларига мослигини аниқлаш асослари. Тошкент. Чўлпон. 2003. -240 б.
19. Куриязова С.М. Овқатланиш гигиенаси.Тошкент, «Янги аср авлоди», 2012. – 380 б.
20. Т.Х. Икромов., Ў.Р. Қўчкоров. «Чорва, парранда ва балиқ

маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси». Т: «Шарқ» 2001. -180 б.

21. Қ.Додаев, Ҳ.Нурмуҳамедов, А.Чориев. Қуритиш техникаси ва технологияси. Тошкент. Иқтисод-молия. 2010. – 160 б.

22. Ў.Р. Қўчқоров, Т.Х. Икромов. Гўшт ва сут маҳсулотлари технологияси. –Тошкент: “Чўлпон”. 2003. -240 б.

23. Чориев А.Ж., Қ.О.Додаев, И smoилов Т.А., Д.Т.Қорабоев. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ва сақлаш технологияси. Тошкент. “Давр”, 2012. -382 б.

24. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А.Г. Хомашёга дастлабки ва иссиқлик ишлови бериш технологияси. Тошкент. “Давр нашриёти”. 2012. -156 б.

25. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Ибрагимов А.Г. Консерва ишлаб чиқаришда стерилизатсия ва пастеризатсия жараёнлари. Тошкент. “Давр нашриёти”. 2012. -150 б.

26. Аҳраров У.Б., Вакил М.М. «Таом тайёрлаш технологияси» Тошкент: «Шарқ нашриёти», 2004., 382 б.

27. Аҳраров У.Б., Аҳраров Ш.У. «Таом тайёрлаш технологияси» Тошкент: «Шарқ нашриёти», 2008., 367 б.

28. Фатхуллаев А., Мусаев Х. Гўшт биокимёси. Тошкент. Иқтисод-молия. 2010. – 151 б.

29. Додаев Қ.О., Чориев А.Ж., Гулямова З.Ж., Маматов Ш.М. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ва спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқариш машина ва жиҳозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент: «Ношир» нашриёти. 2013. -368 б.

30. Аҳраров У.Б. Хорижий мамлакатлар пазандачилиги технологияси. Т.: Давр нашриёти.2013, 258 б.

31. Аҳраров У.Б. Ўзбекистон миллий пазандачилиги технологияси. Т.: Давр нашриёти. 2013, 239 б.

32. Чориев А.Ж., Додаев Қ.О. Консерва ишлаб чиқаришда техник-кимёвий назорат. Т.: ТКТИ нашриёти. 2013, 123 б.

33. И smoилов Т.А. Сут ва сут маҳсулотлари технология ва техникаси. Т.: ТКТИ нашриёти. 2013, 300 б.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

- | № | Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми |
|----|---|
| 1. | Васиев М, Додаев Қ, Исабаев И, Сапаева З, Гулямова З “Озиқ-овқат технологияси асослари” Тошкент – 2012 й Ворис нашриёти. - 400 б |
| 2. | «Умумий озиқ-овқат технологияси» фанидан маъruzалар матни. Тошкент-2013. ТКТИ ООМТ кафедраси |
| 3. | «Умумий озиқ-овқат технологияси» фанидан электрон ўқув услубий мажмуа. Тошкент-2013. ТКТИ ООМТ кафедраси |
| 4. | Калунянц К.А., Яровенко В.А., Домарецкий В.А., Колчева Р.А. Технология солода, пива и безалголных напитков. –М.: «Колос», 1992. –443 с. |
| 5. | Твепдохлеб Г.В. и др. Технология молока и молочных продуктов. –М.: Аграпромиздат, 1991. |

6. Технология пищевых производств /Л.П.Ковальская, И.С.Шуб, Г.М. Мелькина и др. Под ред. Л.П.Ковальской. –М.: «Колос», 1997.–713 с.
7. Т.Х.Икрамов, Ў.Р.Қўчқоров. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси. –Т.: Шарқ, 2001. -285 б.
8. Б.Л.Флауменбаум и др. Основы конвертирования пищевых продуктов. –М.: Легкая и пищевая промышленность, 1986. -490 с.
9. Икрамов Т.Х., Қўчқоров Ў.Р. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси. –Т.: «Шарқ», 2001.
10. Технология мяса и мясопродуктов. Под ред. И.А.Рогова. –М.: Агропромиздат, 1988.
11. Н.И.Назаров и др. Общая технология пищевых производств.-М.: Легкая и пищевая промышленность, 1981. -360 с.